

**1 · 2020**  
январь-февраль






**Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азмушижоатли, буюк халқмиз.**

**Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз.**

**Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёرمىз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аجدодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасидан).



1 • 2020

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

*Ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий,  
маданий-маърифий, безакли журнал*

### УШБУ СОНДА:

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий  
Мажлисга Мурожаатномаси – йилнинг бош  
ҳужжати.*

\*\*\*

*Ўзбекистон Республикаси маданият  
вазирини Озодбек Назарбеков соҳада амалга  
ошириладиган ишлар ҳақида фикр юритади.*

\*\*\*

*Самарқанд вилояти ҳокими  
Эркинжон Турдимов билан суҳбат.*

\*\*\*

*Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад  
Бобур таваллуди кунини муносабати билан  
махсус саҳифалар.*

\*\*\*

*Салим Ашур ва Вафо Файзуллоҳ шеърлари.*

\*\*\*

*Буюк маърифатпарвар бобомиз  
Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида нималар  
билишимиз?*

\*\*\*

*Ўзбекистон халқ ҳофизини Маҳмуджон  
Тожибоев мақом санъатининг инсон  
қалбига таъсири хусусида сўзлайди.*

\*\*\*

*Актриса Дилноза Кубаева таҳририятимиз  
меҳмони.*

\*\*\*

*«Гулистон» бисотидан:  
Шукур Холмирзаев Шукур Бурҳон ҳақида.*

\*\*\*

*Комил Юсуповнинг миллий курашимиз  
истиқболи ҳақидаги фикрлари.*

\*\*\*

*Санъаткорларимизнинг Иккинчи жаҳон  
урушида қозонилган ғалабага қўшган  
ҳиссаси ҳақида тарих фанлари доктори  
Нодира Мустафоева ёзади.*

### МУҚОВАЛАРДА:

*1-бет: Ўзбек Миллий академик драма  
театри актрисаси Дилноза Кубаева.*

*3-бет: Акмал Нур. «Оналик».*

*4-бет: Ўзбекистон халқ ҳофизини  
Маҳмуджон Тожибоев.*

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Маданият вазирлиги**

**Бош муҳаррир:**  
Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**

**Рустам АБДУЛЛАЕВ**  
**Мирза АЗИЗОВ**  
**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ**  
**Фатхулла МАЪСУДОВ**  
**Минҳожиддин МИРЗО**  
**Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ**  
**Озодбек НАЗАРБЕКОВ**  
**Акмал НУР**  
**Сирожиддин САЙИД**  
**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ**  
**Шухрат СИРОЖИДДИНОВ**  
**Саъдулла ҲАКИМ**

**Таҳририят:**

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

Ғайрат ДОНИЁРОВ

**Масъул котиб:**

Комил ЖОНТОЕВ

**Бўлим муҳаррирлари:**

Манзура ШАМСИЕВА

Холида ФАЙЗИЕВА

**Саҳифаловчи:**

Нигина ИСМОИЛОВА

**Навбатчи муҳаррир:**

Холида ФАЙЗИЕВА

**Мусаҳҳиҳ:**

Анора ҲОЖИМАТОВА

---

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил  
20 августда рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0517.  
Журнал икки ойда бир марта нашр этилади.  
Таҳририят ва муаллифлар фикри фарқланиши мумкин.  
«Guliston» журналичан материаллар олинганда  
манба кўрсатилиши шарт.  
Хатларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Таҳририят барча  
ижодий ишларни таҳрир этишга ҳақли.  
Обуна ва журналнинг етказилиши билан боғлиқ масалалар  
бўйича 71-233-28-13 рақамига кўнгироқ қилишингиз мумкин.

---

Бичими 70x100. 1/8. Ҳажми 6 босма табоқ.  
Буюртма № 9. Адади 1500 нусха.  
Босмахонага 2020 йил 21 февралда топширилди.  
Босишга 2020 йил 25 февралда рухсат этилди.  
Таҳририят манзили: Тошкент — 100000,  
Буюк Турон кўчаси, 42-уй. Тел.: 71-233-25-66,  
факс: 71-233-28-13.

Журнал «SILVER STAR PRINT» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
22-мавзе, 17-уй.

**Web-site: [Gulistonjurnali.uz](http://Gulistonjurnali.uz)**  
**[gulistonjurnali@mail.ru](mailto:gulistonjurnali@mail.ru)**



# ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ҚЎЛЛАНМАСИ

**То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,  
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.**

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу рубойиси мазмун-моҳиятини шарҳламоқ учун бир неча қоғозни қораламоқ жоиз. Навоийшунос олимларимиз бу ҳақда кўп ёзишган. Навоийнинг буюклиги, ҳамма замон, барча тузум учун керакли эканлиги ҳам унинг асарлари ҳеч қачон аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаслигидadır. Ҳазрат асарларини ихлос ва эътиқод билан мутолаа қилган киши бу фоний дунёнинг барча масала ва муаммоларига жавоб топа олади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини телевидение орқали эшитиш, газетада қайта-қайта ўқиш жараёнида Алишер Навоийнинг мазкур рубойиси ва унда ифодаланган гоёт теран фикрлар ёдга келаверди. Zero, давлатимиз раҳбари ушбу олий лавозимда иш бошлаган кунидан эътиборан жамият тараққиётининг энг катта, энг хавфли, жуда чуқур илдиз отган душмани – коррупцияга қарши кураш бошлади. Бинобарин, коррупциянинг тури ва шакли кўп, аммо катта-кичиги йўқ, чунки барча йирик муаммолар аслида дарҳол кўзга ташланмайдиган, одамлар унча назарга илмайдиغان майда нарсалардан бошланади. Оқибатда чирмовуқдай ҳамма соҳа ва тармоқни қамраб олади.

Шу боис жамиятдаги жамики иллатларнинг асоси ҳам, сабабчиси ҳам ана шу – коррупция. Шу маънода Шавкат Мирзиёев жамиятни тозалаш, тараққиёт йўлидаги барча тўсиқ ва говларни олиб ташлаш ишларини айнан коррупцияни бартараф этишдан бошлагани бежиз эмас. Буни халқимиз ҳам, халқроқ экспертлар ҳам, халқроқ ташкилотлар ва хорижий давлатлар мутахассисларидан тортиб раҳбарларигача эътироф этмоқда. Бунга биргина мисол: дунёдаги нуфузли нашрлардан бўлган «Экономист» журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат – «Йил мамлакати» сифатида эътироф этди.

Коррупциянинг энг оммалашган турларидан бири – порахўрлик, Навоий ибораси билан айтганда, «хирсу ҳавас», «нафсу ҳаво». Бу балога ружу қўйган одам халқ дардида қулқоқ солиши, унинг мушкуллини ечишга ҳаракат қилиши қийин. Бундайларнинг фикри-зики фақат ўз манфаатини ўйлаш, кимларнидир зор қақшатиб бўлса-да, ўз чўнтагини қаппайтиришда бўлади. Одатда бундай одамлар каттами-кичими лавозимда ўтиради, ҳар қандай мансаб имтиёз эмас, балки катта масъулият эканини улар гўё «унутиб қўяди». Шунинг учун давлатимиз раҳбари «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган тамойилни ўртага ташлади ва уни амалда исботлаш, ҳаётга жорий этишнинг турли восита ва усулларини йўлга қўйди. Энг муҳими, бу талаб бир кун бўлса-да, су-сайгани йўқ, аксинча, тобора кучайиб, талабчанлик ошиб бораётди. Натихада турли даражадаги раҳбарлар ўз фаолияти ҳақида халққа ҳисоб бериш тартиби йўлга қўйилди, мансабдорлар одамлар мурожаатини, дарди ва илтимосини эшитадиган бўлди. Бошқача айтганда, халқ билан раҳбарлар ўртасидаги кўзга кўринмас, аммо баланд ва мустаҳкам тўсиқ олиб ташланди. Тўғри, баъзи жойларда бу иллат ҳамон қайсидир даражада сақланиб қолган, лекин уларнинг умри узок эмас, улар ҳам албатта бартараф этилади. Чунки бу тўлқин ҳеч кимни – у ким, қайси лавозимда бўлмасин – аямайди ёхуд ҳеч ким ҳеч қандай имтиёзга эга эмас. Мана шу халқимизни хушнуд этмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза ёдга келади. Одамларнинг турли вазирлик ва идораларга, ҳокимликларга мурожаати, бу мурожаатларга эътибор, уларда кўтарилган муаммоларни ечиш масалалари доимий назоратда. Шу тўғрисида матбуотда, телевидениеда, турли сайтларда фалон жойда одамларнинг мурожаати ўрганилди, шундан кейин

муаммо ҳал этилди, деб ёзилади, кўрсатув бўлади. Булар яхши, албатта. Аммо кишини бошқа нарса ўйлантиради. Масалан, муайян кўчанинг ўйдум-чуқурларини тузатиш, асфальт қилиш, бирон-бир ижтимоий объектни таъмирлаш ва шулар каби бошқа муаммоларни одамлар мурожаат (шикоят) қилмагунча ҳал қилиш мумкин эмасми? Унчага ўша жойдаги мутасаддилар шу камчилик ёки муаммоларни кўрмаганми, билмайдими? Айрим раҳбарлар, мутасаддилар қачон-гача ўт ўчирувчи каби шикоят асосида ишлайди?! Мамлакатимизда янги иш услуби, янги тизим бошланганига уч йилдан ошди-ку! Нахотки улар ҳамон бу янги талабга, янги тартиб ва тизимга ўргана олмаётган, кўника олмаётган бўлса?! Ҳамма биладикки, бошланган ислохотлар, очкилик тамойили ортага қайтмайди. Қараб турайлик, ҳаммаси ўтиб кетади, деб ўйлайдиганлар чўчварани хом санабди. Буни Президентимиз кўп бор таъкидлади. Қолаверса, мурожаат (шикоят) асосида ишлаш қанча оворагарчилик, асаббузарлик келтириб чиқаради. Ҳар ким ўз мансаби, ваколати доирасида вазифасини вақтида бажариши лозим эмасми?!

Мурожаатномада «Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак» дейилади. Дарҳақиқат, коррупция тағ-томори билан йўқотилса, адолат барқарор бўлади ёки, аксинча, адолат тамойилларига қаттиқ амал қилинса, коррупциянинг илдизи қирқилади. Буюк

Навоий асарларида инсоф адолатни куйлаган бўлса, ўзининг ижтимоий фаолиятида ана шу эзгу ишлар амалга ошиши учун тинимсиз курашган, унинг олий намунасини кўрсатган.

## 2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

Президентимизнинг Мурожаатномаси гарчи Олий Мажлисга деб аталса-да, бутун халқимизга йўналтирилган даъват, мамлакатимиз тараққиётининг келажаги белгилаб берилган тарихий ҳужжатдир. Унда эришилган ютуқлар қайд этилиши билан бир қаторда камчиликлар, муаммолар очик-ойдин айтилди ва уларни бартараф этиш йўллари аник кўрсатилди. Шу боис ушбу Мурожаатномани ҳар бир раҳбар, ҳар қайси инсон ўзи учун дастуруламал сифатида қабул қилиб, унда қайд этилган улғувор вазифаларни бажаришга ўз ҳиссасини қўйишга бел боғлаган. Жумладан, маданият, санъат, адабиёт вакиллари ҳам бу эзгу ишларнинг фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқда. «Маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш зарур», дейилади Мурожаатномада. Бу эътибор, бу ғамхўрлик ижтимоий соҳанинг барча тармоқларига тегишлидир. Zero, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари, деган эзгу гоёни амалга оширишда ижод аҳли энг фаол бўлмоғини давр тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилни мамлакатимизда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили», деб эълон қилди. Бу юртимизда илм-фанга, маънавият ва маърифатга юксак эътиборнинг яна бир намунасидир. Чунки илм, маърифатни такомиллаштирмай туриб, иқтисодиётни, хусусан, замонавий рақамли иқтисодиётни ривожлантириш қийин. Президентимизнинг буларни ёнма-ён қўйишида теран маъно муҳжасман. Зотан, илмси иқтисоди кўтариш қийин, иқтисод бақувват бўлса-ю маърифат бўлмаса, у ҳам мукамаллик касб этмайди. Айрим кимсаларга нисбатан пул топиб, ақл топмаган, деган иборани बेқорга ишлатмайди халқимиз.

Ушбу Мурожаатнома мамлакатимиз тараққиётининг, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишнинг кейинги йилларга мўлжалланган қўлланмасидир. Бу қўлланмадан унумли ва самарали фойдаланиш, яъни эзгу мақсадларга хизмат қиладиган улғувор вазифаларни бажаришга, мавжуд муаммоларни, илдиз отиб кетган иллатларни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўйиш ҳар бир юртдошимизнинг фуқаролик бурчидир. Шунда Навоий бобомиз айтганидай, эл шод, мамлакат обод бўлади.



## Озбек НАЗАРБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири

# МАДАНИЯТ – МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ

**М**аданият – миллатнинг юзи, халқнинг хулқ-атвори, моддий ва номоддий бойликлари, минг йиллар давомида шаклланган турмуш тарзи сингари кенг тушунчаларни қамраб олади. Маданият бошқа ижтимоий соҳалар билан ҳамоҳанг ривожланади. Айни пайтда жамият тараққиётининг даражасини ифодалайди, яъни жамиятдаги билим ва кадриятларнинг йиғиндиси маданият ривожига кўринади.

Мустақиллик йилларида миллий маданиятимизга эътибор тубдан ўзгарди. Умуммиллий маданий алоқалар йўлга қўйилди. Хорижий давлатлар билан маданий алоқалар ривожланди. Бошқа соҳалар қатори маданият тизимини ҳам ислоҳ қилиш, ҳар бир тармоқнинг ривожини рўёбга чиқариш учун етарли шароит керак эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август кuni мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда миллий маданиятимизнинг долзарб масалаларига эътибор қаратди. Ана шу учрашувда олдимизга қўйилган топшириқ ва вазифалар тўлланиб қолган муаммоларни бартараф қилиш йўлидаги муҳим дастур бўлди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарориди бу борадаги вазифалар аниқ йўналишлар билан белгилаб берилди. Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг асоси маданият соҳаси билан боғлиқ.

Заминимиз моддий ва номоддий маданий меросларга жуда бой. Буларнинг борларини бойитиш, янгиларини кўпайтириш ҳам диққат-эътиборимизда. Ҳар бир маданият маскани, у музейми, театрми, истироҳат боғларими, кино ва концертми маърифат улашмоғи лозим. Маданият вазирлиги санъаткорлар билан ишлайдиган, концерт ва байрамларни ташкил этадиган муассаса деган нотўғри тушунчани одамлар онгидан чиқариб, том маънода маърифат даргоҳларининг мажмуаси бўлиши учун хизмат қилмоғимиз керак.

Бугунги кунда маданият вазирлиги тасарруфиди 3 олий таълим муассасаси ва унинг 2 филиали, 320 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 22 ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаби, мактаб-интернатлари, 3 академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Мусиқа ва санъат мактабларини, мақом ва бахшичилик мактабларини малакали мутахассислар, ўқув адабиётлари билан таъминлаш долзарб вазифаларимиздан.

Шу йил 5 февраль кuni Президентимизнинг айнан маданият соҳасига оид яна иккита қарори эълон қилинди. «Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизда давлат олий таълим муассасаси шаклида Ўзбекистон давлат хореография академиясини ташкил этиш ҳамда Бухоро, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларида Академия ҳузуридаги ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатини ташкил этиш белгилаб берилди. Бу рақс санъати тубдан ислоҳ қилинишини, соҳага малакали кадрлар кириб келишини таъминлайди.

Халқимиз рақс санъати даргаларидан Мукаррама Турғунбоева ва у киши раҳбарлик қилган «Баҳор» ансамбли ижросидаги рақсларни севиб томоша қилган, қадрлаган. Мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида «Баҳор»нинг концерти байрамга айланиб кетган. Ансамбль нафақат юртимизда ёки собиқ иттифоқда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида таниқли бўлган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамблини ташкил этиш белгилаб берилди. Бу халқимиз кўнглини чоғ қилган хушхабар бўлди. Айтиш мумкинки, бу хабар кўнгиллarga баҳор каби кириб келди. Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланаётган «Баҳор» ансамблининг либослари, асбоблари энди иккинчи умрини бошлайдиган бўлди.

Президентимиз маданият соҳасидаги қайси тармоқ орқада қолаётган бўлса, ўша тармоқни ривожлантиришга оид бирор ташаббус билан чиқмоқда. Йиллар давомида мақом санъатига деярли эътибор қаратилмади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори туфайли бу санъат қайта жонланди. Бир қатор адабиётлар чоп этилди. Ўзбек миллий мақом санъати маркази ташкил этилди. 2018 йил сентябрь ойида Шахрисабзда илк бор халқаро мақом анжумани бўлиб ўтди. Бу йил Шахрисабз шаҳрида иккинчи Халқаро мақом анжумани ўтказилди. Ушбу фестиваль аждодларимиздан бизгача етиб келган нодир мусиқа меросимизни тарғиб қилиш, уни жаҳон миқёсида тараннум этишга имконият яратмоқда. Биз, санъат аҳли, зиёлилар ёшларда мақом санъатига тўғри муносабатни шакллантириш учун ушбу маданий меросимизнинг сеҳрли кучини, жозибасини, улғуворлигини уларнинг онгу қалбига етказиб бера олишимиз зарур. Мақом академияси ташкил этиш мақсадимиз бор.

Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори халқ оғзаки ижоди ва бахшичилик санъати ривожини учун катта қадам бўлди. Термиз шаҳрида бахшичилик мактаби, ихтисослаштирилган санъат мактабларида халқ оғзаки ижоди синфлари ташкил этилди. Бу билан ўсиб келаётган ёш авлод қалбиди халқимизнинг қадим маданий меросини, қахрамонлигини, аънаналарини сингдириш, «оммавий маданият» кундан кун ҳаётимизга сингиб киришининг олдини олишда улкан ёрдам бўлади.

**Д**авлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш масадида 2019 йил сентябрь ойида Қўқон шаҳри катта анжуманга мезбонлик қилди. Бу қарор нафақат хунармандчилик соҳаси ривожига, ички ва ташқи туризм, инновация, кичик ва оилавий тадбиркорлик, кластер соҳалари ривожига ҳисса қўшади. Бугунги Қўқон манзарасини, фестивалнинг очилиш маросимида, томошабинлар кўзи олдида қўли гул хунармандлар томонидан қу-

рилган айвонларни кўришга келаётганларнинг адоғи йўқ. Шундай экан, ҳар бир ташаббус, ҳар бир қабул қилинаётган қарор ижросини таъминлаш учун бирлашиб ҳаракат қилишимиз лозим.

**М**амлакатимизда 8 минг 208 маданий мерос объекти мавжуд. Шундан 4 минг 748 таси археологик ёдгорликдир. Уларнинг 5 минг 953 тасига муҳофаза белгилари ва йўл кўрсаткичлари жорий этишни 2020 йилдаги устувор вазифаларимиз қаторига киритдик. Сайёҳлик салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида мамлакатимизга келаётган сайёҳларни электрон рўйхати шакллантирилмоқда. Юртимиздаги 20 маданият маскани ва театрлар таъмирланади ва қурилади. 2019 йил 21-27 март кунлари мамлакатимизда театр ҳафталиги ўтказилди. Бу йил мазкур анъана янада байрамона тус олиб, театр иҳлосмандлари сафи кенгайиши кутилмоқда. Ҳафталиқда намойиш этиладиган янги спектакллар тайёрланмоқда. Йил давомида театрларга 1 миллион 900 томошабин келиши кўзда тутиляпти. Репертуар масаласи ҳамisha эътиборимизда туради. Тарихий, мумтоз ва замонавий асарларни саҳнага олиб чиқишга эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиздаги 103 давлат музейларининг кўчма кўргазмаларини кўпайтириш ниятидамиз. Маданият ва санъат муассасаларида фаолият юритаётган раҳбар ва ходимлар малакаси оширилади. «Виртуал музей» маълумотлар базасига бир миллионга яқин экспонатлар бўйича маълумотлар электрон каталога киритилади. Ёшларнинг мусиқа, рақс, рассомлик, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсадида истеъдодини юзга чиқариш, маданият ва санъат муассасаларини ҳамда умумтаълим мактабларидан кўшимча равишда ўн минг санъат тўғараклари ташкил этилади. Ушбу тўғараклар 126 минг 300 ўқувчини қамраб олади.

Иккинчи ҳаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш учун ҳамкор ташкилотлар билан алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда.

Кўплаб мамлакатларда Ўзбекистон маданияти кунлари, Ўзбекистонда хорижий ва қардош давлатларнинг маданияти кунлари ўтказилиши анъанага айланиб бормоқда. Бу йил Россия Федерациясида, Покистон Ислам Республикасида, Туркия ва Бирлашган Араб Амирикларида мамлакатимизнинг маданияти кунлари бўлиб ўтади. Ўзбекистонда Озарбайжон маданияти кунлари ўтказилиши режалаштирилмоқда. Америка Қўшма Штатлари, Туркия ва Озарбайжон давлатларида мақом ансамблининг концерт дастурлари ўтказилиши бу йилги режамизга киритилган. Бу миллий мақом санъатини хорижий давлатларда ҳам тарғиб қилиниши йўлида яна бир қадам бўлади. 2019 йилда «Лазги» санъати ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерослари репрезентатив рўйхатига киритилди. Бу йил бахшичилик санъатини ушбу рўйхатга киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. 10-15 сентябрь кунлари Марғилонда атлас фестивали ўтказилади. Атлас ҳам ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерослари рўйхатига киритилган.

2020 йил 24 январь куни давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномаси эълон қилинди. Мурожаатнома тарихий воқеа бўлди. Президентимиз мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни белгилаб берди. Мурожаатномада эришилган ютуқлар қаторида йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммолар ҳам кўрсатилди. Уларни бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатиб берилди. Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилинган жорий йилда бажарадиган ишларимиз белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминлашда, турли иллатлардан холи, фаровон, одил жамият қуришда энг муҳим «ричаг» – ҳар биримиз ўзимизни «ҳалоллик вакцинаси» билан эмлашимиз кераклигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, айнан ҳалоллик тараққийтимизга ғов бўлиб келаётган эшикларни очади. «Ҳалоллик вакцинаси» виждонимизни уйғотиб, кўрум босган эҳнимизни тозалайди.

Президентимиз билдирган фикрлар, илгари сурган ташаббус ва

ғоялар маданият соҳасидаги ишларнинг том маънода, ядроси бўлади. Масалан, ишга ҳалол ёндашиш, ҳалол яшаш, виждон амрини турмуш тамойилга айлантириш борасидаги фикрларни олайлик. Ҳалоллик, аслида, маданият дегани-ку! Инсон ҳалол бўлиши учун унда, аввало, ички маданият юксак бўлиши зарур.

Шундай экан, биз, маданият ходимлари ислохотни, ўзимиздан бошлашимиз шарт. Биз тизимни шундай ҳолатга келтиришимиз керакки, музей, кино, театр, санъат мактаблари, истироҳат боғлари, маданият даргоҳлари тарбия ўчоғи бўлиши зарур.

Бир ҳақиқатни унутмаслигимиз зарур, яъни саҳна доимо томоша залидан баланд бўлган, куй-қўшиқларда одамларнинг дарду қайғулари, орзу-армонлари, ишончу умидлари тараннум этилган.

Президентимиз бутун халқимизнинг билимини, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият муҳимлигини, илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлишини қайд этди. Шарқ донишмандларидан бирининг «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!», деган ҳикматини алоҳида таъкидлади.

Демак, бугун ҳаммамиз замонавий билимларни ўзлаштиришни, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлишни ҳаётий эҳтиёжга айлантиришимиз керак.

Мурожаатномада маданият соҳасида изчил амалга оширилаётган ислохотлар янги ҳаҳна, шиддат билан давом эттирилиши таъкидланди. Маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилади. Бюджет маблағлари ҳисобидан 22 театр ва маданий объектлари қурилади ва реконструкция қилинади. Давлат-хусусий шериклик асосида 20 маданият маркази ва истироҳат боғи фаолияти йўлга қўйилади.

**Б**угунги глобаллашув шароитида турфа маданиятлар тўқнаш келмоқда. «Оммавий маданият» онгу қалбимизга, ҳаётий қарашларимизга чанг солаётир. Тан олишимиз керак, баъзида осонгина мўмай даромадга эга бўлиш, обрў орттириш илинжида турли вазвасаларга учаётганлар, дабдабозлик ортидан қуваетланган ҳам бор. Булар халқимизнинг азалий қадриятларига мутлақо тўғри келмаслигини, айниқса, ёшлар тафаккурига салбий таъсир этишини доим ҳам англайвермаймиз. Бир нарса аниқ – вақт ҳамма нарсанинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади. Шундай экан, бугун саҳнага хиёнат қилсак, сўзинг қудратини менсимасак, келажақ авлодлар бизни кечирмайди.

Бугун ҳар бир юртдошимиз, хусусан, маданият ходимлари адолат тўнини кийиши шарт. Вазифамиз фақат бирор жойда концерт ўтказиб келиш ёки мана бу тарихий обидани таъмирлаб қўйдик, деб гердайиш эмас, айнан «ҳалоллик вакцинасини» жамият онига сингдиришдир. Маданият аслида шу. Маданиятчи одам ким, деганда ўзини нималардандир чеклай олган, ўзига ўзи тақиқ қўя олган ва ўзини қайсидир эзгу ишга мажбур қила олган одамни тушунамай. Шундай инсон нопок ишларга аралашмайди. Қонунга итоаткор одам – маданиятчи одам. Бундай инсонларнинг ҳаёт тамойилида эзгулик, бунёдкорлик, ҳалоллик, адолат устувор бўлади. Ҳар бир маданият ходими муомаласи, юриш-туриши, иш фаолияти билан бошқалардан ажралаиб туриши лозим.

Мурожаатномада билдирилган фикрлар, мулоҳазалар, ҳаётбахш ташаббуслар ҳар биримизни ана шундай мушоҳадаларга ундайди, эртამиз бугундан-да ёруғ, фаровон ва бахтли бўлишига ишончимизни мустаҳкамлайди. Қалбимизни шу юрт фарзанди эканимиздан фахр-ифтихор туйғулари билан тўлдирди. Президентимиз таъкидлаганидек, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқимиз.

Бунда маданият ходимларининг ўрни катта. Зотан, маданият миллатнинг юзи эканини унутишга сира ҳақимиз йўқ.



# ХАЛҚ ИШОНЧИ

## Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон ТУРДИМОВ билан суҳбат

– Эркинжон Оқбўтаевич, Самарқанд вилоятига ҳоким этиб тайинланганингизга бир йилдан ошди. Ушанда олдингизга қўйган режа ва мақсадларга қай даражада эришдингиз?

– **Х**ар бир инсоннинг мақсад ва режалари бўлади. Раҳбарликда эса сизнинг мақсадингиз билан бирга сизни ушбу вазифага лойиқ кўрган инсонларнинг, халқнинг ҳам орзу-ниятларини амалга оширишингиз лозим бўлади. Шу жиҳатдан салоҳиятли, ҳамиша юки оғир бўлган вилоятга ҳокимликка тайинланганимда, аввало, ўзим туғилиб ўсган ҳудудга раҳбарлик қилиб, шу заминнинг нон-тузини оқлашни, шу бағрикенг, меҳнаткаш халққа сидқидилдан хизмат қилишни энг катта мақсад, шараф, улкан масъулият, деб билганман. Бу вазифага тайинланганимда Президентимиз нималарга эътибор қаратиш кераклигини, биринчи галда қайси ишларни амалга ошириш заруригини белгилаб берган. Ушбу вазифаларни бажариш учун бутун вилоят аҳли, турли даражадаги раҳбарлар билан бирга, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмоқдамиз, бор куч, билим ва салоҳиятимизни сафарбар этганмиз. Утган вақт мобайнида барча соҳаларда муайян натижаларга эришдик, десам хато бўлмас. Уларнинг ҳаммаси ҳақида гапириш учун анча вақт зарур. Лекин бажарган ишларимиздан, бажаришимиз керак бўлганлари кўп экани кундай аён.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қўйилган вазифаларни бажариш учун вилоятда қандай ишларни амалга ошириш зарур?

– **Ш**у пайтгача Президентимиз парламентга уч марта Мурожаатнома билан чиқди. Бу галги Мурожаатнома нафақат 2020 йил учун, балки яқин беш йилликка мўлжаллаган устувор йўналишлар белгилаб берилгани билан олдингиларидан фарқ қилади. Бу, албатта, жорий йил бошида парламент ва ҳукуматнинг янгидан шакллантирилгани ва улар олдидаги вазифаларнинг асосий йўналишларини белгилаш тақозо этилгани билан боғлиқ. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири, у қонунчилик ва бошқарувни такомиллаштириш бўладими, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ёки ижтимоий соҳа, илм, маърифат, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиши – барча соҳаларни қамраб олган давлат дастури ишлаб чиқилди. Ана шу дастур асосида ўз режаларимизни қайта кўриб чиқмоқдамиз.

Мурожаатнома мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган тарихий ҳужжатдир. Мурожаатномада янги парламент ва ҳукумат олдида бир қатор вазифалар қўйилди. Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб ном олган 2020 йил ва кейинги беш йилда қиладиган ишларимиз ҳақидаги фикрларини тинглар эканман, давлатимиз раҳбари мамлакатимиз тараққиёти йўлида янги босқични бошлаб берганига амин бўлдим. Таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимида ўзгаришлар қилиш, олий ўқув юрталарига қабул, аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоқлар ва маҳаллалар қиёфасини ўзгартириш, суд-ҳуқуқ тизими, энг муҳими, халқ розилигига эришиш сингари устувор йўналишлар белгилаб берилди.

«Энг асосийси, бу ислоҳотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу гоёя долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди», деб таъкидланди Мурожаатномада. Халқнинг фаровон яшашини таъминлаш жамият олдида турган улкан вазифалардан биридир. Ривожланиш суръати қанча жадал бўлса, одамлар онги ҳам шунга мос тарзда ўзгариб боради. Бунинг учун давлатимиз раҳбари белгилаб берган сиёсатга, эзгу, аини чоғда мураккаб тамойилларга содиқ ва собит бўлмоғимиз лозим.

– Вилоятда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ва эркин иқтисодий зоналар хусусида сўзлаб берсангиз.

– **С**амарқанд тумани тасарруфида бўлган ва аини пайтда Самарқанд шахрига ўтган Қорасув массиви (бу жойга «Обод маскан» деб ном берилган) ситига айланмоқда, десак хато бўлмайди. Бу ерда 50 гектар майдонда янги, замонавий шаҳарча бунёд этилмоқда. Кейинги икки йилда юздан ортқ кўп қаватли уй, таълим ва тиббиёт муассасалари, боғча, маҳалла маркази қурилди, замонавий инфратузилма яратилди. Бундай бунёдкорлик ишлари жорий йилда ҳам давом этмоқда. «Обод маскан» 100 минг аҳоли яшайдиган замонавий шаҳарча бўлади.

Самарқанд эшкак эшик канали атрофида 360 гектар майдонда сайёҳлик маркази қуришни бошладик. Бу ерда янги архитектура асосида анжуманлар саройи, меҳмонхоналар ва бошқа иншоотлар қурилиши режалаштирилган.

Ҳозир улкан қурилиш майдонига айланган ушбу ҳудудлар Самарқанд шахридан четда жойлашган. Боиси, бундан буён Самарқанд шахрининг тарихий қисми ва унинг муҳофаза зонасида ҳеч қандай катта қурилиш бўлмайди. Бу муқаддас жойларни асл ҳолида сақлаб қолмоқчимиз. Самарқандни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш учун ҳам шундай йўл тутишимиз керак. Хорижликлар Самарқандга шаҳарнинг қадимий ва тарихий қиёфасини томоша қилиш, гувоҳ бўлиш, бундан завқ олиш учун келади. Дам олиш, гўзал табиатимиздан баҳраманд бўлиш учун шаҳардан ташқарига чиқишлари мумкин. Бунинг учун барча шароит ва имкониятни яратиб қўямиз. Самарқанд туристик маркази ҳам шу мақсадда қурилмоқда. Шаҳарнинг тарихий қисмида фақат меҳмонхона (кўпроқ меҳмон уйлари), сайёҳларга хизмат кўрсатадиган кичик объектлар қурилади.

– Самарқанд – мамлакатимизнинг қадимий шахри. Туризм ривожини учун энг бой ҳудуд. Тарихий обидалардан ташқари табиати, иқлими экотуризмга қулай жойлари ҳам кўп. Сайёҳлик ривожини йўлида, янги объектилар ташкил этиш ишлари тўғрисида гапириб берсангиз.

– **К**ейинги йилларда Самарқандга келаётган сайёҳлар оқими кескин ошмоқда ва бу қувонарли. Булар соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгаришларнинг дастлабки самарасидир. Кўпроқ сайёҳ жалб этишни мақсад қилиб, шунга интилаётган

# КАТТА МАСЪУЛИЯТ

эканмиз, энди келаётган сайёҳларга замонавий хизмат кўрсатиш, уларни Самарқандга янада кўпроқ жалб қилиш ҳақида ўйлашимиз, бунинг учун зарур шароитлар яратишимиз керак. Юқорида айтганим Самарқанд туристик маркази битта йўналиш, холос. Бундан ташқари, вилоятимизда буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар жуда кўп. Бу зиёрат туризми учун гоёат катта имконият. Президентимиз ташаббуси билан ҳозир Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва унинг атрофида олиб борилаётган реконструкция ва бунёдкорлик ишлари айнан зиёрат туризми ривожини йўлидаги амалий ҳаракатлардир.

Жомбой туманидаги Зарафшон табиат боғига сайёҳлар келиб, гўзал табиатимиздан баҳраманд бўлиши учун зарур қулайликлар яратилди. Худди шундай ишлар Ургут туманининг Тахтиқорача домини атрофида, Чорчинор зиёратгоҳида, Нуробод, Тойлоқ ва бошқа туманларда олиб борилмоқда. Мухтасар айтганда, Самарқандда зиёрат ва тарихий туризмдан ташқари, экотуризм, агротуризм, фольклор туризми, тиббиёт туризми, гастронимик туризмни ривожлантириш учун имконият ва ресурслар жуда кўп. Гап бу имкониятлардан самарали фойдаланишда.

**– Янги йилда илк иш кунингизни ёшлар билан учрашувдан бошладингиз. Таассуротларингиз қандай?**

**–** Таассуротлар жуда яхши. Ёшлар, менинг назаримда, сўнмас ғайрат-шижоат, юксакликка интилиш, янги ташаббус ва гоёлар, соғлом фикр ва эзгу мақсадлар манбаи. Кейинги пайтда ёш йигит-қизлар билан учрашиб, ана шундай хулосага келяпманда. Шунақа таклиф ва ташаббуслар айтишадик, ўйланиб қолман – нега бу фикр катталарнинг хаёлига келмайди, нега айрим раҳбарлардан шу йигит-қизлар айтаётган ташаббус чиқмайди? Бу ёшлар эртага қайсидир бир бекфарқ одамнинг таъсирига тушиб қолмаслиги, онги заҳарланмаслиги керак. Бунинг учун ҳозир уларнинг фикрларини эшитиш, ўйлаган мақсад-гоёларини амалга ошириш учун қўллаб-қувватлаш зарур. Хатоси бўлса, тузатиш, тўғри йўл кўрсатиш лозим.

Шу нуқтаи назардан йилнинг дастлабки иш кунини ёшлар билан учрашувдан бошлаш мен учун, қўллаб раҳбарлар учун фойдали бўлди. Уша кун Самарқанд шаҳри ва Ургут туманида учрашуви катнашчилари жуда кўп таклиф, ташаббуслар билдиришди. Юзлаб муаммолар ўртага ташланди ва улар ечими устида ишладик. Мурожаатлардан келиб чиқиб, амалга оширишимиз зарур бўлган вазифаларни белгилаб олдик. Ҳозир ҳар ҳафта чоршанба кунини ёшлар билан учрашяпмиз. Туман, шаҳар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, бошқа мутасаддилар ҳам ёшларга нафақат эшиги, балки бағрини, кўнглини ҳам очмоқда.

Бундан икки томон ҳам манфаатдор. Эртага «фарзандларимиз ёмон йўлларга кириб кетди», «ёшлар жиноятчилиги ошди», «йигит-қизларни йўлга солиб бўлмапти», деган гаплардан кўра, уларнинг олдини олган яхши. Уларни бугун эшитайлик, кўнглида нима бор, мақсади нима, билайлик ва шунга қараб йўл кўрсатайлик. Давлатимиз раҳбари 2020 йилни мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб атаганида теран-маъно-мазмун муҳассас. Зеро, илмсиз, маърифатсиз одамдан ҳар нарса кутиш мумкин. Шунинг учун вилоятимизда бу борада ҳам ҳали кўп иш қилишимиз лозим. Театрларимиз, музейларимиз, кутубхоналар, маданият уйлари – умуман, барча турдаги маданият муассасалари фаолиятини янада фаоллаштиришимиз, уларга зарур кўмак беришимиз долзарб вазифаларимиздан. Токи, бундай масканларга ёшу кекса, барча касб эгалари интилинсин, у ердан ўзи учун нимадир олиб чиқсин. Бу бо-

рада, аввало, раҳбарларнинг ўзи намуна бўлмоғи даркор.

**– Кечирасиз, шу ерда ўз-ўзидан савол туғилади. Ўзингиз театрга, музейларга оилангиз билан томошабин сифатида бориб турсизми?**

**–** Албатта, фурсат топсам биргаликда, оилавий борамиз. Мана, энди якшанба кунини раҳбарлар ҳам ишхонада ўтирмай, вақтини оиласи билан ўтказиши қатъий белгилаб қўйилди. Демак, имконият янада кўпайди. Яқинда вилоят театрида янги спектаклни оиламиз билан томоша қилдик. Афросиёб музейига бориб, тарихимиз билан боғлиқ кўп маълумотларга эга бўлдик.

Шу ўринда Президентимиз Мурожаатномасида айтилган ушбу жумлаларни ёдга олайлик. «Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолюқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!»

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда».

**– Ҳоким ва инсон сифатида Сизни энг кўп қийнаётган муаммолар нима, қайси соҳалар?**

**–** Қайси соҳада муаммо йўқ, қайси инсон бекаму кўст, қайси оила тўқис-туғал бахтли? Муаммосиз, камчиликсиз соҳа, инсоннинг ўзи борми?! Ишлайман, масалани ҳал қиламан деган инсон учун барча соҳада ечимини кутаётган муаммо бор, камчилик ва нуқсонлар ҳам етарли. Гап ўша муаммо ва камчиликларни кўра билишда, уларни ҳал этишга астойдил киришишда. Мени муаммолардан кўра кўпчилик инсонларнинг, айниқса, раҳбарларнинг бекфарқлиги, фақат бугунини ўйлаб яшаши қийнайдди. Ҳар бир инсон ҳаётга келар экан, ўзидан қандайдир из қолдиришга ҳаракат қилмоғи керак-ку. Бу – яхши фарзанд бўлиши мумкин, одамларга нафи тегадиган нимадир қуриш, элнинг ҳожатини чиқариш, халққа яхшилиқ қилиш ва ҳоказо. Ана шундай имкониятни, демак, вақтни бой бермаслик лозим. Бу тушунча раҳбар учун ўн қарра, юз қарра муҳим, масъулиятли бўлиб, унинг фикру хаёли доимо ана шу хайрли, эзгу ташвиш билан банд бўлмоғи зарур, деб ўйлайман. Халқ кимга сўянади? Аввало, давлат раҳбарига, кейин жойлардаги ҳокимларга. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда Халқ қабулхоналарига мурожаатлар кўпайди. Сайёр қабулларда халқнинг фикри билан батафсил танишаман. Баъзан жуда оғриқли муаммолар кўтарилди. Кейин шу муаммолар ечими устида бир неча кунлаб бош қотираман. Биронта ҳам муаммони очик қолдириш мумкин эмас. Ҳар бир раҳбар учун халқнинг ишончи ниҳоятда катта масъулият. Буни бир дақиқа ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ.

**– Самийи суҳбатингиз учун журналхонларимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираимиз.**

**«Гулистон» мухбири  
Манзура ШАМСИЕВА тайёрлади.**

# БУ ЭЛНИНГ ЭРТАСИ МУНАВВАР



Урмимизнинг ҳар бир кунидан згулик кутиб яшаймиз, бировларга яхшилик қилгимиз келади. Навбатдаги иш куним аввалида Навойига бағишланган тadbирда иштирок этдим. Анжумандан бир кучоқ гул билан қайтарканман, ишхонам олдида бир нотаниш аёлга дуч келдим. Унинг истараси, бироз маънос чехраси танишдек туюлди-ю, ammo кимлигини эспай олмадим.

– Уч нафар фарзандим бор, 11 ёшли ўғлим ногирон. Сайлов олди учрашувингизда уй-жой олиш масаласида сизга мурожаат қилган эдим. Сиз кўрсатган йўл-йўриқ ва маслаҳатларингиз билан ҳужжатларни тўғрилаб, Хотин-қизлар кўмитасига мурожаат қилдим. Менга икки хонали уй ажратиладиган бўлди. Уйнинг дастлабки тўловини ҳам тўлаб беришди. Сизга раҳмат айтиш учун келган эдим, – деди аёл.

Қўлимдаги гулдастани унга узатдим.

– Чин дилдан табриқлайман, уйни олганингизда, албатта, меҳмон бўлиб бораман, – дея кўнглини кўтардим.

Аёл хурсанд кайфиятда мен билан хайрлашди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси эълон қилингандан буён сайлов оқруллари, ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида, ёшлар орасида учрашувлар ўтказялмиз. Аҳолининг барча қатламлари ўртасида Мурожаатномадан руҳлиши, сафарбарлик туйғуси, ташаббускорлик кучайган.

2020 йилга «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили», деб ном берилгани мамлакатимизда ижтимоий соҳалардаги ислохотлар кенг қўламда амалга оширилишига ишорадир. Давлатимиз раҳбари Мурожаатномда шарқ донишмандларининг бир ҳикматини таъкидлади: «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир».

Ушбу ҳикматли сўзларга амал қилган ҳолда бугун халқимиз, бутун жамият, ёшларимиз чинакам маърифатли, юксак маънавиятли бўлиши лозим. Ватанимиз тараққиёти, юксалиши даврининг янги босқичга кўтарилиши қонун устувор бўлган, ижтимоий адолат тантана қиладиган жамият барпо этишимизга боғлиқ.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам сўнгги уч йилда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Сирдарё аграр вилоятдан санаоти гуркираб ривожланаётган ҳудудга айланмоқда.

Вилоят маркази Гулистоннинг бугунги жамоли кўзалрни кувнатади. Гуллар билан бурканган сўлим хиёбонлар, раvon кўчалар, замонавий кўприклар, салобат билан қад кўтарётган кўп қаватли турар-жойлар шаҳар кўркига кўрк кўшмоқда.

Кенг қўламли қурилиш ишлари вилоятнинг барча туманларида олиб борилмоқда. «Обод кишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари доирасида Ховос туманида қурилаётган беш қаватли 30 бино Ховос шаҳарчаси қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Ховос туманида бошланган бунёдкорлик ишлари Сайхунобод, Сирдарё ва Сардоба туманларида ҳам давом этмоқда.

Вилоятдаги кўплаб қўшма корхоналарда, тadbиркорлик субъектларида янги иш ўринлари яратилмоқда. Сирдарёда туғилган беш ташаббус бутун мамлакатимиз бўйлаб кўлоч ёйди.

Сирдарё туманида жойлашган «Пенг-шенг», «Мега Люкс», «Сирдарё универсал ойна», Гулистон шаҳридаги «Зиннур» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхоналари вилоят иқтисодиёти локомотивига айланди. Биргина «Сирдарё универсал ойна» қўшма корхонасида 500 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг асариятини аёллар ва ёшлар ташкил этади.

Мирзаобод туманида фаолият юритаётган «Бек — Кластер» кўп тармоқли ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб хотин-қизларга иш ўрни яратиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Сардоба туманида бунёд этилган «Сардоба» сув омбори минглаб ёшларни иш билан таъминлади. Айни пайт сув омбори соҳилларида янги боғлар яратилмоқда, яқин келажакда дам олиш ҳудуди ва оромгоҳ барпо этилади. Дам олиш масканлари вилоятга келадиган хорижлик сайёҳлар эътиборини тортадиган масканларга айланади, шубҳасиз.

Сирдарё вилоятининг ўзига хос тарихи, бой маданий мероси, урф-одат ва аънъаналари бор. Қадимий Ховос тепалигида олимларимиз олиб борган илмий изланишлар, археологик қазинмалар шундан далолат бермоқдаки, воҳамиз 2500 йиллик тарихга эга.

Вилоятда Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби иш бошлаганини фахр билан айтаётган бўлди. Ижод мактабига 120 нафар иқтидорли ўғил-қиз қабул қилинди. Мазкур мактаб учун қурилган муҳташам бино Гулистон шаҳри кўркига кўрк

кўшди. Масканда фарзандларимиз яйраб билим олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё.

Вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, сирдарёлик фидойи инсонлар — меҳнат қаҳрамонлари ҳақида вилоят ижодкорларининг асарлари нашр этила бошланди. 2019 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси Сирдарё вилояти бўлими томонидан ёш ижодкорларнинг «Дунёларга танитамиз Сирдарёни» деб номланган шеърый баёзи нашрдан чиқди. Вилоят ижодкорларининг «Сайхун саболари» номли шеърый, «Сирдарё мавқлари» номли насрий антологиялари «Ижод» жамоат фонди томонидан чоп этилди. «Сирдарёдаги улғувор ўзгаришлар» номли бадий-публицистик тўпламга мамлакатимиздаги танқитий ёзувчи ва адиблар билан бирга сирдарёлик ижодкорларнинг бадий-публицистик мақолалари киритилган. Ушбу китоб ҳам «Ижод» жамоат фонди томонидан нашр қилинди.

Ватан ҳақида, она юртинг ҳақида, туғилиб ўсган хонадонинг ҳақида, киндик қонинг томган муқаддас туПРОҚ ҳақида сўз айтиш учун кўлингга қалам олганингда, кўнглинг тоғдай юксалиб, кўзларингда ёш қалқийди. Зотан, ўзинг улғайган кишлоқнинг, шаҳарнинг ҳар бир майсаси, гулу гиёҳи, ҳар бир дарахтининг илдири юрагингга чирмашиб кетган. Ўзинг яшаётган шаҳарнинг ҳар бир кўчаси, ҳар бир хиёбони юрагингга яқин. Мазмунли умрингда ҳар кун янги саҳифа очятган субҳидамда юзларингни сийлаганан насим, ҳар тонг кўнглингга мунавварлик олиб кирган қувшининг ҳароратли ёғдуси сени зғу ишлар қилишга даъват этади.

Бир пайтлар «Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куйган» чўллارни ўзлаштирган ота-боболаримиздан мерос қолган воҳа бугун чинакам гулистонга айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида таъкидланганидек, буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган азму шижоатли халқимиз тарихининг янги саҳифасини яратишга қодир. Сирдарё воҳасида улғу мақсадлар йўлида меҳнат қилаётган кўп миллатли эл яшайди. Бу элнинг эртаси мунаввар, йўллари ёрудир.

**Ҳаётхон Ортиқбоева,**  
сенатор, Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими



# ЁЗФОНИМЛИ

## кўнгулга маҳуб эт...

Алишер Навоий ижоди – инсоният бадиий тафаккурининг ноёб ҳодисаси. Беш асрдан кўп вақт ўтди, лекин шоир ижодий мероси – унинг бирор шеъри, ундаги бирор байт, мисра, ҳафто бирор сўз ўз қимматини йўқотган эмас, аксинча, бу асарларни ўқишга, англашга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда, сатрлар замирига сингдирилган мазмуннинг янги-янги қирралари очилмоқда. Айниқса, шиддат билан ўтаётган, одамлар дунёни ўзгартиришга интилиб, янги илмий-техник кашфиётлар иштиёқига яшаётган бугунги кунда қалбимиз ва руҳиятимиз билан Навоийдек буюк мутафаккир зотларга кўпроқ муҳтожмиз.

Навоий инсоннинг азалий ва доимий муаммоларини кайҳоний андозаларда кўйлайди. Унинг асарлари инсонни ўзини ва дунёни танишга, Ҳақни англаб етишга ўргатади. Шеърлари ўзлгини излаган инсон учун маёк, дард-мандлар дардига чора, дунё бандилар кўзини очиб учун тўтиёдек малҳам. Унинг ҳар бир сўзи инсонни уйғоқликка чорлайди, азиз неъмат – умрнинг қадрига етишга ўргатади. *Умр ўтар елдек*, Навоий... дейди шоир.

Навоий Мовароуннахр ва Хуросонда маданият ва санъат юксалган замон – Темурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳирот шаҳрида таваллуд топди. Ҳирот ва Самарқанд ўша йиллари илм-фан, адабиёт ва санъат ўчоғига айланган эди. Алишер ўқиш-ўрганиш йилларида замонасининг билимдон олимларидан таҳсил олди, улуғ шоирлар ва адиблар билан учрашди, мулоқот қилди. Шоирнинг ўзи «Мажолис ун-нафоис» асарига зикр этишича, уч-тўрт ёшларида катта шоирлар ва шеър ихлосмандлари қошида машхур Қосим Анворнинг шеърини ёддан айтиб берган. Қувва ҳофизаси кучли бўлган ёш Алишернинг олти-етти ёшида Қўрғоннинг катта қисмини ёд олгани хусусида ўз эътирофи бор. Муслихиддин Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларини қайта-қайта ўқиб, ҳар бир мисрасини хотирасига жойлаган ва ўзининг тахайюл оламига шўнган Алишер улуғ шоир Фаридулдин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» дostonини такрор-такрор ўқиб, ёд олганида ҳали тўққиз ёшга тўлмаган эди. Бундай феноменал қобилият соҳибни ўз даврида шухрат топган бошқа шоирлар ижодидан ҳам баҳраманд бўлди. Ҳазалнависликда Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий ижоди ўзи учун катта адабий мактаб бўлганлигини Навоий алоҳида таъкидлайди. Сажжойий, Атоий, Гадоий, Лутфий каби туркиуй шоирлар ижодини юксак баҳолайди. Туркий шеърятда тутган ўрнига юксак баҳо бериб, Мавлоно Лутфийни «Малик ул-калом»

деб атайди, унинг шеърларига назиралар битади, ғазалларига мухаммаслар боғлайди.

Навоий 24-25 ёшга тўлганда мухлислари унинг шеърларини жамлаб, девон тартиблайди. Бу Навоийга берилган юксак баҳо эди.

Навоий шеър ёзишни жуда эрта бошлаган. Тўрт девондан иборат «Ҳазойин ул-маоний» куллиётидаги дастлабки девони – «Ғаройиб ус-сигар»га шоирнинг 7-8 ёшдан 20 ёшгача бўлган даврда ёзган шеърлари киритилган. Кейинги девонлари – «Наводир уш-шабоб»да 20 ёшдан 35 ёшгача, «Бадоеъ ул-васат»да 35 ёшдан 45 ёшгача ва «Фавоид ул-кибар»да 45 ёшдан 60 ёшгача бўлган даврда ёзилган шеърлари тартибланган. Девонларини тартиблар экан, шоир уларнинг ҳар бирига 650 тадан, жами 2600 ғазални киритади. «Девони Фоний»да шоирнинг Фоний тахаллуси билан форсий тилда битилган 500 дан ортик ғазали жамланган. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ шоир шеърляти, хусусан, ғазаллари салмоғини кўрсатади. Ғазал жанри Навоий қаламида жуда кўп эврилишларни бошидан кечирди.

Шоирнинг ўзига, ижодий имкониятларига ишончи кучли эди. «Агар хосса маъно гар ийҳом эрур, Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур», деб ёзади ёш шоир замондоши – устоз ва дўсти Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида. Фирдавсий ўттиз йилда ёзган «Шоҳнома»ни ёдга олиб, бундай асарни йўттиз ойда ёзиб тугата олишини ишонч билан айтади. Бу пайт Навоий 23-24 ёшда бўлган.

Орадан йигирма йиллар ўтиб, Навоий мактубда – «Маснавий»да битган бу орусини амалга оширди. 1483-1485 йиллари ҳаётий ва ижодий тажрибалари асосида беш дostonдан иборат буюк «Ҳамса»ни ёзди. Бундай асарни чиндан икки ярим йилда – ўзи таъкидлаганидек, ўттиз ойда ёзиб тугатди.

Туркий тилда беш дostonдан иборат «Ҳамса» ва «Лисон ут-тайр» дostonи, тўрт девонга жамланган уч мингдан ортик лирик шеърлар, тарих, дин, адабиётшунослик, тилшунослик ва бошқа соҳаларга оид илмий-насрий асарлар, форсий тилдаги беш девон Навоийдан бизга мерос бўлиб қолди. Адиб туркий тилнинг назм ва насрдаги имкониятларини ҳар жиҳатдан кўрсатиб берди. Бу ҳақда «Лисон ут-тайр» дostonида шоир шундай ёзади: Турк назмида чу мен туртиб алам, Айладим ул мамлакатни аққалам. Улуғ ниятларидан бирининг амалга ошганини шоир шу тарзда фахр билан изоҳлаган.

Навоий бир неча йиллар мобайнида ижод ва ижтимоий-сиёсий фаолиятни биргаликда олиб борди. Унинг вазирлиги даврида Хуросон тараккий этди. Маданият, санъат, адабиёт марказига айланган Ҳиротда илмий-ижодий муҳит шаклланди, камол топди. Тарихчи Хондамирнинг маълумотларига кўра, Навоий ўз

маблагги ҳисобидан Ҳирот ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса қурдирган. Қирқта работ, ўн еттига масжид, ўнта хонақоҳ, тўққизта ҳаммом, тўққизта кўприк, йигирмага яқин ҳовуз барпо эттирган, бир қанчасини таъмирдан чиқартирган. Улар орасида Ҳиротдаги «Ихлосия», «Низомия» мадрасалари, «Халосия» хонақоҳи, «Шифоия» тиббий маскани, Марвдаги «Хусравия» мадрасаси, Машҳаддаги «Дорул-хуфоз» хайрия биноси ва бошқа ноёб меъморий обидалар бор.

Бу пайтда Ҳиротда адабий ҳаёт юксак даражага кўтарилган. Абдурахмон Жомий, Шайхим Суҳайлий, Хожа Осафий, Биноий каби шоирлар, Ҳасан Нойи, Хожа Абдулла Марворид, Қулмуҳаммад Удий, Шоҳқули Ғижжакий каби созандалар, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Султонали Машҳадий, Абдуҷамил котиб каби машхур котиблар, Камолдидин Бехзод каби мусавирлар баркамол ижод қилдилар. Навоий қурдирган мадрасаларда ўнлаб олимлар табиий ва аниқ фанлардан дарс берган, кўплаб фан соҳаларига оид асарлар яратилган.

Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти унинг асарлари мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шоир бадиий ижодни, хусусан, шеърляти инсон қалбини тарбиялашнинг муҳим воситаси, руҳият эркинлигига эришишга ундашнинг бир йўли, энг муҳими, инсоннинг ўзини таниши, дунёни, унинг моҳиятини англаб етишига куч берувчи манба, деб билади.

Навоий шеърларида улкан маърифат бор, ирфон бор. Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, лирик мероси таркибида маърифий мавзудаги ғазалли бир девони ва маърифий мавзудаги байтсиз бирор-бир ғазали йўқ. Агар шундай қилмаганида, меҳнати зое кетган ва умри беҳуда ўтган, деб билишини таъкидлайди шоир.

Маърифий ғоялар орқали ижтимоий дард ва ундан умуминсоний муаммоларни қамраб олган фалсафий руҳдаги шеърларида олам ва одам ҳақидаги, унинг дунёдаги ўрни каби масалаларга турли мавзулар доирасида тез-тез мурожаат қилинади. Жумладан, шоирнинг

**Олам аҳли билингизким, иш эмас  
душманлиг,  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, ки эрур  
ёрилиг иш**

каби мисралари бугун бутун инсоният учун мададкордир.

Ғазал жанри ўз табиатиға кўра ишқий мавзуни афзал билади. Навоий ғазалларида ҳам етакчи мавзу, бу – ишқ. Шоир девонларидаги шеърлари ишқ сирларидан хабар берувчи манба эканлигини эътироф этиб:

(давоми 10-бетда)

# ЎЗҒОНИМИ кўнгулга маҳбуб эт...

(бошланиши 9-бетда)

**Эй Навоий, ишқ атворини ҳифз айлай  
деган,  
Барча ишни тарк этиб, қилсун бизинг  
девонни ҳифз**

деб ёздади.

Шоир ғазалларида бош мавзу бўлган ишқнинг кўлами жуда кенг. Баъзан ёрни фақат бир гўзал аёл қиёфасида тасаввур этганилиги сабабли айрим шеърхонлар шоир шеърларини охиригача тушунолмайд қийналадилар. Шоир ғазалларида маъшук – Яратганнинг ўзи, Расулulloҳ комил инсон, дўст ва бошқа яқин инсонлар ҳамдир. Шу боис бу ғазалларда ишқнинг маъно доираси кенгайди, у тор муносабатлардан чиқиб, ижтимоий, ахлоқий, маърифий ва илоҳий масала-мавзулар билан туташиб кетади.

Шеърятнинг жуда кўҳна ва доимий мавзуси ҳисобланган ишқ Навоий наздида тирикликнинг маъно-мазмунини, инсоннинг инсонлик моҳиятини белгилловчи энг муҳим омиллардан. Шоирнинг олдида аъна чамбариди янгилик яратилмади машаққатли иш турарди. Навоий бу йўлда қийналмади, чунки унинг дарди, айтадиган сўзи бор. Бу дард шу қадар улканки, гўё у заррадан коинотга қадар макон изтиробларини ифодалайди, азалдан абадгача бўлган замонни англашга ундайди.

Бу ғазалларда Навоий даҳоси тафаккурининг эврилишлари бадий талқин топган. Шоирнинг зоҳиран ишқни, ошқ ва маъшукликни вафсф этган кўпга ғазалларида орифона мазмун мужассам. Бу ғазал ёки байтда қўлланила-

ётган тимсол ўз маъноси билан бирга яна бир қанча маъно ифодалайди. Ушбу туркум ғазалларда ошқ ва ёр тимсолларидан ташқари гул, булбул, шамъ, парвона, субҳ, шом, боғ, бўстон, баҳр, денгиз, томчи, қатра, мавж, ҳубоб сингари табиатга, борлиққа ёки коинот жисмларига мансуб тимсоллар кенг қўлланилган ва шоир ижодий ниятини ифода-лашда муҳим аҳамият касб этади. Ғазалчиликда рамзий-мажозий хусусиятга эга бу тимсоллар ошқона ғазалларда ҳам шоирнинг энг юксак орзуларини, айна пайтда, катта муаммоларни ифодалашга имкон яратди. Инсон умри, унинг қадр-қиммати, дунёнинг бевафолиги, ўткинчилиги сингари фалсафий фикр-қарашлар ифодасида алоҳида ўрин тутган ушбу тимсоллар шеърятнинг истеъдод қўлида нималарга қодир эканини намойиш қилади.

**Шабнам эрмас, наргис ашқидур, недин  
қон йиғламас,  
Кўз юмуб-очқунча гулшан умри  
поёнин кўруб?**

Наргис гули устида милтираб турган шабнам – шудринг доналарини кўз ёшига қиёслар экан, шоир наргиснинг кўзга ўхшашигини назарда тутди. Шабнамни кўз ёшига қиёслаб, ёш тўкилиш сабабини ҳаётнинг тез ўтиб кетиши-ю, умрнинг жуда қисқалиги билан боғлайди. Мухтасар айтганда, наргис дунё шодлигу қувончининг ифодаси. Дунё қувончларини ҳаёт мазмуни деб билган инсон қиёфасини мужассамлаштирган наргис умр ўткинчилигидан изтиробда. Шоир инсоннинг дунёпарастлигини ифодалаш билан бирга дунёнинг ўткинчилигидан ўзгаларни огоҳ этади, умрнинг моҳиятига назар солишга ундайди. Шеърнинг таъсир қуввати ҳам шоирнинг айтган фикридан кўра, айтмоқчи бўлган фикри чуқурлигида.

Навоий туркий ғазални, умуман, ушбу

жанрни юксак мақомга олиб чиқди. Ғазалнинг мавзу кўламини кенгайтириб, ижтимоий-фалсафий масалалар (илгарилари ғазал кўпроқ ишқий мавзуда ёзилган)ни ифодалашга муваффақ бўлди.

Шоир форсий шеърят муайян қанонни эгаллаган бир пайтда ижод қилди. Унинг ўзи ҳам форсигўй шоирлар Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий шеърятини ҳақида гапиради, уларни ўз шеърларида келтириб ўтади. Навоий улардан ўрганди, айна пайтда, изланди. Шарқда маввуд аъналар чамбариди туриб, аънавий мавзу, аънавий жанр ва аънавий образ ва тасвир воситаларига асосланиб, янги шеър ёзди. Бу жуда машаққатли иш эди. Навоий буни удаллади. Улкан дардини сўзга сиғдирилгани учун ҳам у улкан – буюк ижодкорга айланди. Навоийгача ва ундан кейин ҳам ҳеч бир шоирда бу қадар улкан дарднинг тажассумини кўрмаймиз, унинг асарларида, инсон қалби бутун эврилишлар билан намён бўлади.

Алишер Навоийдан улкан мерос қолди. Унинг меросида ғазал алоҳида мавқега эга. Шоир ғазалларининг ўзи – муайян адабий борлик, шоирнинг ботиний эҳтиёжи – олам ва одамни мукамал идрок этиш истаги самарасидир.

Шоир ўз дostonларидан бирида

**Дегоними улусқа марғуб эт,  
Ўзғоними кўнгулга маҳбуб эт.  
Халққа зеби торак айла они,  
Ўқуғонга муборак айла они,**

деб ёзган эди. Чиндан шундай бўлди. Шоирнинг ёзганлари элга марғуб, кўнгулга маҳбубдир.

**Қаромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,  
Алишер Навоий номиди  
Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети доценти,  
филология фанлари номзоди**

## ЎЗБЕКНИ ИЗЛАГАН НАВОЙДАН ТОПАДИ

**А**лишер Навоийни эслаш, ўқиш, ўрганиш ҳар бир ўзбек учун ҳам қарз, ҳам фарз!

Мақтабда адабиёт ўқитувчимиз Норгул муаллима шоир ғазалларини шундай соҳирлик билан ўқирдики, беихтиёр шеъринг мағзини чақишга тиришардик. Устозимиз луғат ёрдамида бизга сўзлар маъносини тушунтиришга, нималарнидир ўқитишга уринарди. Ғазалларни ёдлашга ундарди. Шунданми,

**Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулру  
келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.**

**Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида  
интизор,  
Келди жон оғзимга-ю ул шўхи бадхў келмади.**

Бу сатрлар ҳамон юракнинг туб-тубидаги яширин хисларни китиклайди. Келмади! Инсон кимнидир кутяпти. «Келгум» ваъдаси-да бор, лекин келмади... Шу интизорлик ўқувчи кўнглига кўчади.

Навоийнинг машҳур байтлари ҳеч биримизга беғона эмас...

**Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдум  
санга,  
Не балолиг кун эдиким, ошно бўлдум санга!**

«Гёте ҳам бутун жаҳон адабиётини ағдар-тўнтар қилиб ўқиб, фақат Шарқ адиби Навоийда тўхтаган... ва бу гулзордан умрбод кетолмаган!» Баъзан орамизда Навоийдан икки мисра ёд айтолмайдинг. «Хамса»да мужассам дostonлар номини санаб бера олмайдиган, ҳатто унинг ижоди ҳақида юзаки тасаввурга ҳам эга бўлмаганлар борлиги аччиқ ҳақиқат!

Ҳазрат Навоийни тушуниш китобхондан идрок, меҳнат ва сабот талаб қилади. Мустақиллик йилларида бобоклонимиз ҳаёти ва ижодини ўрганишга чўқур киришилди. Навоий асарлари луғати, дostonлари, илмий ва маърифий асарларининг насрий баёни яратилди. Бундай изланишлар шоир ижодининг моҳиятини, ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини ўрганиш, чуқурроқ ўзлаштиришга хизмат қилмоқда.

**Д**арҳақиқат, Алишер Навоий халқимиз донишмандлигининг тимсоли! Унинг асарлари асрлар оша дунё маърифий тамаддуни тараққиётига хисса қўшиб келмоқда. Глобаллашув жараёни кучайган, мамлакатлар, миллатлар ўртасида турли низолар урчиётган мураккаб бир даврда Навоий асарлари кўнгулларга нафақат таскин беради, балки дунёни маънавий таназулдан қутқаришга-да кўмаклашади. Ҳазратнинг комилликка ундовчи, илоҳиёт иши билан сўғорилган ҳар бир сатри қалбларга меҳр улашади, маънавий озуқа беради.

Яна бир ҳақиқат шуки, Навоийни англаш мушкулликка қолаверади. Боиси, унинг ижоди мисли қайнар булоқ: бир мазмун кетидан бошқаси туғилаверади. Навоийни истаб, сафарга чиққан йўловчи борки, ҳар қадамда маънолар ҳазинасига йўлиқди ва туганмас бойликка эга бўлади. Ўзбекини излаганлар, шоир айтганидек, Навоийдан топади!

**Ирода РАББИМОВА**



# Соқинга хотир жамъ эмас...

**Эй, алифдек қоматинг мийли бузулган жон аро,  
Ганжи хуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро.**

**Кулмагинг ичра малоҳат уйлადурким, шўхлар  
Уйнамоқдин юз ёшурурлар гули хандон аро.**

**Гар каломингни Масиҳ анфоси дедим, эй ҳабиб,  
Айб қилмаким, ғалат гоҳе тушар Қуръон аро.**

**Ўқларингдин жон топармен, гўйиё пайконлари  
Су ичарда гўта топмиш чашмаи ҳайвон аро.**

**Хаста кўнглум оҳи кўнглунга дедим қилгай асар,  
Қайда ўлтурсун вале бемор ўқи сандон аро.**

**Бошта гавҳар гўйининг фикридин ортар дардисар,  
Кимки кечти бошидин, гўй урди бу майдон аро.**

**Уйки, адно тебранур соқинга хотир жамъ эмас,  
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбади гардон аро.**

**Лаълинг олган кўнглум аҳволин мунажжим чун кўрар,  
Айтур ул овора бўлган гойибингдур қон аро.**

**Эй, Навоий, ишқ дарди кўрган эл кўнглин бузар,  
Ҳар харошеким, унунг зоҳир қилур афгон аро.**

Матлаъда китобат санъати истиора, ташбеҳ ва ийҳом санъатлари билан қоришқ ҳолатда келтирилган. Ёрнинг алифдек қомати жоннинг ўртасида жойлашгани ҳақидаги ўхшатиш Алишер Навоийнинг ўзида ҳам, салафлари ва халафлари ижодида ҳам кўп қўлланган. Мактаб дарслиги орқали бизга таниш бўлган машҳур рубоийни эслайлик:

**Жонимдаги «жим» икки долинга фидо,  
Андин сўнг «алиф» тоза ниҳонинга фидо,  
«Нун»и даги анбарин ҳилопинга фидо,  
Қолган ики нуқта икки холинга фидо.**

Таҳлил қилаётганимиз ғазал матлаъида «мийл» сўзининг қўлланилиши тасвир ва тасаввур ўқини янада кенгайтирган. Луғатлар изоҳи ва насрий баён қисмида берилганидек, ёрнинг алиф ҳарфидек расо қомати ишқ лашкари ҳужумининг музафариати, муҳаббат ғалабаси туғи – байроғи ўлароқ, «бузулган жон аро» ўрнатилган. «Жим» ва «нун» ҳарфи бундай ўхшатиш тўфайли зехниятимизда бузилган ўлкалар манзарасини гавдалантиради. Агар «мийл» сўзини иккинчи – сурма тортадиган чўп маъносига қўлласак, ёрнинг алифдек қомати ошиқнинг басират кўзини очувчи Сулаймон сурмаси манбаси маъносини билдиради. Мийл сўзи учинчи маънода, яъни захмларни тикадиган жарроҳлик игнаси маъносига қўлланганида олдинги талқинларни тўлдирувчи янги маъно ва моҳиятга йўл очади. Шоир бу сўзни айнан қайси маънода қўллагани ҳақида ҳукм чиқаришга оҳимиз. Бинобарин, биргина сўз билан турли ва турфа маънолар ҳосил бўлиши – асл шеърятнинг асосий белгиси яна бир қарра ўз тасдиғини топгани равшан.

Иккинчи байтда ёрнинг малоҳатли табассуми гулшанда гулчехра гўзалларнинг бекинмачқк ўйнашига ўхшатилади. «Кулмагинг ичра малоҳат» бирикмаси оҳир замон пайғамбарининг «Ал ҳазлу фил каломи камилҳин фит–таъоми» (сўзлашишда ҳазил-хузул қилиш таомга солинажак туз каби бўлсин) ҳадиси маъносига ишора қилади. Малоҳат ҳам «милҳ» (туз) сўзи билан ўзакдош. Тузи расо бўлган таом лазиз бўлганидек, чиройли табассум ҳам жонга роҳат бағишлайди. Гулшанда хандон очилган гул беҳад чиройли бўлгани билан, қулиб турувчи гулчехра бу гулдан яққол ажралиб турганидек, маҳбубанинг малоҳатли кулгуси бошқаларнинг кулгусидан жонбахшлиги билан ажралиб туради:

**Кулмагинг ичра малоҳат уйлადурким, шўхлар  
Уйнамоқдин юз ёшурурлар гули хандон аро.**

Учинчи байт ийҳом унсурлари қўллангани сабабли алоҳида изоҳни та-

лаб қилади. Ақе ҳолда, ҳабибнинг каломи Исо Масиҳ нафасидек жонбахш эмас (?), Қуръони қаримнинг айрим оятларида хато бор (?) каби янглиш хулоса келиб чиқиши мумкин. Ҳабиб – Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг сифати. Бу байтда ҳабибнинг каломи Исо Масиҳнинг жон бағишловчи нафасига ўхшатишга хатолиги айтилган. Негаки, Исо Масиҳнинг мўъжизаси у зотнинг вафоти билан тўхтатилган. Ҳабибимиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг мўъжизаси – Қуръони қарим эса қиёматгача бардавом. Исо Масиҳнинг каломи ўлиқ баданга жон бағишлаган бўлса, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг каломи руҳларни тириштириш хосиятига эга.

Фақиҳлар ҳукмига кўра, нияти тўғри ва иймони саломат, аммо тажвиддан беҳабар одам Қуръон қироати чоғида йўл қўядиган хато кечиради. Худди шу каби, ҳабибнинг қиёматгача руҳга жон бағишловчи каломини адашиб Исо Масиҳнинг вақтинчалик ўлиқка жон бағишлаш мўъжизасига ўхшатгани, бу хато авомнинг Қуръон ўқиш чоғида йўл қўйган хатоси каби кечирилиши, нияти тўғри бўлгани учун муҳибни айбламаслик сўралади:

**Гар каломингни Масиҳ анфоси дедим, эй ҳабиб,  
Айб қилмаким, ғалат гоҳе тушар Қуръон аро.**

Кейинги байтда мангулик ва тирикликнинг бошқа бир тимсоли – Хизр алайҳиссаломга абадий умр бағишлаган «чашмаи ҳайвонга» муржоат қилинади. Шоир лутфига кўра, ёрнинг отган ўқи ишлов берилмаётган пайтда оби ҳаёт сувига ботириб олингандек ошиққа жон бағишловчи хосиятга эга. Муҳаббат ўқидан жароҳат олган кўнгли Хизр чашмасидан сув ингандек барҳаёт:

**Ўқларингдин жон топармен, гўйиё пайконлари  
Су ичарда гўта топмиш чашмаи ҳайвон аро.**

Олтинчи ва еттинчи байт ахлоқий мавзуга бағишланган. Жавоҳир ҳақидаги китобда ёзилишича, лаъл ва гавҳар бош оғриғини қолдиради. Навоий талқинига кўра, гавҳар, яъни мол-дунё тўплаш, аслида, ташвиш қўпайтирувчи ортиқча дардисар. Синов майдони бўлган бу дунёда бойлик кетидан қувмасдан, тирикликнинг асл мақсади йўлида бошини фидо қилишдан ҳам қайтмайдиган инсонгина голиб чиқади. Мақсадни аниқроқ йодолаш учун Навоий чавгонбозлик ўйинини тамсил этади: Бир гуруҳ отликлар чавгонбозлик пайтида от чоптириб, гўй – копток кетидан тинмай югуради. Ўйин пайти ҳамма гўйни ўз ихтиёрида сақлаб туришга ҳаракат қилади. Ўйин тугагач, ҳеч ким гўйга эътибор қилмай, ташлаб кетади. Мол-дунё ҳам ўз моҳиятига кўра, ўйиндан кейин қадрсиз бўлган коптокдан заррача фарқи йўқ. Шунинг учун зилзила пайти тесқари айланадиган уйда хотиржам ўтириб бўлмагани каби, тинмай айланаётган бу фалак остида абадий маскан тутиб бўлмаслигини англаган наёни оҳират тадоригини қўриши керак:

**Бошта гавҳар гўйининг фикридин ортар дардисар,  
Кимки кечти бошидин, гўй урди бу майдон аро.**

**Уйки, адно тебранур соқинга хотир жамъ эмас,  
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбади гардон аро.**

Сажжинчи байтда шоир ёрнинг лаълдек қизил лаби васфига ўтади. Манбаларга кўра, заргар ишлов беришдан олдин лаъл маъданини узоқ муддат қонга ботириб қўяркан. Қонга тўйинган лаълнинг жиљоси ёрқинроқ бўлиб, ишлов бериш пайтида синиб қолмас экан. Навоий ушбу далилдан ишқ изтиробини, ушбу лаълни кўлга киритиш ҳақиқий саодат эканини ифода этиш йўлида маҳорат билан фойдаланган. Бу саодатнинг моҳиятини эса фақат ишқ дардидан хабардор кишигина англай олади. Худди шундай, Навоийнинг ўтли сатрлари ҳам фақат ишқ оташида тобланган кўнглигагина таъсир этиб, унинг нолалари муҳаббат дардидан насибадор бўлган қавми фигонга келтиради:

**Лаълинг олган кўнглум аҳволин мунажжим чун кўрар,  
Айтур ул овора бўлган гойибингдур қон аро.**

**Эй, Навоий, ишқ дарди кўрган эл кўнглин бузар,  
Ҳар харошеким, унунг зоҳир қилур афгон аро.**

**Олимжон ДАВЛАТОВ,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори**

# Бобур ижоди тазкиранавислар талқинида

**Ж**аҳон тарихида ҳар бир ҳукмдор, олим ва шоирнинг ўз ўрни бор. Улар қанчалик жаҳонгирлик сурмасинлар ёки ўз даврида мақтову тақдирларга кўмилмасинлар, тарих ҳар кимнинг ўрнини аниқ кўрсатади, ҳатто ўз даврида муносиб қадрланмаганлар ҳам даврлар ўтиши билан маданият тарихидан ўз ўрнини топиши мумкин.

Машҳур шоҳ ва шоир, тарихчи ва аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданиятидаги ўрнини белгилашда адабиётшунослар томонидан яратилган адабиёт илмига дохил асарлар – тазкираларга суяниб фикр юритмоқчимиз. Биринчидан, улар жуғрофий жиҳатидан кенг кўламли: Ҳиндистон, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон ва, албатта, Марказий Осиёга алоқадор. Иккинчидан, ушбу асарлардаги фикрлар умумадобиёт ва санъат мезонлари билан ўлчанадими, фавқулодда эҳтиросларга бой мақтовлар кам учрайди. Адабиётшуносликнинг тазкира жанри кўп сўзни ёқтирмайди, ҳар бир ижодкорнинг муаллиф наздидаги баҳосини аниқ кўрсатади. Шу жиҳатдан биз Бобурнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни ҳақида кўплаб тарих ва тадқиқотларни ўқиган бўлмайлик, барибир ижодкорнинг адабий баҳосини мутахассис олимлар беришига ишонган ҳолда Бобур номи зикр қилинган тазкираларни ўрганишга киришамиз.

Маълумки, тазкиралар муайян шоир ва адиб ижоди ҳусусида ё тарихий тамойилга (Давлатшоҳ сингари), ё ижтимоий таснифга асосан тартибланади. Ана шу жиҳатдан, Ҳирот мактаби тазкирачилари анъанасига кўра, дастлаб султон шоирларга алоҳида боб ажратиш русум бўлган (масалан, Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарининг 8-мажлиси. Кейинроқ алоҳида «тазкират ус-салотин»лар яратилган (Фаҳрий Ҳиравийнинг «Равзут ус-салотин» асари каби).

Бобур ижоди қайси даврдан бошлаб тазкиранавислар эътиборини тортгани, албатта, шоир ижодининг ҳар бир муҳибини қизиқтиради. Бизнингча, форс тилида ёзилган тазкиралар орасида Бобур ҳусусида хабар берган асарлардан дастлабки Сом Мирзо Сафавий (1517-1567)нинг «Тухфаи Сомий» асари (1550) бўлиб, унда Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби султон шоирлар асарларидан туркча намуналар берилган. Бошқа форс тазкирачиларидан фарқли ўлароқ буюк турк шоирларига алоҳида фасл (6-фасл) бағишланган. Масалан, «Бо ҳарфида: Баҳром Мирзо, Бадиъуззамон Мирзо, Бобур Подшоҳ ҳусусида сўз юритаркан, Султон Ҳусайн Бойқаро каби «темурий султонлар орасида энг истеъдоли шоир бўлганини қайд этади».

Алишер Навоийнинг издоши Фаҳрий Ҳиравий (1497)нинг «Мажолис...» услубида ёзган «Равзут ус-салотин» (1551-55) тазкираси (форс тилида) ҳам Бобур ижоди акс этган илк тазкиралардан бири. Муаллиф ўз асарининг «Шеър айтган

Самарқанд ва Хуросоннинг Амир Темур Кўрагон авлодидан бўлган султонлар зикрида» номли 3-бобида Бобур подшоҳ ва унинг фарзандлари Муҳаммад Ҳумоюн, Комрон Мирзо, Аскарӣ Мирзо ва Ҳиндол Мирзо ҳусусида сўз юритиб, уларнинг форсий шеърларидан мисоллар келтиради. Масалан, Бобур ҳусусида шундай ёзган: «Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ Умаршайх мирзо фарзанди эди. Ва Амир Темур Соҳибқироннинг мажид авлоди султонларидандир. Ундан кейин Султон Ҳусайн мирзога тенг фаҳм-фаросат ва шамшир зарбида подшоҳ йўқ эди. Унинг ишларидан бири ушбу бўлиб, озгина кўшин билан Ҳиндистон мамлакатларини мусаххар қилган. Ва доимий сипоҳийларга эътиборли ва маъқул бўлди. Ва мусиқа илмида беназир эди. Ва туркий ва форсий ашъорда ва аруз ва қофияда юксак маҳорати бор эди. Ва «Мубаййин» деган фикҳга оид назм қилган китоби ниҳоятда яхши битилган. Форсийда ҳам равон ва аниқ айта оларди, аммо туркий шеърятга мойилроқ эди. Шеърлар девони одамлар орасида кўп бўлганлиги сабабли мана бу туркий матлаъни ундан ушбу ўринда яхши ният ва табаррук тариқасида кўчирилди.

Матлаъ:

**Такаллуф ҳар неча суратда бўлса андин ортуқсен,  
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен.**

Мана бу форсий матлаъ ҳам униқидир.

Матлаъ:

**Ҳалок мекунадам фуракати ту, донистам,  
Ва гарна рафтан аз ин шаҳр метавонистам.**

Яъни,

**Сенинг фурақатинг мени ҳалок қиларди, билардим,  
Гарчи бу шаҳардан кетишни билардим.**

**Х**асанхожа Нисорӣ (1516-1597)нинг «Музаққири аҳбоб» («Дўстлар зикри») асари (1566)да (2-руқн 1-фасл) «Уткинчи жаҳондан мангулик мулкига кўчган чигатой султонлари зикрида: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ҳумоюн подшоҳ... ва бошқалар тилга олинади». Бу тазкира ҳусусида таржимон И. Бекжон «Бобур ва бобурийларнинг бадиий ижодини Ўрта Осиёда илк бор таништирган тазкира» деб ёзади. Демак, бунга қадар ёзилган тазкираларда ҳам Бобуршоҳ ижоди зикр қилинган экан. Мазкур тазкиранинг «Мақола» қисмида Бобур, Ҳумоюн, Комрон, Аскарӣ, Ҳиндол, Абулқосим (Бобурнинг набираси, Комроннинг тўнғич ўғли) ҳақида махсус тўхталган.

Хожа Ориф Бақоӣ Андижонӣ (XVI)нинг «Мажмаъ ул-фузало» («Фозиллар тўплами», 1589) тазкирасида тилга олинган ҳақида маълумот бор. «Мажмаъ ул-фузало»ни Андижонда Исфандиёр бин Хусрав бин Ёрмуҳаммад бин Жонибек султон

## БОБУР ТАВАЛЛУДИ КУНИ

хизматида турган пайти ёза бошлаган ва Ҳиндистонга етиб бориб Акбар подшоҳ даврида ўз асарини ниҳоясига етказган. «Мажмаъ ул-фузало»нинг ягона нусхаси шу кунларда Покистондаги Лахур университетининг кутубхонасида сақланади. Бу тазкира афғонистонлик олим Абдулхай Ҳабибийнинг «Нусхаҳои хатти», Нақавийнинг «Тазкиранависий дар Ҳинду Покистон», эронлик Гулчин Маонийнинг «Тарихи тазкираҳои форсий» асарларида қисқача тавсифланган.

**М**утрибий Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» асарини 1011-1013/1603-1605 йиллари Самарқандда ёзган ва асарни Вали Муҳаммад-хонга тухфа қилган. «Нусхаи зебои Жаҳонгир» тазкирасида мана бундай биз учун ниҳоятда муҳим ва янги маълумотлар бор: «Подшоҳ унинг муолижалари қатори ёзганларига ҳам катта эътиқод билан қарайди. «Жаҳонгирнома»да Масиҳ уз-замонни яхши сўзлар билан эслаб ўтганлар. Мазкур китобда подшоҳ баён этган ўша гаплар қуйидагича: «Шу орада, бугунги кунда Мовароуннаҳрда муборак нафасларидан дарвешлик бозори қизиб турган, кутуби замон ҳазрат хожа Абуҳошим Даҳбедий Самарқанддан ўз дарвешлари орқали бизга бериб юборган бир фаражий чакмон ва бир камон етиб келди. Хожа бир хат воситасида жаннат маконий (Бобур подшоҳ)нинг у кишининг боболари Маҳдуми Аъзамга сирлари муқаддас юборган қитъасини ҳам борди-келдини қанда қилмаслигимизга ишора тариқасида ҳавола қилдилар. (Бобур подшоҳ) рубойиси эса бундай:

**Дар ҳавои нафси гумраҳ умр зоеъ кардаем,  
Пеши аҳлиуллоҳ аз атвори худ шармандаем.  
Як назар афкан ба суйи мо ки мо саргаштагон,  
Хожагиyro мондаему хожагиyro бандаем.**

Мазмуни:

**Гумроҳ нафсимиз йўлида умр зое этган-да биз,  
Аҳлиуллоҳ олдиди атворимиздан шарманда биз.  
Бир назар ташла биз сари, биз саргашталар бу он,  
Хожа йўлида кўз толиқтиргану хожага банда биз.**

Биз минг жаҳонгирий муҳр маблагни алар ҳазратларига инъом тариқаси билан ва хатларига жавоб тарзида эса ўзимизнинг ушбу назимимизни юбордик». «Жаҳонгирнома»га асосланиб айtilган бу муҳим гаплар Бобурнинг тарихдаги янги рубойисини майдонга чиқаради.


«Нусхаи зебои Жаҳонгир» тазкираси Ҳиндистон сафари билан боғлиқ ва бу асар Жаҳонгир подшоҳга бағишланган. Абжад ҳисобида бу асар номидан ҳижрий 1034 йил келиб чиқади. Асар «Силсила» деб аталувчи иккита боб ва «Хотима» қисмидан иборат. Биринчи силсилада чигатой (бобурий, бадахшонлик теурий) ҳукмдорлар ва улар даврида шеър ёзган фозиллар, иккинчи силсилада шайбоний, аштархонийлар замонидаги шоирлар ҳақида маълумотлар берилади. Мутрибий беш ой мобайнида Жаҳонгир подшоҳ мулоқотида бўлади ва 1627 йил 25 февралдан «воқеалар» номи билан қозоғга туширади. Мутрибий бу мулоқотларнинг биринчисини «воқеай аввал» (биринчи воқеа) деса, қолган барча кунларидаги учрашув тафсилотларини «бошқа» ёки «кейинги воқеа» номли бўлимларда акс этган. Ушбу тазкирага «Тазкирайи Жаҳонгир» ҳам илова қилинган бўлиб, ушбу асар муаллифи подшоҳ бўлган ягона тазкирадир.

Содиқбек Афшар Китобдор (1534-1610)нинг «Мажмаъ ул-хаввос» асари (1602)нинг 1-мажмаъсида 5-рақам билан «замона подшоҳларидан бири Ҳумоюн подшоҳ»нинг отаси сифатида тилга олинади.

Алиқулихон Вола (1712-1756) «Риёз уш-шуаро» асари (1747, форсча) муқаддими, саккиз рава ва хотимадан иборат бўлиб, унинг тегишли бобларида Бобур тилга олинган.

Мирсиддиқ Ҳашмат «Тазкирату-с-салотин» асарида Бобур, Ҳумоюн, Комрон Мирзо, Акбаршоҳ, Файзи Фаёзий, Жаҳонгир, Жалолитдин, Шоҳ Жаҳон, Шерхон, Оламгир, Фаррух Сияр, Маҳмуд шоҳ Баҳмоний ва бошқалар хусусида сўз юритилган.

Пўлотжон домла Қайюмий (1885-1964) «Тазкирайи Қайюмий» («Қайю-



мий тазкираси) асари (1960)да «1-дафтар: Алишер Навоий, Саййид Аҳмад, Сайфи Саройи, Амирий, Рабғузий, Хоразмий, Югнакий, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд, Дурбек, Лутфий, Атоий, Саккокий, Мажлисий, Кутбий Хоразмий, Шайбоний, Солих, Убайдий, Бобур, Ҳусайний ... «га таъриф беради.

2012 йилда Туркияда Мустафо Эсон, Али Фуод Билкан, Туба Ишинсу Турмушнинг «Султонларнинг шеърлари. Шеърларнинг султонлари» китобини нашрдан чиқарган. Тазкиралар асосида тартиб берилган бу мажмуада Ҳиндистонда яшаган турк султон-шоирлари сифатида Бобур ижодига алоҳида бўлим ажратилган. Бўлим «Ҳиндистонда чигатойча шеър ва Бобур хонадонига мансуб шоирлар» деб номланади. Бобуршоҳ ва Байрамхон шеърларидан аввал 4 саҳифалик таништирув мақоласи ҳам берилган бўлиб, унда Бобурнинг шеърий маҳорати ва унинг хонадонига мансуб шоирлар хусусида сўз юритилган ва 8 саҳифа давомида Бобуршоҳнинг ғазал ва рубойиларидан намуналар берилган.

Кўринадики, Бобур буюк шоир сифатида ўз давридаёқ танилган ва унинг асарлари тазкира ва мажмуаларга киритилган. Бобур асарларининг жаҳон миқёсидаги ўрни ва шахсининг феноменини белгилашда юқорида тилга олинган тазкиралар асос-ҳужжат вазифасини бажаради.

**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети профессори,  
филология фанлари доктори**

# Ўйқолман болалик, қайдасан, қайда...

## КУРРАИ ЗАМИН

Биз-ку оилада саккиз жон эдик,  
Саккиз овоз билан «Онажон» дердик.  
Тонгда кетиб, тунда даштдан қайтарди,  
Онам нима топса, ўшани ердик.

Саккиз жон... онамга саккиз ҳимоя,  
Бир зарар ўтмасди саккиз қаватдан.  
Узоқдан кўринса булут ё соя,  
Биз тўсиқ кўярдик бурч ва шафқатдан.

Ана, ҳаммамизга биринчи она –  
Ер шари пучмоқда учиб юрибди.  
Инсонлар бешиги – Замин ягона,  
Ҳаммани бағрида кучиб турибди.

Унинг фарзандлари – олти миллиард,  
Борми унинг шунча ҳимоячиси?  
Икки ярим шарнинг қай бири номард,  
Қай бири онанинг чин фидойиси?

Комил ишонч билан келажак кунга,  
Ерга топширганмиз волидаларни.  
Нега бўйсунмаймиз азал қонунга,  
Унутдикми азал қоидаларни?

Нима деб ўйлайсиз қушлар чуғурин,  
Нима – зилзилалар тортганда наъра?  
Ахир, буғдойзорнинг қайноқ шовурин  
Ўқсиб соғинади бугун ҳар зарра.

Тупроқ хотираси – боқий хотира,  
Унутмас урушлар, бўҳронлар таъмин.  
Чексиз Коинотда мазлум асира,  
Қачонгача чидар Курраи Замин?..

Тектоник қатламни зарблар ёрмасми,  
Ҳар бир хужайрамда ядровий шовқин.  
Ернинг юрагига етиб бормасми,  
Менинг юрагимдан тарқалган тўлқин?

Эй, Ҳаёт, ҳадемай кўёшинг балқар,  
Яна йўлга чиқар Ер овчилари.  
Замин ишонади – оёққа қалқар  
Олти миллиардлик асровчилари.

## ҲАЁТ ЭРТАКЛАРИ

Ҳар тонг умид эмас, ваъдалар берган,  
Сўқмоқларда ризқ деб тош, тикан терган,  
Минг бир режалари бетимсол, теран,  
Ҳаёт, эртақларинг тугамасин ҳеч.

Қўшиқлар қолмоқда, қўшиқчилар йўқ,  
Юрак марказига ботар чўғдек ўқ,  
Кимгадир паст келдинг, кимга урдинг дўқ,  
Ҳаёт, эртақларинг тугамасин ҳеч.

Ёлғон сенинг учун латифадек гап,  
Тутантириқ бўлди маслак ва матлаб,  
Дўзахга йўлладинг кимнидир мақтаб,  
Ҳаёт, эртақларинг тугамасин ҳеч.

Бозорга борганда тўлмаса халта,  
Берасан энг қиммат, энг сархил далда,  
Бўлсангда гоҳ арзда, гоҳо маталда,  
Ҳаёт, эртақларинг тугамасин ҳеч.

Кимдир сени ёниб қўшиққа солди,  
Кимдир ёниб сендан ўчини олди,  
Бариси измингда изсиз йўқолди,  
Ҳаёт, эртақларинг тугамасин ҳеч.

## ҚУШЧА

Бу қушча бу боғдан кетмайди нега,  
Овозида нега бунча мунг, маъюс?  
Бу қадим боғларга бормикан эга,  
Бормикан гулларга муносиб бир юз?

Қадим қўшиқларга бўлсан мубтало,  
Нима етишмаган эди сен қушга?  
Энди ҳар кунингга шерикдир бало,  
Осмон олажақдир сени оғушга.

## ТАБИАТ ХОТИРАСИ

Хотира бор эмиш табиатда ҳам,  
Хотира бор эмиш хужайраларда.  
Хотирадан бунёд одам ва олам,  
Демак, боғлиқлик бор гард, зарраларда.


Демак, ҳамма нарса такрорланади,  
Айланиб келади қайта ва қайта.  
Менинг қалбим эса кўп зорланади:  
Йўқолган болалик, қайдасан, қайда?..

Қайда у меҳрибон отам ва онам,  
Менга йўл кўрсатган чанг кўчаларим?  
Бугун бахтиёрман насиб этса ғам,  
Унутмаса мени тун, кечаларим.

Бугун бахтиёрман томчи ҳавога,  
Бир парча осмон ҳам ҳаёт инъоми.  
Кўзимга ёруғлик берган зиёга  
Жонимни бахшида этсам тамоми.

Хотиранинг изчил қоидалари,  
Майли, кўпроқ беринг менга ҳасратни.  
Умрнинг бебаҳо доиралари  
Кўрсатманг дилдаги доғ, асратни.

Эй ҳаёт, беғараз сийладинг кимни,  
Мен нима беролдим қари оламга...  
Кексаликка деган болалигимни  
Ато эт умидвор одамга.





## ҲАЁТ ТЕЗРОҚ ЮРА БОШЛАДИ

Айланади тинмай Ер шари,  
Ер шаридек юрагим сари.  
Бугун у ҳам салгина қари,  
Вақт шошилиб қадам ташлади,  
Ҳаёт тезроқ юра бошлади.

Яхши-ёмон ўтди бир зумда,  
Ўтмоқ ахир азал удум-да,  
Умр энди кўмилган хумда,  
Май ҳам чанқоқ дилни ғашлади,  
Ҳаёт тезроқ юра бошлади.

Сочларимда кўпдан тонг юки,  
Билолмайман бу қай тонг юки,  
Ўзгармади феълнинг бир туки,  
Ўзгармаган дилни ғашлади,  
Ҳаёт тезроқ юра бошлади.

Кўргуликлар бир совға бўлди,  
Совғасидан кўп ғовға бўлди,  
Бизнинг умр бир долға бўлди,  
Дунё барин бошдан бошлади,  
Ҳаёт тезроқ юра бошлади.

Ўқиб бўлдик китобимизни,  
Сизга бердик офтобимизни,  
Ким эшитгай хитобимизни,  
Кимдир четда кўзин ёшлади,  
Ҳаёт тезроқ юра бошлади.

## БИЗНИНГ КЎЧАДА

Ким айтди оламда йўқ деб муҳаббат,  
Оламда оқибат йўқ деб ким айтди?  
Муҳаббат эмасми қилолса тоқат  
Ишқ, вафо рўёга сотилган пайти.

Муҳаббат эмасми болаларини  
Чақмоқ севги учун етим қилмаслик.  
Оқибат эмасми ноалаларини  
Дўстнинг озоридан дея билмаслик.

Кажрафторнинг чархи чапла айланиб,  
Имон, эътиқодга ўт тушса ногоҳ,  
Оқибат эмасми зумда шайланиб,  
Оламни хатардан этолса огоҳ.

Муҳаббат йўллари турфадиш шаксиз,  
Бизнинг кўчада ҳам қай уйдадир бор...  
Шул сабаб оқибат қолмас дараксиз,  
Кўчамизда эса ҳамма бахтиёр.

## ТОРТИШ КУЧИ

Буюк тортиш кучи тинмайди сира,  
Доим тўғри кўяр забару зерни.  
Ёш-да, кимнинг кўзи тортади хира,  
Кимни ер тортади, ким тортар ерни.

Ожиз бир бандаман, буюрди ҳаёт,  
Кўра олмасам-да, кўздан нарини,  
Тўхтаб қолмасин деб маром, умрбод  
Думалатиб юрдим мен Ер шарини.

Одамлар тартибсиз келар эдилар,  
Кимда кимнинг бўлса бурчи ё ўчи,  
Киприк қоқмадилар, кейин дедилар:  
Бу тортиш кучидир, бу тортиш кучи...

Энди тортиш кучи дўстларни бир-бир  
Гуғурт қутисига тахлаб солмоқда.  
Менинг ҳаётимдан фақат чимдим нур –  
Ўрик данагидек қабр қолмоқда.



## РОБОТ

*Яқинда тирик ҳужайралардан робот  
яратилди.*

**Матбуот хабаридан.**

Сен қачон Робот бўлдинг,  
ким солди темир ҳолга,  
тирикмисан ё ўлдинг  
ё айландинг қуролга?

Робот бўлиш қийинмас,  
бажарасан айтгани,  
лекин одамзот тинмас,  
одам бўлиб кўр қани.

Ўтаркан лаҳза, дамлар,  
кўтарилди можаро,  
роботлар ва одамлар  
курашдилар ўзаро.

Интеллект билан Кўнгил  
келди жар ёқасига,  
кўнгил тинч. Темир шингил  
керилди тақасига.

Робот кучга тўлмоқда,  
куч қалб ҳақин тўлолмас.  
Одам робот бўлмоқда,  
Робот одам бўлолмас.

## КЎЗИНГНИ ЯШИРГИЛ...

Юрагим чайқалиб турибди ҳозир,  
Онажон, сен сари йўл олмоқдаман.  
Умримдан ажралиб чиқмоқда шоир,  
Кичрайиб, кичрайиб йўқолмоқдаман.

Эй, шоир, турткилар кутмай самодан,  
Курашлар бағрига отгил ўзингни.  
Оралаб борганда бозор – дунёдан  
Кўзингни яширгил, фақат кўзингни.



## ҚИШЛОҚДАГИ СИНГИЛЛАРИМГА

Кипригига қиров кўнган сингилларим,  
Ўн олтида йигит бўлди кўнгилларим,  
Оғирингиз менга, сизга енгилларим,  
Сиз ўзбекингиз даласида ёмғирмисиз,  
Хирмон-хирмон пахталардан оғирмисиз?

Жаннатлардан олинганми тупроқлари,  
Бўй қизларнинг ҳалволардек бармоқлари,  
Отам эккан гўзаларнинг чаноқлари  
Қаттиқ-қаттиқ кулар сизга кеч кузларда,  
Онасининг қарзларини қиз узар-да.

Ўзбекистон далалари – менинг ерим,  
Сизга мадад бўлгаймикан йиғлоқ шеърим,  
Дунёнинг бор чиройини сизга бердим,  
Оёқларни илитарми калишингиз,  
Шу пахтадек юмшоқмикан болишингиз?..

Шон-шарафга белагайсиз элингизни,  
Меҳнат – мерос, буюлмади белингизни,  
Кечалари ойга очинг дилингизни,  
Учиб келган муҳаббатми ё қушларми,  
Қўлингиздан толе бир бора ушларми?

Тандирлар ҳам соғинади тафтингизни,  
Ўчоқлар ҳам ўпай дейди кафтингизни.  
Бургутлардан олганмисиз шахдингизни,  
Матонатда сиздан метин енгилди,  
Сизни бутун Ўзбекистоним билади!

Балки мен ҳам бир хатарли ёшдадирман,  
Ё адоқда, ё ўрта, ё бошдадирман,  
Нону чойда, шакарда ё ошдадирман,  
Бутун бўлсин доим кулча, нонларингиз,  
Шошилмасдан отаверсин тонларингиз.

Ўнгда юлдуз, сўлда ой дугонаси сиз,  
Туғилажак ботирларнинг онаси сиз.  
Ўзингизмас, сиз келажак деб ёнасиз,  
Оғирингиз менга, сизга енгилларим,  
Бармоқлари титраб турган сингилларим.



# ХАЛҚ ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Хар қандай қулф ўз қалити билан очилади.  
Хар бир тугунни ечиш учун ибтидодини топиш лозим.  
Хар қайси саволнинг жавоби ўзида яширинган бўлади.

Уч фикрни бир махражга келтирсак, қўхна тарихнинг қойим теоремаси кўз олдимизда гавдаланади: дуч келган муаммага ечим топиш — ўз вақтида қўрилган ақлли тadbирга боғлиқ. Бу муаммонинг ич-ичига кириб, реал ҳолатни, мавжуд вазиятни чуқур ўрганиш, қайта-қайта таҳлил қилиш деганидир. Шунинг учун ўз кучига ишонган иродали Шахс ҳеч қачон машаққатлар олдида чекинмайди, тарих чархпалагининг туб бурилиш вақтида асосий юкни ўз зиммасига олишдан қўрмайди, ҳар қанча оғир ва мураккаб синовларга дуч келмасин, танлаган йўлдан қайтмайди.

Зеро, бу йўл халқ қалбидан бошланади ва халқ қалбига боради.

## НАЗАРИЯ АМАЛИЁТДА ЯРАТИЛДИ

Хар қандай инсонда бир марта бўлсин, мамлакат раҳбари билан учрашиш, Юртбошига ўз шикоятни ёки тақлифини айтиш истаги бўлади. Бу табиий ҳолат, инсоний истак, ҳаётини майл. Бироқ бундай бахт ва омад жуда кам инсонларга nasib қилади.

Шу маънода Президент Шавкат Мирзиёев асос солган виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналари халқимиз учун ҳар қандай ариза, шикоят ёки тақлиф билан бевосита давлат раҳбарига мурожаат этиш имконини яратди. Буюк Алишер Навоий «Эл поясин англай десанг, асорини бил, кўнглидаги муддаосин изҳорини бил» деганидек, давлатимиз раҳбари ҳам ислохотларни халқ қалбига йўл топишдан — одамлар билан доимий ва самарали мулоқот тизимини йўлга қўйишдан бошлади.

Халқ қабулхоналари институти айна жиҳати билан давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги, шу пайтгача дунёда муқобили бўлмаган тизим сифатида бўй кўрсатди. Бу тизимнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги қонуният ва назарияси бевосита амалиёт жараёнида яратилди, шарқироқ дараёдек асов ҳаётнинг аччиқ тажрибаларида синовдан ўтди.

Ўтган вақт мобайнида Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига 3,5 миллиондан зиёд мурожаат тушди, масалаларнинг 60 фоиздан зиёди қаноатлантирилди. 2019 йилда тушган 1 миллион 72 мингдан зиёд мурожаатнинг 625 мингдан ортми амалда ҳал қилинди.

## КЎКСИНИ ТЎЛДИРИБ НАФАС ОЛАЁТГАНЛАР

Ярим аср өчимини кутган муаммонинг бир йилга қолмай ҳал бўлганини эшитганмисиз?

Бу ўтрик эмас, бор гап.

1968 йилда юз берган кучли сел Андижон вилоятининг Избоскан ва Пахтабод туманларини ажратиб турувчи Тентаксой дарёси устига қурил-



ган кўприкни оқизиб кетади. Шундан сўнг аҳоли турли идораларга тинмай мурожаат қилишга киришади. Афсуски, муаммони ҳал қиладиган жўмард раҳбар топилмайди.

Мурожаатчилардан бири — избосканлик Ҳусанбой Орифжонов ўша табиий офат юз берганда, яъни кўприкни сел ювиб кетганда 21 яшар эди. Бугун Ҳусанбой ота 72 ўшга кирди. Ярим аср давомида бирор бир ташкилот қолмадики, отахон кўприк масаласида ёрдам сўраб, бир энлик хат ёзмаган бўлса!

Муаммо, ниҳоят, Президентимизнинг Избоскан туманидаги Халқ қабулхонаси ёрдамида ҳал бўлди. Ҳусанбой Орифжоновнинг мазкур дарё устига кўприк қуриб беришда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати юқори ташкилотларга юборилди. Ўрганишлардан сўнг Избоскан ва Пахтабод туманларини ажратиб турувчи дарё устига кўприк қуриш ишлари давлат дастурига киритилиб, қарийб 5,4 миллиард сўм маблағ ажратилди. Янги кўприк қуриб битказилди, ярим асрлик муаммо ҳал бўлди.

Фаргона вилояти Данғара туманида яшовчи тadbиркор Селвер Ҳайбуллаев гидропоника усулида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ташаббуси билан чиқди, бироқ унинг ташаббуси ҳадеганда қўллаб-қувватланмади. Tadbиркор ер ажратилишида муаммоларга дуч келаверган, 2018 йил январь ойида Данғара туманидаги Халқ қабулхонасига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Муаммо тез орада ҳал қилиниб, тadbиркорнинг «Қишки боғ» лойиҳаси учун Данғара тумани Чинобод қишлоғидан 3,2 гектар ер майдони ажратилди. Қўп ўтмай, 5,1 миллиард сўмдан зиёд қийматга эга лойиҳани амалга оширишга киришилди: зарур маблағнинг 2 миллиард сўми тadbиркор, 3,1 миллиард сўми банк кредити ҳисобидан шакллантирилди. Ишлар ривож топиб, тез орада 39 иссиқхона барпо бўлди, 65 иш ўрни яратилди. Эндиликда бу ерда йилига 400 тонна помидор, 200 тонна бодиринг, 50 тонна қулпнай гидропоника усулида етиштирилмоқда.

Қамаши туманидаги Азлартепа, Майда, Бердоли, Адоқ, Жонбуз, Баландчайла қишлоқларида жами 30 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Маҳаллий халқ неча йилки, туман марказига носоз, яроқсиз йўлдан қатнарди. 2019 йил шу йўлдаги кўприк мутлақо талабга жавоб бермай қолган, аҳоли айланма йўл орқали 52 километр масофа босиб ўтишга мажбур бўлди. Қишлоқ аҳлининг Президент халқ қабулхонасига мурожаатидан сўнг 8 ой ичида Қақшадарё дарёси устида узунлиги 100 метр, эни 13 метр, сув сатҳидан 10 метр баландликдаги пишиқ, мустақкам, замонавий кўприк қурилиб, ишга туширилди. Натижада аҳолининг узоғи яқин бўлди, туман марказига бориш учун масофа икки баробар қисқарди. Бири иккинчисидан узлиб қолган Баландчайла ва Қорабоғ қишлоқлари бир-бирига ўзaro боғланди. Энг муҳими, қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, йўл бўйларига хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш имкониятлари ҳам пайдо бўлди.

Муборак тумани Янги Қорақум маҳалласида яшовчи 541 хонадон чўл қўйнида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган уйлارга кўчиб қирғач, уч йил ичимлик сувисиз яшади. Бу ҳам етмагандек, оқар сув ҳам жиддий муаммага айланди. Ёзинг гармсел шамоли, жазирама иссиғида сувсиз яшамоғи азобини фақат бошидан ўтказганлар билади. Президентимизнинг Муборак туманидаги Халқ қабулхонасига қилинган мурожаатдан сўнг 541 хонадонга сув қувури улаб берилди. Натижада 2 минг 800 нафар аҳолининг ҳаётига том маънода ободлик кириб борди. Айна пайт хонадонлар узлуксиз сув билан таъминланган. Қақроқ чўл бўстонга айланмоқда.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги тоғли Хўжақия-2 ва Айинни қишлоқларидаги кинал қаровчиси қолгани боис икки қишлоқдаги қарийб 5 минг 300 киши сел талофатидан зада бўлган эди. Аҳоли мурожаатидан сўнг 2019 йили узунлиги 12 километр канал қайта қазилиб, ариқ ва зовурлар таъмирланди ва катта ҳажмдаги сувни хавфсиз ўтказиб юбориш имкони яратилди. Аҳоли авваллари ёгингарчилик мавсумини муқаррар юз беражак офатдек кутиб олса, энди ёмғир-у қорга фақат ва фақат रिққ-барака сифатида қарамоқда.

Термиз шаҳридан 130 километр масофада жойлашган Шеробод тумани тоғли Пошхўрт қишлоғининг 2 минг 720 нафардан зиёд аҳолиси ўз мурожаатида мутасаддилардан, аввало, қишлоқни сув билан таъминлаш учун тўғонни таъмирлаш масаласида ёрдам сўради. Зеро, тўғонни сел зарарлаган, халқнинг сувсиз қолиш хавфи кучайиб борарди. Ёлнинг бор даромади экин-тикин. Оммавий қабулдаги мурожаатдан сўнг тўғон

таъмирланди, 300 дан ортиқ томорқага сув чиқариб берилди.

Бойсуннинг Даштотда қишлоғи вилоят марказидан 135, туман марказидан 14 километрда жойлашган. Бу ерда аҳолиси унча кўп эмас: 25 хўжалиқда 150 киши истиқомат қилади. Егин-сочинли кунларда қишлоқ аҳли туман марказидан бутунлай узилиб қолар, чунки ўртадаги чуқур жарликда кўприк йўқ, боз устига сел келса, жарга яқин йўлаб бўлмас эди. Қишлоқ аҳлининг Президент халқ қабулхонасига мурожаатидан сўнг Даштотда қишлоғини ажратиб турувчи жарлик устига қурилган эни 4, узунлиги 12 метрли мустаҳкам кўприқдан эндиликда нафақат пиёдалар, балки автомашиналар ҳам бемалол ўтиб-қайтмоқда.

Занги Оталиқ 25 ёшли Рушана Раҳматова ёшлиғидан чорвачиликка қизиқади. У беш йил олдин ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлди-ю, бироқ кетма-кет турфа тўсиқларга дуч келарди. Ноилож хонадонда Европадан келтирилган уч бош зотдор қорамолни парвариллашга киришди. 2017 йил апрелда энди иш бошлаган Тошкент вилоятидаги Президент Халқ қабулхонаси аралашувидан сўнг салкам уч йиллик овозгарчилик ниҳоясига етиб, ўзи яшаётган «Тошкент» маҳалласидан оғилхона куриш учун ер ажратилди. Бу орада моҳир чорвадорнинг қорамоллари сони 6 баробар ошди.

Чорва дегани озуқа билан тирик, озуқа тайёрлаш учун эса ер керак. Рушана бу борада амалий ёрдам сўраб, яна Президент Халқ қабулхонасига мурожаат қилди. 2019 йил январда тадбиркорга туман ҳоқими қарори билан чорвачилик учун 3,12 гектар экин майdonи ажратилди. Оқдй қишлоқ қизи Рушананинг орзу-ниятлари бирин-кетин рўёбга чиқа бошлади.

Халқ қабулхонасидан муаммоси ҳал бўлиб чиққан инсон кўксини тўлдириб нафас олади, ўзини елкасидан тоғ ағдарилгандай ҳис қилади, ҳаётда ҳаловат пайдо бўлади. Энг муҳими, бундай инсонлар қалбда давлатга, қонуларга, адолат ва ҳақиқатнинг қудратига, умуман, ҳаётга ва келажакка ишонч мустаҳкамланади.

## ХАЛҚ МАТЛАБИ – РАҲБАРЛИК МАКТАБИ

Халқ билан мулоқот тизими миллий қонунчилигимизни «сайёр қабул», «оммавий қабул» каби янги истилоҳлар билан ҳам бойитди. Бундай истилоҳларнинг бошқа мамлакатлардаги муқобили ёки ўхшашини ёхуд шунга дохил назарий маълумотларни интернет тармоғидаги ҳозиржавоб «google» ё «yandex» қидирув тизимларидан топа олмайсиз.

Бу ҳам Президентимиз асос солган халқ билан мулоқот тизими ўз назариясини амалиётда яратиб бораётганига яна бир исботдир.

Айни тахлит мулоқотнинг муҳим жиҳати – оддий фуқаро ва амалдорнинг маълум муаммо хусусида бир-бирининг кўзига тик қараб, гаплашиб олишида. Одамнинг юзи иссиқ, меҳр кўзда, дейдилар-ку! Шу маънода, бундай очик учрашувлар одамлар учун ўз дард-ташвишларини мутасаддиларга айтиш, катта-кичик раҳбарлар учун энг қуий бўғинга тушиб ишлаш, ҳар қандай масаланинг туб моҳиятини англаш учун самарали мулоқот майдонидир. Бу билан ортиқча хатбозликларнинг олди олинади, бир муаммога турли соҳа мутасаддилари бирга ечим излайди.

Халқ билан мулоқот тизими бугун мамлакатимизда ҳар бир бўғиндаги раҳбарнинг кунлик, ойлик ва йиллик иш режаларини белгилаб бермоқда. Бу ҳаёт ҳақиқати, айниқса, қисқа вақтда ҳудудларни жадал иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг таянч нуқтасига айланган секторлар



фаолиятида, оммавий қабуллар жараёнида ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Секторлар тизимининг йўлга қўйилиши билан маҳаллий раҳбарлар фаолиятида жамоавий жавобгарлик қоидага айланиб, муаммоларни энг қуий – бошланган нуқтасида аниқлаш ва бартараф этиш тизими ишга тушди. 2019 йил 1 февралдан Халқ қабулхоналари ва секторларнинг уйма-уй юриш орқали аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларни туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида ҳал қилиш тизими такомиллаштирилди. Секторлар бошқарувининг вертикал тизими йўлга қўйилиши билан муаммоларнинг ичига кириш, муайян масалани ҳал қилиш самарадорлиги кескин ошди. Халқ қабулхоналари бу жараёнда ҳудудлардаги барча тизими ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажармоқда.

Этибор беринг: 2019 йилнинг ўзида Халқ қабулхоналари, секторлар, давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уйма-уй юрилиб, 6 миллион 100 мингдан ортиқ хонадонда аҳоли билан юзма-юз суҳбат ўтказилди. Турли йўналишларга доир 984 мингдан зиёд масала жойида ҳал этилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, 2019 йилда Президент Халқ қабулхоналари секторлар ва мутасадди идоралар раҳбарларининг аҳоли муаммолари билан ишлаш жараёнини, жумладан, оммавий қабулларни янги форматда – маҳаллама-маҳалла, объектма-объект, уйма-уй юриш асосида ташкил қилгани муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш натижадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бу билан раҳбарларнинг оммавий қабулларини туман ё шаҳар эмас, муайян қишлоқ, овул ёки маҳалла миқёсида ўтказиш йўлга қўйилди. Секторлар ва мутасадди идоралар раҳбарлари бевосита ҳудуднинг ўзига чиқиб, аҳоли билан гаплашиб, мавжуд муаммоларга янада самарали ечим топишга киришди. Бу тизимнинг афзаллиги – раҳбарлар муаммоларни нафақат тингламоқда, балки ўз кўзи билан кўриб, шу масалалар ичига кириб, ҳал қилиш чораларини кўрмоқда.

Президент Халқ қабулхоналари келиб тушган мурожаатлар, уйма-уй ўрганишлар таҳлили асосида ҳар бир туман ва шаҳардаги энг оғир-мураккаб шароитдаги ҳудудларни белгилаб бераётир. Яъни раҳбарлар янги форматдаги халқ билан мулоқот тизимини, авваламбор, энг қуийн нуқтадан – энг олис, чекка, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст, тоғли ҳамда чегара ҳудудларда жойлашган, муаммолар нисбатан кўп ҳудудларда олиб бормоқда.

(давоми 36-бетда)





# МАҲМУДХҲҲ БЕҲБУДИЙ

Таваллудининг 145 йиллиги

**Я**нги Ўзбекистоннинг жорий йили жадидчилик ҳаракатини, фаоллари фаолиятини ўрганган мутахассислар, жумладан, беҳбудийшунослар учун унутилмас сана бўлиб тарихга кириши шубҳасиз. Негаки, бу масала илк мартаба мамлакатимизнинг олий минбаридан янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай деди:

«...2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб давларида, маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улғу аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади.

Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади».

Ҳали бу ҳақда қўллаб олиму таҳлилчилар ўз фикрларини айтидилар, албатта. Биз мазкур ҳаракатнинг қарвонбошиси хусусида фикр юритмоқчимизки, унинг фаолияти жадидчиликнинг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Туркистонда чор Россияси босқинидан сўнг Самарқанд мадрасаларида толиби илмларга таҳсил бериб келган мударрислар ва уларнинг оила аъзолари Зарафшон дарёси ирмоғи ҳисобланган Сиеб ва Даргом каналлари бўйларидаги вақф ерларга кўчирилади.

Маҳмудхўжа шу воқеадан 10 йил кейин, яъни 1875 йил 19 январда мударрис, айни пайтда имом-хатиб Беҳбудхўжа Солиххўжа ўғли кўчиб ўтган Зарафшон дарёси яқинидаги Бахшитепа қишлоғида туғилади.

Унинг ёшлиғи юрт қайғуси безовта қилган зиёли оила, қариндош-уруғ қуршовида ўтади. Олти ёшида катта тоғаси Мухаммад Сиддик қўлида хат-саводини чиқаради, ўн ёшида отаси бошчилигида Қуръонни ёд олади. Ана шу давр ҳақида Беҳбудийнинг шогирди Ҳожи Муин мақоласидан кичик парча ўқиймиз: «Беҳбудий афанди Қуръонни бутун ёдлади ва рамазон кечаларида хатмларга ўтуб юрди... уч кечалик бир хатмда ёлғуз биргина хато қилган, дерлар. Бу эса унинг қувваи ҳофизаси на даражада эканлигини кўрсатади» (Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Беҳбудий // «Учқун» журнали, 1923 йил, 1-сон).

Маҳмудхўжа қорилик билан қаноатланмайди, 15 ёшида тоғаси муфти мулла Одил қўлида арабий сарфу наҳдан «Косфия» ва «Шарҳи мулло»ни, мантиқдан «Шамсия»ни, фикҳдан «Мухтасар ул-виқоя»ни, ҳисоб илмини ўрганади. Кейинроқ Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий иш фаолиятини мирзоликдан бошлаган. Ўқиб-ўрганишга бўлган иқтидори туфайли ўз даврининг юксак эътиборли лавозими — муфтилик рутбасига эришади. Бундай лавозим соҳибини ўз фаолияти давомида халқнинг барча қатлами вакиллари билан мулоқотда бўлади, демакки, кичик масалалардан йирик муаммоларгача дуч келади, уларни қийинлаш, хулоса чиқариш ва туғунларнинг ечими нимада эканлиги тўғрисида фикрлаш имконига эга эди.

Ваколатли шахс сифатида Беҳбудий «Туркистон вилоятининг газети» («ТВГ»)ни ўқиб боради. Беҳбудийнинг ўзи эса дунёқараши кенгайишида Чор Россияси ҳудудида жадидчилик ҳаракатига асос солган машҳур маърифатпарвар Исмоилбек Гаспрали муҳаррирлигида чоп этилган «Таржимон» газетасининг ўрни алоҳида эканлини кўп бор таъкидлаган. Бу икки газетани ўқиб, қийинлаш, маккор миссионер Н.Остроумов муҳаррирлигидаги «ТВГ»нинг Ҳожи Муин тили билан айтганда «мусулмонларни ағдол этиш мақсади билан ёзатургон сўзларини тушуна бошлайди ва ўзига учрагон ёру дўстларини мустаҳаб ҳукуматнинг бузуқ мақсадидан огоҳлантуради» (ўша манба).

1899 йили у ҳаж сафарига отланади. «1318 санаи ҳижрияси тавофи Байтуллога Кафказ йўли ила Истанбул ва Миср ал-Қоҳира воситасида бориб эдим. Муддати сафарим саккиз ойдан зиёда чўзилуб эди» (Маҳмудхўжа Беҳбудий. Қасди сафар // «Ойина» журнали, 1914 йил, 31-сон).

Тадқиқотчилар Беҳбудийнинг сафарига уч яшар тўнғич ўғлининг нобуд бўлганини сабаб қилиб кўрсатадилар. Аслида, унинг сафарига бошқа сабаблар ҳам мавжуд эди. Аввало, 1898 йили Андижондаги Дуқчи эшон кўзголуни оқибати Маҳмудхўжани чуқур қайғуга ботиради. Беҳбудий вужудга келган аҳволни ҳар томонлама таҳлил этади, махсус тайёргарликсиз тиш-тирноғигача қуролланган зулмкор қўлидан ўттиз йил давомида ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан оч-наҳор қулга айлантирилган оломон билан озодликка чиқиш мумкин эмаслигини англаб этади. Европанинг исқанжасида қолган бошқа Шарқ давлатлари аҳолидан хабардор бўлиш, уларнинг озодлик йўлидаги ҳаракатларини ўрганиш ва табиийки, ҳажда Оллоҳдан ўз халқига ҳуррият сўраш сафарининг асосий сабаби эди.

Биз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳалок бўлгани эълон қилинган илк мақолалардан фикримизга асос топдик: «1318-санаи ҳижрияда Ҳижозга сафар қилуб, Истанбул ва Арабистонни зиёрат ва ҳаж ислонми адо қилғон. Ҳижоз сафари Маҳмудхўжага кўб билмай-тургон нарсаларини ўргатган, кўб ибратлар олғон. Бориш-келишда ҳар синф кишилар билан кўрушган ва фикр олишган. Маҳмудхўжа Ҳижоз сафаридан сўнгра гўё дунёга янги келгандек бўлуб, Туркистоннинг илмий ва ижтимоий ишларига бошқа кўз, бошқа бир ўлчак билан қарағон» (Садриддин Айний. «Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаётларининг қисқача таржimai ҳоли», «Меҳнатқашлар товури» газетаси, 1920 йил 8 апрел).

«Дунёга янги келгандек» ўхшатиши ҳар бир ҳожиға муносиб кўрилиши мумкин, бироқ «Туркистоннинг илмий ва ижтимоий ишларига бошқа кўз, бошқа бир ўлчак билан қарағон»ини барчага бирдек қўллаб бўлмаслиги кундек аён.

**Б**еҳбудий қайтишда Миср ва Истанбулдан турли газеталар, янги китоблар олиб келади ва уч йил мутолаа билан машғул бўлади. Ҳамфикрлари Ҳожи Бақо, Ҳўқандбой Абдуҳолик ўғли ҳамда Бадриддин соатчи билан суҳбатда баҳслар уюштириб, фикр алмашгани сафдошлари хотираларида муҳрланган. Тадқиқотчилар эътибор бермаган бу фурсатда Беҳбудий озодлик учун кураш йўлларини қидирди. Дунё тарихини, ўз ўтмишимизнинг энг ёрқин саҳифаларини

варақлади. Боболаримизнинг дунё илми, маданиятига қўшган ҳиссасидан, улар қуриб кетган мадрасаю миноралардан ҳайратланди. Ўз даврининг ҳам диний, ҳам дунёвий илмларини пухта ўрганди. Шу билан бирга Амир Темур қурган салтанат таназзулини таҳлил қилди. Дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, жумладан, урушлар ва уларнинг сабаби, моҳиятини миллат манфаати нуқтаи назаридан тафаккур чигиригидан ўтказди. Ана шу мутлола, баҳслар, фикр алмашувур натижасида ҳузослар қайриб, Туркистонни ОЗОДЛИК-ка элтвучи йўл лойиҳаларини чизиб қикди.

**А**ввало, ёш авлодга тез фурсатда савод ўргатиб, буюк боболарини танитиб, шу билан бирга, юрт таназзули сабабини тушунтириб, тараққиёт йўлларини кўрсатиш мақсадида 1903 йили ишни Самарқанд шаҳри яқинидаги Ҳалвоий ва Ражабамин қишлоқларида илгор мактаблар ташкил этишдан бошлади. Янги мактаблар учун «Рисолаи асбоби савод» (1904), «Рисолаи жуғрофияи умроний» (1905), «Рисолаи жуғрофияи Русий» (1905), «Мунтахаби жуғрофияи умумий» (1906), «Китобат ул-атфол» (1908), «Амалиёти ислом» (1908), «Тарихи ислом» (1909) китобларини ёзиб, чоп эттиради. Шу билан бирга география ва тарих фанлари учун харита тайёрлаб, босмадан чиқаради. Масалан, дунёга машҳур боболар, улуг Туркистон таназзули, мустамлака моҳияти, хуррият гоёлари ҳақидаги фикрларини география дақрикларига жойлади.

Мустамлакачи газетасига мақола бериб, география бутун дунёда ўқитилишини исботлаб, китоблар чоп этишга цензураддан ижозат олди. Бехбудий ёзади: «3 минг санадан бери йилдан йилга ривож топиб бир неча асрдин бери ниҳоят мартабада тараққий қилиб, нафъ бўлиб, ҳатто ҳозирги санага болалар мактабига ҳам ушбу илмни муқаддимасидан бошлаб дарс берадурлар. Дунёда турғувчи одамни ал-фунунларига ўқиладургон мўътабар ва кераклик илм ва фунунларни(нг) бири ушбу жуғрофия илмидур» («ТВГ», 1905 йил 11 феврал).

Бехбудийнинг «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, илм ва фандан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур», деган қанотли фикри ҳам ана шу каби асарларида ёзилган. Ўзи ва миллат равнақини ўйлаган ҳомийлар маблаги эвзига «Бехбудия кутубхонаси»ни ташкил этгани ҳам тарихий ҳақиқат.

Бехбудий халқнинг кўзини очиб йўлда имконияти доирасида барча тадбирларни қўллаган. Адабиёт энг кудратли куч эканлигини таъкидлаб, биринчи бўлиб ҳикоятчиликка («Оқ елпоғичли чинли хотун» «ТВГ», 1909 йил, 12-сон), кейин драматургия йўналишини («Падарқуш» пьесаси) бошлаб берди ва уларнинг аҳамиятини тушунтирди: «Ҳикоят ва ёинки насихат китобларинда баъзи бир ҳодиса баён қилингандурки, ўқуб, асарланиб (таъсирланиб – Ҳ.С.), лаззат олинадур. Аммо теётрга махсус бир ҳодиса ва ё воқеа ва ҳикоятни феълан қилиб кўрсатиладурки, мунинг таъсири эшиткандан зиёдадур» (Маҳмудхўжа Бехбудий. «Теётр надур» «Ойна» журналы, 1914 йил 29-сон).

Унинг ҳикоясида озодликка шаъма, пьесасида эса мол-дунё, ҳоқимият васвасасида қатл этилган Мирзо Улуғбек билан боғлиқ отақушлиқ фожиасидан бошланган Туркистон таназзулига ишора бор эди.

Матбуот ҳам халқни ўйғотадиган воситалардан бири. Жарида ва мажалгалар миллатни тараққий эттирувчи башарият ихтиросидир, деган эди Бехбудий. Яна бир улуг маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Элу халқнинг кўзини очишга боис бўлди» деган эътирофи Бехбудий қийинчилик билан ташкил этган «Самарқанд» газетасига тегишли. «Ойна» халқни ўйғотиш... учун яшиғина хидмат этди», деган фикр Бехбудийнинг шогирди Ҳожи Муинга мансуб. Бу нашрлар саҳифалари даврнинг янгича яшашга иштиёқманд, озодлик орсусида зиёлилар учун фикр айтиш майдонига айланади. Мунавварқори Абдурашидхонов, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Саидризо Ализода, Тавалло, Сиддиқий-Ажзий, Ҳожи Муин, Айини сингари кўплаб ижодкорлар қаламлари шу нашрларда сайқал топди. Бехбудий ўзининг шижоати билан Туркистон ёшларига ўрнал қолди. Натижада Туркистон бўйлаб янги усулдаги мактаблар очила бошланди, дарсликлар ёзилди, адабиёт ривожланди, театрлар ташкил этилди...

Мустамлака давлат императори Николай Романов 1917 йил

февралда тахтдан туширилди. Муваққат ҳукумат тузилиб, Россия сиёсатчиларини бирлаштирган партиялар ҳоқимият учун курашга киришди. Бу тарихий лаҳзаларни Туркистон жадидлари хуррият насимлари сифатида қабул қилдилар. «Худойи таоло бизга хуррият берди. Диний ва миллий ислохот ва тараққийимиз учун ҳаракат ва сайъ этмоқга йўл очикдур» (Маҳмудхўжа Бехбудий. «Мухтарам Самарқандийларга холисона арз» «Хуррият» газетаси, 1917 йил 13 май). У хуррият неъматидан унумли фойдаланиш зарурлигини, «қадима иғво ва фасодни» унутиб, бирлашиб ҳаракат қилмоқ лозимлигини мунтазам даъват этиб турди. Муваққат ҳукумат даврида вақтинчалик хурриятга эришган халқни пароканда қилишга бўлган фитналар ва унинг келажақдаги фожиаларидан огоҳ этиб, юқорида таъкидланган, шунингдек, «Иттифоқ керак», «Баёни ҳақиқат», «Қозоқ қариндошларимизга очик хат» каби мақолаларини ёзди, сиёсий ишларда иштирок этиб, барчани бирлашишга чорлади. Сиёсий бошқарувга парламент институтини киритишни тавсия қилди.

**Б**ольшевиклар шу йилнинг октябрь ойида қонли инкнлобни амалга оширди. Бехбудий 1906 йилдан буён бу партия гоёясига қарши курашиб келарди. Фурсат ганимат эди. Туркистон мухторияти эълон қилинди. Бу ҳақдаги биринчи «Туркистон мухторияти» сарлавҳали таъсирли мақола ҳам Бехбудий қаламига тааллуқли: «27 ноябрда Ҳўқандда Туркистон мухторияти Умумий мусулмон сиезидида эълон қилинди. Муборак ва хайрли бўлсун! Камина ҳам мажлисда бўлиш учун ифтихор этаман. Яшасун, Туркистон мухторияти!» («Хуррият» газетаси, 1917 йил 19 декабр).

«Баъзи тадқиқотчилар таъбирича, Бехбудий фақат мақоланавислик билан шуғулланмаган. У эҳтиёж пайдо бўлганда қўлига қалам олиб, матбуотдан фойдаланган. Қуйидаги кўчирмага эътибор беринг:

«...1917 йилнинг 26-29 ноябрида Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонлари қурултойи қақирилди. Қурултой ўтказиш учун бошланган жой тасодифий эмасди. Бундан анча илгари, 1917 йил март ойида Тошкентда Туркистон мусулмонлари қурултойи ўтказилиб, Туркистон мусулмонлари шўроси миллий марказини сайлаган эди. Унга Ўрта Осиёнинг ҳамма минтақаларидан вакиллар кирганди. Ўша пайтда Туркистон ўлкасининг кўзга қўринган сиёсий арбоблари Маҳмуд Бехбудий, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Носирхон Тўра, Мухаммад Тинишбоев, Ўроз Сардорлар миллий марказда эдилар» (Иброҳим Карим. «Мадамминбек». Т.: «Ёзувчи», 1993).

Юқоридаги парчадан Бехбудий сиёсий ишларга маъсул миллий марказнинг асосида турганлиги англашилди.

Бехбудий халқ сайлаган вакиллар томонидан эълон қилинган мухторият бошқалар томонидан тан олинади, бутун миллат бирлашиб ҳимояланса, қон тўкилмайди, дея ишонган эди. Бу фикрга бошқаларни ҳам ишонтиришга ҳаракат қилди. «...Шундоқ билмоқ керакики, бутун Туркистон халқи иттифоқ этса, қон тўкилмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмай қолур. Дин ҳам ривож топур. Минг қарра доду бедодлик ихтилоф этмоқ учун иттифоқ этганимиз ва ихтилофимиз сабаби ила бадбахликка дучор бўлуримиз. Бутун Туркистон иттифоқ этса, 15 миллийунлик бир қувват уммонга келурки, шунга ер титрайду. Агар сўзумни фаҳмлатолган бўлсам, ўзимни бахтли ҳисоблардим» (Маҳмудхўжа Бехбудий. «Туркистон мухторияти» «Хуррият» газетаси, 1917 йил 22 декабр).

(давоми 21-бетда)

# Маҳмуджон ТОЖИБОЕВ: МАҚОМНИ қалб кўзи билан кўриб, гулдан тинглаш лозил

*Муסיқа тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Инсон оҳанг тинглаб, яъни, она алласи билан кулоққа инган товушлар оғушида улғаяди. Ўзбекистон халқ ҳофиси Маҳмуджон ТОЖИБОЕВ миллий муסיқамиз, хусусан, мақомни чуқур идрок этадиган, тарихи, моҳиятини яхши биладиган ҳофиз-мутахассис.*

– Маҳмуджон ака, аввало, мақом ҳақида тўлиқроқ тушунча берсангиз. Мақом ўзи нима? Бу сўзнинг луғавий маъноси қандай?

– Мақом сўзининг илдизи муқим сўзи билан ўзақдош. Яъни, ўзгармас, мустаҳкам сақланиб туради. Мақом азимут бўйича кўтарилиш нуқтаси демаяқдир. Масалан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу билан ўзбек тилининг даражаси ошди, кўтарилди. Баланд нуқтага кўтарилиш мақомотни билдиради. Мақомнинг томири тасаввуфга боради. Тасаввуф тариқатида мақомот, сўфийлик мақомотида пирлар мақоми бўлган.

*Маҳмуджон Тожибоев 1957 йил Фарғонанинг Қува туманида, деҳқон оиласида дунёга келган. Она томондан бобоси Даврон ота ўз даврининг етук ҳофиси саналган. Ёш Маҳмуджон бувааси ижросидаги танбур оҳангини тинглаб вояга етган. Зеро, келажакда бобоси изидан бориб, маҳшур ижрочи бўлиб танлишида ҳам наслдан ўтган муסיқий лаёқат, санъатга нисбатан меҳрининг таъсири борлиги шубҳасиз. Маҳмуджон Тожибоев мақом ижрочилиги бўйича Ўзбекистон давлат консерваториясида таҳсил олиб юрган кезларидаёқ профессионал маҳоратни эгаллаб борди.*

– «Рашаҳот» деган китобда мақомотлар кетма-кетлиги ёзиб чиқилган. Бунинг муסיқамизга нима алоқаси бор, деган савол туғилади. Товушнинг паст-баландлиги пардалар билан ўлчанади.

Пардани тўғри келган жойидан бошлаш мумкин эмас, муайян пардалар бор. Масалан, «Бузруг» мақоми «Ре» дан бошланади. Агар бошқа пардадан бошланса, «Бузруг» чиқмайди. Мақом мукамал тартибга асосланган санъат. Муסיқани тушунмаган одамга ҳам исталган жойдан бошлаб қалиб беринг, камчилигини сезади. Шунинг учун қатъий тартиб жорий қилинган. Ун икки мақом тизими шу тахлит тартибга солинган. Ун икки мақом, олти овоз, йигирма тўрт шўъба. Бу илмни ўрганиш учун тасаввуф адабиёти, форс ва араб тилларини ҳам ўрганиш мақсада мувофиқ.

*Мақомот оламнинг ичига кира олган, таркиб ва тартиблари, шакл-шамойилини чуқур эгаллаган Маҳмуджон ака адабиёт ва газалиётни ҳам яхши идрок этади. Ҳофиз, Навоий, Бедил, Фуззулий, Бобур асарларини яхши тушунадиган ижодкор. Матни хоҳ арабий, хоҳ форсий ёки туркийда бўлсин, ашулани тингловчига таҳлил қилиб бера олади. Булар устознинг юксак муסיқа илmidан, айниқса, мумтоз адабиёт қонуниятини ва адабий меросни кунт билан ўзлаштирганидан далолат.*

– Маҳмуджон ака, Сиз ун икки мақом ҳақида гапирдингиз. Қандай қилиб «Шашмақом», яъни, олти мақом пайдо бўлган?

– Форобийдан кейин уч юз йилча мақом унутилган, ривожланмаган, ҳос адабиёт намуналари камайиб кетган. XVI-XVII асрга келиб, Нажмиддин Кавкабий олти мақомни жамлайди. Шундан буён олти мақом

тарзида ўрганилади-ю, барибир ун икки мақом унсурлари билан бирга тадқиқ қилинади. Эътибор қилинг, мақом – оҳанг, газал – оҳанг. Рух оҳангга мойил. Бу ген орқали ўтиб келаётган жавохиротни уйғотади. Бу оҳанг илдизиди поклик, диёнат, ҳалоллик ва муҳаббат бор. Шу хислатлар мавжуд қалбга мақом оҳанги кириб боради ва ўрнашади. Ёзма манбалар бўлмаган даврларда одамлар муסיқани эшитиш ва ёдда сақлаш қобилияти орқали авлоддан авлодга ўтказиб, сақлаб келишган. Куй руҳият туфайли сақлаб келинган. Рухнинг истаги куйларга дарж қилинган.

– Бугунги техника тараққиёти мақомга қандай таъсир қилаётир?

– Дунёда кўп нарса ўзгаришга мойил, вақт ва тараққиёт таъсирига тобе. Қадимий минораларни-чи, замонавий кўринишга олиб келиб бўладими? Мақом ҳам мисоли улкан, бетакрор иморат. Мақомни таҳрир қилиш мумкин эмас, борича асраш ва авлодларга етказиш керак. Кейинги пайтларда мумтоз куйларни ўзгартириш, янги асбоблар жўрлигида куйлаш ҳолатлари учраётти. Бу жараёнда мақомнинг бузилишидан эҳтиёт бўлмоқ лозим. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мақом санъатимизга бўлган юксак эътиборни ифодаловчи тарихий ҳужжат бўлди. Қарорга асосан, 2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабзда ҳар икки йилда Халқаро мақом санъати анжумани ўтказила бошланди. 2018 йил 6-10 сентябрь кунлари илк анжуман кўтаринки руҳда ташкил этилди. Миллий мақом санъати маркази иш бошлади. Буларнинг барчаси ёшларни миллий санъатимиз жавохирлари билан танитиш, миллий муסיқамизни тарғиб

қилиш учун кенг йўл очди. Истеъдодли ёшларни кашф этиш мақсадида вилоятларда юриб, мақом ансамбллари ташкил қилдик. Ёшларнинг миллий санъатимизга иштиёқини кўриб, жуда қувондик. Давлатимиз раҳбари узоқни кўра оладиган доно сиёсатчи эканига яна бир бор тан бердик.

*Ҳофизнинг бу гаплари муболага эмас. У ёш истеъдодларни излаб, ойлаб уйига келмади. Битта бўлса ҳам истеъдод кашф қилса, мақомга иштиёқ бор ёшларни топса, боладек қувонди. Ҳали тадқиқотини кутиб турган гоъялар шу ёшлардан чиқишини истайди.*

– Глобаллашувнинг яхши томонлари кўп. Барча техник имкониятлардан самарали фойдаланиш керак. Ёмонини четга суриб қўясиз, холос. Мана шу ёмон тарафининг чанг-ғубори кириб келмаслиги учун болалар қалбига санъатни, асл санъат дурдоналарини синдириш давр талаби. Мақом нафақат санъатда, мумтоз адабиётта, бой ва бетакрор тарихимизга ҳам қизиқиш уйғотади.

– Шаҳрисабзда илк бор Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилди. Жараёнда иштирок этдингиз. Таассуротларингизни гапириб беринг.

– Анжуман 2018 йил сентябрда ўтган бўлса-да, мен кунни кеча ўтгандек, ҳамон ўша кунлар завқи билан яшайман. Ўша нуфузли тадбирда миллий мумтоз санъатимиз жозибаси намоён бўлди. «Мақом муסיқа



санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда маҳаллий ва хорижий мусикашунослар, олимлар, хонанда ва созандалар ўзаро фикр алмашди. Шахрисабзга келган юртдошларимиз ҳам, хорижликлар ҳам лол қолди. Мақомга ўрнатилган ҳайкал бўлди бу анжуман. Сабаби, мақом уммонида дурлар териш, шу уммонга чуқурроқ кириб бориш учун кенг имконият яратилди. Насиб этса, бу йил иккинчи анжуман бўлиб ўтади. Энди иштирокчилар географияси ҳам, сони ҳам ортиши шубҳасиз. Мақом жуда кўп мамлакатларда бор. Эътибор қилинг, ҳали мақом санъатини ривожлантириш бўйича бирор давлат раҳбарининг қарори чиқмаган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бошқа барча соҳалар қатори санъат соҳасига эътибори бизнинг умдимизни янада мустаҳкамлади. Баъзида ўйлаб қоламан, Оллоҳга мақбул нарса йўқолиб-ийтиб кетмас экан. У ўзгармай, бузилмай яшайверар экан. Ахир, мақом имонга, инсофга чорлаб турмайдики! Исломо оламида бу жуда муҳим. Шунинг учун мақом яшаб келмоқда, бундан кейин ҳам яшайди. Мусиқа инсонни буза бошласа, демак, у макруҳ. Манбаларнинг далолат беришича, қадим замонлардан бери табиблар беморларни даволашда мусиқа ва қўшиқдан кенг фойдаланган. Пифагор ва Арасту ҳам мусиқанинг шифобахш таъсири бошқа даволаш воситаларига қараганда кучлироқ эканини айтган. Улуғ ватандошимиз Ибн Сино мусиқага оид бешта асар яратган. Афсуски, унинг биргина «Жавомеъ илм ал-мусиқий» («Мусиқа билимига оид тўплам») асари бизгача етиб келган. Олим шу асарда товушнинг сезги органларига таъсири, ёқимли ва ёқимсиз жиҳатлари, товушни эшитганда лаззатланиш ё нафратланиш ҳисси пайдо бўлиши ҳақида ёзиб қолдирган.

**Маҳмуджон Тожибоев кўлга танбур олиб, устозлари Орифхон Ҳотамов, Очилхон Отахонов изидан бориб, халқ эътиборига туша бошлади. У пайтлар ёшлар орасида танбур чалиб, ашула айтуш камёб ҳодиса эди. Тинловчилар томонидан чиройли ижрога ҳамоҳанг танбур ноласи самимий қабул қилинади. Буғун Маҳмуджон ака Ўзбекистон давлат консерваториясида талабаларга устозлар анъаналарини асл ҳолича ўргатиб келмоқда.**

**– Замонавий ғазалларни ҳам мақом мусиқаларига солиш мумкинми?**

– Мақом мусиқаларининг маълум шўбалари бор. Шўбаларни мукамал билган, арузни тушунган одамгина мос қилиши мумкин. Барибир, даражотда Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуглар ижодига яқинлашиш керак. Чустий ғазаллари мақом йўналишида қуйланган. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Навоийнинг «Айлагач» радиопли ғазалига мухаммас ёзган, шу ашула ҳам куйга солинган. Замонавий ғазалларнинг вазни, савияси ва салмоғи мақомга тушса, қўшиқ қилса бўлади. Бир куни Эркин Воҳидовнинг уйига борсам, ижодхонасида китоб мутолаа қилиб ўтирган экан. Кўзлари нам. Сабабини билсам, Фузулий ғазалидан таъсирланиб, унсиз йиғлаётган экан. Байтнинг мазмуни шундай эди: «Эй Фузулий, кўз ёш қилма, улуглар оёғи чангидан кипригингга инган гардлар ювилиб кетмасин!» Шоиримизни йиғлатган маънони қаранг. Ғазалнинг мақоми баланб бўлса, мақомга тушади!

**Маҳмуджон Тожибоев тийрак, зукко суҳбатдош. Унинг гапларига тўймайди киши. Суҳбат асосида куй чалди, қўшиқ айтди. Танбурни кўлга олиб, пардаларини кўрсатади. Хуллас, бирини суҳбатда мақом ҳақида анча тасаввурга эга бўлди. Бу устознинг ҳар бир дарси талабалар учун катта мактаб бўлаётганидан далолат.**

– Бизнинг олдимизда кўп вазифалар турибди. Шундай қилишимиз керакки, одамлар асл санъатни ола-тасирдан ажрата олсин, тўй ва базмларда мақомни мириқиб тинглайдиган бўлсин. Шу кунларда тўй масаласи кун тартибига чиққан. Тўйлар кўз-кўзлаш мақсадинан чекиниб, маънавий завқ оладиган тadbирга айланишини истардик. «Муножот», «Чўли ироқ»ни тинглаган одам таъби шовқин-сурон, бақир-чақирни тортмай қолади. Кўнгил мулки – Мақомни қалб кўзи билан кўриб, дил-дилдан тинглаш даркор. Биз қилаётган ишлар бу йўлда бир ҳаракат, холос.

Манзура ТИНИБЕКОВА

# МАҲМУДУҲЖА БЕҲБУДИЙ

(Бошланиши 18-19-бетларда)

**А**фсуски, 1918 йилнинг февралда Туркистон мухториятини қонхўр большевиклар топтаб ташлади...

Беҳбудий Қўқондаги хунрезликлардан тушкунликка тушса-да, миллат манфаати йўлида тинмай хизмат қилади. Расмий вази-фаларда, жумладан, Самарқанд Мусулмон шўъроси томонидан Самарқанд маориф комиссарлигига сайланганда ҳам жонбозлик кўрсатади. 1918 йилдаги қийин очарчилик давридан ўтиш учун югур-югур қилиб, таниш сиёсатдонлар билан келишиб, Ҳиндистондан арзон нархда галла келтиришга муваффақ бўлади.

Мусулмон маориф қурултойи Беҳбудийдан Бутунтуркистон маориф комиссарлигини, бугунги тил билан айтганда, маориф вазирилигини қабул қилишини сўрайди. Большевиклар ундан қутулиш учун уни 1918 йилда Шўро ҳукумати номидан Афғонистонга элчи қилиб юбориш ҳаракатига тушади. Беҳбудий бу сиёсий ўйинни англаб, эътироз билдиради, албатта.

Буларнинг барчаси ўз даврида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Туркистон сиёсий доирасида муносиб ўринга эга арбоб бўлганини кўрсатадиган бекиёс далиллардир.

Унинг умид билан ишлаши 1919 йил мартгача давом этди. Март ойда эса... Туркистондаги аҳволни «тартибга солиш» учун большевиклар ҳукумати М.Фрунзе қўмондонлигида Туркистон фронтини ташкил қилади. Халқ бой ва камбағалларга ажратилади. «Босмачи» ёрлиғи ишга тушади. Ташвиқот ишлари ҳам кенг йўлга қўйилади. Зукко Беҳбудий ҳаммасини тушуниб етганди...

У худосиз жамият қуришни мақсад қилган, беғуноҳларнинг қонини аёвсиз тўккан, аҳоли мулкани тортиб олган «болшавойлар» зулмидан халқини озод этиш йўлидаги навбатдаги ҳаракати вақтида Қаршида фитнес қурбони бўлди. Бу ҳақда матбуотда кўп чиқишлар бўлди, лекин унинг ўлими тафсилоти ва қабри ноаниқлигича қолмоқда.

Маҳмудхўжа Беҳбудий феномени юртни озодликка олиб чиқадиган авлодни тарбиялаш мақсадида шахсий мол-мулкани тиккани, мактабу кутубхона қуриб, дарсликлар яратиш, муаллимлик қилгани, жадид адабиётга йўналиш бергани, газета-журнал чиқаргани, вақти келганда, ҳуррият учун ҳасорат билан курашгани, бу муқаддас маслак йўлида қўрқмасдан жонини қурбон қилганидир.

**У**нинг номини абадийлаштириш учун таклифларимиз бор. Аввало, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг фаолиятига сиёсат ва жамоат арбоби сифатида баҳо берилиши, Фитрат, Чўлпон, Қодирий каби тақдирланишини истардик. Беҳбудий вафотидан кейин большевиклар тортиб олган «Решетников-7-уй», яъни, «Самарқанд» газетаси, «Ойна» журнали тахририятлари биноси жадидлар тарихи музейига айлантирилса ҳақиқат тикланарди. Тошкентда матбуот соҳасида, Самарқандда сиёсий-ижтимоий фанларга, Қаршида адабиётга ихтисослашган Беҳбудий ижодий мактаблари ташкил этилса, олий ўқув юртларидан бирига номи берилса, унинг сиймоси ёшлар қалбига муҳрланарди. Самарқанд вилояти ҳокимлиги муассаслигидаги «Зарафшон» газетасининг асосчиси ва биринчи муҳаррири сифатида Маҳмудхўжа Беҳбудий таъқидланса, кутубхоналардан бири «Беҳбудия кутубхонаси» номи билан аталса, янги қурилаётган кўчаларга номи қўйилса, нур устига нур, улуг бобомизнинг руҳи шод бўларди.

Ҳалим САЙДОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент

# ХОРАЗМ ҲАЙРАТЛАРИ

Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий...

Улкан ижодий мерос соҳиби ва безанир шахс бўлган бу инсон ҳақида ўйлаганимда, давтавал унинг мазкур байти ёдимга тушади:

**Огаҳий, ким топғай эрди сози  
назмингдин наво,  
Баҳра гар йўқдир Навоийнинг  
навосидин санго.**

Ўз ижодий муваффақиятини бош сабаби улўф Навоийдан баҳра олганликда, унга эргашганликда, дея эътироф этади шоир. 18000 мисрадан иборат ўзбек мумтоз шеърининг 22 жанрини ўз ичига қамраб олган «Таъвий ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») номли девони, Хива хонлиги тарихига оид қатор тарихий асарларини ўқиган киши Огаҳий бир умр малик-ул калом ҳисобланмиш Устозига эътироф, ихлос-эътиқодда содиқ қолганига амин бўлади.

Огаҳий жуда мураккаб, ягона Туркистон парчаланиб, ўз мавқеини йўқотган, боз устига ўзаро қиргин, низолаб авж олган бир даврда яшади. Ушанда бошқа ҳудудлар каби Хива ҳам Чор Русияга вассалига айланган, шоир бундан қаттиқ қайғурарди. Бинобарин, у барча қалби уйғоқ зотлар каби нажотни илмда билар, ўз асарларида ана шу гоёни тарғиб этарди.

**Илм андоқ ганжи нофеъдур бани  
одамгаким,  
Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод  
анго.  
Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи  
жаҳл ила,  
Ики олам обрўйи бўлғуси барбод анго.**

Огаҳий бу билан кифояланиб қолмасдан, хонларга бағишлаб ёзган қасидаларида мактоғ сўзлардан тийилиб, уларга йўл-йўриқ тарзидаги насиҳат-ўғитларини изҳор қиларди. Масалан, Муҳаммад Раҳим II – Ферузга бағишланган «Қасидаи насиҳат» номли маснавий жанрида ёзган асарига мамлакат ва халқни адолат билан идора этиш йўлларини белгилаб берган. У ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун ижобий фазилатлар соҳиби, чунончи, ҳимматли, шижоатли, адолатли, ғайратли, саховатли, ҳаёли, соф ниёти, маданиятли, ҳамиятли, камбағалпарвар бўлиши зарур, деган. Ва бу насиҳатлар бекор кетмагани, яъни Феруз даврида хонликда маданий-маърифий ишлар ривож топгани тарихдан маълум.

Алишер Навоийнинг «Хамса»сида:

**Эрусан шоҳ, агар огоҳсен сен,  
Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен...**

деган машҳур мисралар келганини яхши би-

ламиз. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам Устозига эргашиши фарз деб ҳисоблаган Огаҳий:

**Мулку миллатга амин ўлса агар  
огоҳлар,  
Икки олам обрўйин ҳосил эткай  
шоҳлар...**

дея мамлакат эгаларини огоҳликка даъват этади.

Огаҳийнинг эл-улус олдидаги буюк хизматларидан яна бири Хоразмда таржима мактабига асос солгандир. Огаҳий шарофати билан салкам минг йил аввал яратилган (1082-1083) «Қобуснома» (Кайковус асари) туркий халқлар маънавий мулкига айланган, Саъдий Шерозийнинг «Гулстон», Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» каби бадиий, тарихий, ахлоқий, фалсафий асарларини ҳам ўзбек улуси ўз она тилида ўқишга муяссар бўлган. Демакки, у таржимонлик фаолияти билан ҳам ўз халқи маънавий савиясини кўтаришга, дунёқарашини кенгайтиришга ҳисса қўшди. Тарихчи сифатидаги хизматларига қайтадиган бўлсак... Огаҳий ўзининг «Салтанат боғлари», «Тарихлар қаймоғи», «Султонлик воқеаларини жамловчи», «Давлат гулшани», «Иқбол гувоҳи» асарларида Хива хонлигининг 1813 йилдан 1873 йилгача бўлган даврини қаламга олади. Бу асарларнинг яна бир аҳамиятли томони нафақат ўзбек, балки хонлик ҳудудида истиқомат қилган туркман, қорақалпоқ, қozoқ қардошларимизнинг ҳам тарихи, маданияти ва ижтимоий ҳаёти тафсилотларини, Хива хонлигининг бошқа хонликлар билан ўзаро муносабатларига оид гоётда қимматли маълумотларни жамлаганидир. Академик В. Бартольд Огаҳийнинг тарихий асарларига «... воқеалар баён этилиши ва келтирилган далилий манбалар қўлпиги жиҳатидан бизгача етиб келган Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихига доир ҳамма асарларни орта қолдиради», дея юксак баҳо бергани бежиз бўлмаса керак...

\*\*\*

Бир гуруҳ ижодкорлар қатори Хоразм сафарига отланарканман, йўл буйи мана шундай ҳайратли туйғулар, уй-хаёллар оғушида бўлдим. Не бахтки, халқимиз тарихи, жумладан, адабиётимиз тарихи саҳифаларини ана шундай муаззам сиймолар зийнатлаб турибди.

Президентимиз ташаббуси билан Хоразмда Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллиги олдидан шоир хотирасини абадийлаштириш буйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Хива шаҳрида Огаҳий номида Ижод мактаби иш бошлади. Хоразмга қилган бу галги хизмат сафаримиз айнан ана шу хайрли тадбирлар билан боғлиқ бўлди. Мана,

музей шаҳар – табаррук Хива тупроғидамиз. Даставвал, Огаҳий мақбараси зиёратига отландик. Илгари ҳам бу ерга бир неча бор келганман. Ҳазрат зиёратидан руҳ олганман, дилим ёришган. Бу галги зиёрат эса бутунлай бошқача кечди. Зиёратгоҳни танимадим, ҳайратга тушдим, бўларкан-ку, дея хитоб қилгим келди. Бу ерга аввал атоқли шоир, Огаҳийнинг тоғаси, устози Мунис Хоразмий дафн этилган, кейинчалик ўзининг васиятига кўра, Муҳаммад Ризо ҳам шу ерга қўйилган экан. Қадрсизлик замонда харобага айланган даҳмалар мустақилликдан сўнг бир қадар мумтоз қилинган, мана энди чинакам зиёратгоҳга айланибди. Хоразмнинг икки забардаст фарзанди шарафига, уларнинг макомига муносив равишда мақбара тикланибди. Унга олиб борадиган йўллар раво, атроф боғ-роғ, гулзорга айланибди. Барчаси дилга равшанлик, шўқрона туйғулар бахш этгучи хайрли эврилишлар. «Келур бизни ҳам йўқлагувчи бир замон яхши» деган хоразмлик бошқа бир мумтоз шоир Аваз Ўтарнинг сатрлари ёдга тушади, беихтиёр. Ҳа, шундай замонлар келди...

Кейинги манзил – Огаҳий номидаги ижод мактаби. Бу ерда Огаҳийнинг янги нашрдан чиққан кўп томлик китоблари тақдими бўлди. Юбилей асосида Урганч давлат университетига «Огаҳий – шоир, муаррих ва таржимон» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция, вилоят музыкали драма театрида Қурбон Муҳаммадризо пьесаси асосида тайёрланган «Огаҳий» спектакли намойиши, «Назм ва наво» кечаси бўлиб ўтди. Тадбирларда иштирок этган АҚШ Мичиган университети профессори, адабиётшунос Темур Ҳўжа ўғли, Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари Ҳамидулла Болтабоев, Шахло Ҳожиева, Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари Ҳамдам Абдуллаев, Дилшод Ғойипов, Абдулла Ўрозбоев, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессорлари Нусратилло Жумахўжа, Нурбой Жаббор каби олимлар ва бошқа адабиётшуносларнинг илмий маърузалари нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида Огаҳий ижодини чуқур ўрганиш борасида ўзига хос ёрқин изланишлар олиб борилаётганини намён этди.

Тадбир режасига кўра, Огаҳий номидаги ижод мактаби ва шоир уй-музейида бўлди. Она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат – Ижод мактаби Дишон қалъада, Огаҳийнинг болалик йиллари кечган Қиёт қишлоғида жойлашган. Икки қаватли бино замонавий ва шарқ меъморчилиги анъаналари уйғунлигида барпо қилинган. Бир қарашда қадим мадрасаларни ёдингизга солади.

(давоми 24-бетда)



# Ҷаҳми



## ОШИҚ ЎЛМИШ

Кўзимки бир гўзалга нигорон ошиқ ўлмиш,  
Малакидурур париға муҳибб масодик ўлмиш.

Бу ажабки бир париға бўлуб ул иков гирифтор,  
Бири ул сифатки Мажнун, бири мисли Вомиқ ўлмиш.

Боқибон муҳаббат ила бири-бирининг юзига,  
Куюшу қамарға ўхшаб туну кун мутобиқ ўлмиш.

Биридур ниҳол сарву, бири шохи ишқ бежон,  
Бири чирмошиб бирига икови муониқ ўлмиш.

Бу кучиб онинг белини, ул ўлуб мунинг тилини,  
Икови сурарга ишрат на ажа мувофиқ ўлмиш.

Топиб имтизож иковлан шакар ила шир янглиг,  
Ҳаз эт, эй кўнгул, олонринг бу иши на лойиқ ўлмиш.

Қачон Огаҳий кўрубдур киши буйла базм сандек,  
Магар ушбу кеча ёвар санга лутфи холиқ ўлмиш.

## ЭЙ ШҶХ, ҚАРО БАЛО КЎЗИНГ

Ваҳ, не бало қародур, эй шўх, қаро бало кўзинг,  
Гар худ эмас қаро бало, бас не бало қаро кўзинг.

Гар қаро кун бошим уза ишқ солмоқ истамас,  
Бас не учун қилибдур мунча қаро худо кўзинг.

Гоҳ итоб этиб, гаҳи ноз қилиб қачонгача,  
Хаста кўнгулга қилгуси жавр била жафо кўзинг.

Кирпикинг ўқини қошинг ёсидин отибон мудом,  
Қилгуси қасд нотавон жонима борҳо кўзинг.

Қиймоқ агар эмас эса мақсади сабр пардасин,  
Тийги мужаҳни тез этиб нега боқар қиё кўзинг.

Ваҳ, на илож этайки, бир ўгрин ишорат айлабон  
Ё қошинг ўлтурур мани ҳар нафас ичра, ё кўзинг.

Огаҳийга тараҳҳум этким, қарамай ниёзига,  
Ўлтурур они кўргузуб ноз била адо кўзинг.

## НАВРЎЗ БЎЛСУН

Илоҳи, ҳар кунинг наврўз бўлсун,  
Ҳамиша толеъинг феруз бўлсун,

Бўлуб айёми наврўзинг муборак,  
Замиринг инбисот андуз бўлсун.

Қилиб партав фиканлик айни адлинг,  
Қўёш осо жаҳон афруз бўлсун.

Санго дойим бўлуб давлат қуши ром,  
Шикор андозу даст омуз бўлсун.

Аду ваҳшиларини сайд этарга  
Ўқу тийгинг уқобу юз бўлсун.

Кишиким, истаса саркашлик этмак,  
Боши йўлингда онинг туз бўлсун.

Тараб меҳри ҳамиша пок кўнгулунг,  
Силеҳр авжида маркуз бўлсун.

Тарабоҳинг аро хайёти гардун,  
Канизу золи хильятдўз бўлсун.

Кўруб лутфинги ҳар тун Огаҳийнинг  
Насиби ишрати наврўз бўлсун.

## БИР САРВ ҚОМАТ КЎРМИШАМ

Дўстлар, букун ажаб бир сарв қомат кўрмишам,  
Сурати бошдин аёқ гарқи латофат кўрмишам.

Офтоб осо мунаввар талъати фархундасин  
Олам аро ахтари авжи саодат кўрмишам.

Юзларининг шаклини англаб гули гулзори лутф,  
Кўзларининг суратин айни иноят кўрмишам.

Жон физо ширин лабини топмишам оби ҳаёт,  
Рухпарвар нуқтасин дурри зарофат кўрмишам.

Қочса ҳушим тонг эмас кўргач қиёми қоматин –  
Ким, мани ҳайрон они қойим қиёмат кўрмишам.

Турғонин базм ичра илгин қовшуруб одоб била,  
Беқарору музтариб кўнгулмға роҳат кўрмишам.

Жон киби нозик белида фўтаи зар остида  
Беш қабзи тийгини жонимға офат кўрмишам.

Билгуси ҳар муддао хотир аро қилғоч хутур,  
Таъбиға махсус онинг фаҳму фаросат кўрмишам.

Кўрмадим монанд анго чобуклик ичра нечаким,  
Дилраболар жилвасин беҳадду гоъят кўрмишам.

Билмадим ҳолим не ерга ойд ўлғой оқибат –  
Ким, ўзим шавқида қўб бесабру тоқат кўрмишам.

Огаҳий, эмди манга ўлмақдин ўзга чора йўқ –  
Ким, бу кун жонимда дардин бениҳоят кўрмишам.

# ХОРАЗМ ҲАЙРАТЛАРИ

(бошланиши 22-бетда)

Ўзига хос ташқи безак усулларидан Самарқанду Бухоро, Шахрисабзу Хивадек улуғ шаҳарларни бунёд этган меъморларнинг нафаси келиб тургандек. Ҳа, усталар улардан чин маънода улгу олиб, ўзига хос меъморий ечим билан бунёд этишгани кўриниб турибди. Мактабга кираверишда Огаҳийнинг мухташам ҳайкали қад ростлаган, қўлида китоб, узоқ хаёлларга чўмган донишманд аллома. У бир замонлар элнинг саводхон бўлишини, китоб билан дўстлаштишини қанчалар орау қилган, китоб илм манбаи, илм эса «...Андоқ ганжи нофеъдур бани одамгаким, Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анго», дея тинимсиз бонг уриб юргувчи эмасмиди...

Илм даргоҳи замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Ҳар бир синф қайси фанга мўлжалланган бўлса, шунга мос жиҳозланган. Она тили ва адабиёти хонасига шоиру адиблар сурати осилиб, ҳикматли сўзлари битилган, кимё ва физика хоналарида дарс давомида тажриба ўтказиш учун зарур бўлаган жиҳозлар муҳайё. Кутубхона мактаб ўқувчиларининг энг сеvimли манзили, дейиш мумкин. Бу ерда толиблар ўзларига керакли ҳар қандай илмий ва бадий китобни топиши мумкин. Жавонлардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» жамоат фонди ҳомийлигида нашр этилган, шунингдек, бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан ҳаёда қилинган китоблар ўрин олган. Ўқувчилар учун компьютер хизмати йўлга қўйилганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

– Айна пайт ижод мактабида 120 истеъдодли ўқувчи таҳсил олмақда, уларга 17 нафар тажрибали педагог ўқитувчилар сабоқ беришга тир, – дейди мактаб раҳбари Сарвар Абдуллаев. – Улардан 4 нафари ижодкор ўқитувчи. Мактабда ёз ва қиш мавсумларига мослаб қурилган спорт зали мавжуд. Ўқувчилар бу ерда дарсдан бўш вақтда футбол, волейбол ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланишади. Юз ўринга мўлжалланган ошхона ва ётоқхона бор. Ётоқхонада ҳам мўъжаз кутубхона ишлайди. Кечки маҳал устозлар бу ерда ўқувчилар истагини инобатга олган ҳолда баҳру байт кечалари ташкил қилишади.

– Мактабимизда тадбирлар зали бор, – қувониб сўзлайди 6-синф ўқувчиси Ҳумоюн Бёрдиев. – У ерда ҳар жума кунини Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Гавҳар Ибодуллаева ташаббуси билан вилоятдаги таникли ижодкорлар иштирокида учрашувлар, маҳорат дарслари уюштирилади. Айниқса, «Огаҳий ворислари», «Таржимон» тўрагаги машғулотлари кизиқарли ўтади. Мактабимизга сеvimли шоиримиз Сирожиiddин Саййид, таникли олим Нурбой Жаббор ташриф бўлиришган. Улар билан учрашувлар эсда қоларли бўлди.

Ижод мактабининг ўз босма хонаси бор. Асосий ўқув биносининг ёнгинасида турли завқли тадбирлар, адабий кечалар, мушоира-лар, санъат ва маданият анжуманлари ўтказишга мўлжалланган миллий нақшошлик услубидаги амфитеатр барпо этилган. Амфитеатр саҳнасининг икки томони Калта минорга, то-

мошахонанинг орқа девори арк деворига ўхшайди. Мактаб ҳовлисини анъойи гуллар бе-заб турибди. Ушбу муаззам меъморий мажмуа таркибида Огаҳий уй-музеий бор. Огаҳий ҳаётигида ўз қўли билан эъкан тут дарахти хаёлингизни, беихтиёр, буюк шоир яшаган замон, мумтоз шеърят ва санъат гуллаб-яшнаган давр сари етаклайди. Бундан ўттиз йил муқаддам давлат муҳофазасига олинган бу азим дарахт мўйсифид дунёнинг не-не синоатларига шохид бўлмаган дейсиз. Ям-яшил майсазор, гужумзорлар аро суҳбатгоҳлар – барчаси бир бутун меъморий мажмуа бўлиб, ўзгача салобат ва маҳорат касб этган. Огаҳий уй-музеий янги ижодий лойиҳа асосида ташкил этилган экспозиция, экспонатлар билан бойитилган. Музейда шоир яшаган давр, ҳаёти ҳамда ижоди билан боғлиқ нодир осори-атиқалар, кўлёма асарлар нусхалари, Ўзбекистон халқ рессоми Тура Қурёнов мўйқаламига мансуб Огаҳий бадий-тарихий китоблари мазмуни асосида яратилган тасвирий санъат асарлари ўрин олган-ки, бу ташриф буюрувчи сайёҳу адабиёт мухлисларига ўзгача завқ, таассурот бахш этади. Уй-музей замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган. Махсус залда давра суҳбатлари, маҳорат дарслари ташкил этиш, Огаҳий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги видеоролик ва ҳужжатли фильмлар томоша қилиш имконияти яратилган. Аксари «Шашмақом» қўшиқларига айлиниб кетган юзлаб ғазаллар, тарихий ва таржима асарларни мерос қолдирган бу забардаст ижодкорнинг эҳтироми жойига қўйилганига шу хайрли ва эзгу ишлар ёрқин бир мисолдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бугунги кунда мазкур фармон ва қарор ижроси бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Табиийки, янги ижод мактаблари янгича услубга эга таълим масканларидир. Дунёнинг бошқа мамлакатларида бундай ижод мактабларининг муқобили йўқ. Шу боис олдинда қилиниши керак бўлган ишлар талай. Бу мактабларда элнинг таниқли ижодкорлари билан мунтазам равишда маҳорат дарслари ташкил этишни муайян тизимга солиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Зотан, бундай мактабларда таълим олаётган истеъдодли ўқувчи ёшларга давлатимиз раҳбари, халқимиз катта умид билан қарамоқда.

Яна Огаҳий ижод мактабига қайтамыз. Бу ерда таҳсил олаётган ёшлар билан баҳру байт айтишдик. Улар голиб бўлишиди. Демак, устозларнинг астойдил саъй-ҳаракатлари ўз ҳосилини бераётди. Ишонамизки, бу ёшлар барча фанларни чуқур ўзлаштириб, ҳазрат боболари каби улуг олим, шоир, таржимон, давлат арбоби бўлишади. Зеро, улар билан бўлган суҳбатлар, ўғил-қизларнинг илму урфонга чуқоқ

қалблари шундай хайрли башорат бермоқда. Президентимиз ўз чиқишларида илм-маърифат ҳақида сўзлайди. «2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили», дея номланишида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам, деб ўйлаймиз.

Ҳайрату ҳаяжонлар оғушида кенгган тадбирлар ниҳоясида Аваз Ўтар қабрини ҳам зиёрат этиш истаги пайдо бўлди. Кўп савабли ишлар бўлаётган бу заминда Хоразмнинг яна бир улуг фарзанди, оташнафас шоир Аваз Ўтар қабри ҳам, унга элтадиган йўллар ҳам обод зиёратгоҳга айланса эди, деган эзгу бир ниёат ўтди кўнглимиздан ва бунинг ҳам амалга ошишига чин дилдан ишондик.

\*\*\*

**Менга сўйлама кўп Зардушт қиссасин, Унга эҳтиёжим йўқ асло, бирок, Олам, сенга айтсам кўнглим ҳавасин, Мен Замахшарийга муҳтожман кўпроқ, Ихтиёр берилса кўнглига агар, Ҳою ҳаваслари билмагай ҳудуд. Ким бўлмоқ истаса нафсга музаффар, Сиздан сабоқ лозим, Паҳлавон Маҳмуд. Ҳақ сари юрмоққа айлайман жазм, Эй, қадим Хоразм, азим Хоразм!**


**Ечилгай ҳар қандай жумбоқ, муаммо, Чикмасанг виждонинг амри, измидан. Эй, сен ҳисобини йўқотган дунё, Дарс олсанг бўларди Ал-Хоразмийдан. Инсонни ҳамиша этгай мўътабар, Тангрининг неъматини – ақлу тафаккур. Буюк Берунийга тан берур башар, Авлодлар қалбида гуруру ва шукур. Такрор-такрор дилга ташлайман разм, Эй, қадим Хоразм, азим Хоразм!**

**Ошуфта қалбимда олиб юрибман, Азиз боболаринг азиз руҳини. Кўллридан тортиб ололмас душман, Наҳмиддан Кубронинг тутган тугини. Султон Жалолиддин тортган наърадан Ҳайратга тугандир Чингиз лашкари. Тарихи, ўтса ҳам йиллар орадан, Онгу шуурлардан кетмагай нази. Голибдир садоқат, шижоат, азм, Эй, қадим Хоразм, азим Хоразм!**

**Юрагим жаранглор торлар торинда, Рост, Бузрук, Наволар тинглайди Феруз. Руҳимнинг порлаган бу шароринда, Кўёшдан насиба бордир шубҳасиз. Нурсид идрокларни чулғамиз нурга, Муниснинг бир мунис сўзлари – нусрат. Илкни узатиб Навоий – пирга, Огоҳ бўл, ҳайқирар Огаҳий ҳазрат, Сен ҳақда не айтсам, шох сатр – назм, Эй, қадим Хоразм, азим Хоразм!**

**Боқиб Ичон қалъа, Дишон қалъага, Кўксимга жойладим қадим Хивани. Билдим, қадм қутуби сўз, ашулага, Ёфасдан мерос бу қутлуг шевани. Сенга кўз тегмасин ҳеч қачон ўлкам, Сен Аму, Ҳазорасп, Шовот, Урганчсан. Ўтмишинг, бугунинг, эртанг ҳам қўрқам, Ватаним бағрида бир дурри ганжсан. Сен борсан, кўнглимда мангу тўй-базм, Эй, қадим Хоразм, азим Хоразм!**

**Ғайрат МАЖИД**



Вафо ФАЙЗУЛЛОҚ

# Нигоҳинга

## доим илҳақман

### ВАТАН

Ватан – руҳинг билан борман, суюкман,  
 Бўлмаса арвоҳман, хорман, куюкман.  
 Сени номардларга берган мард эмас,  
 Сендан улуг дардим бўлса дард эмас.  
 Севгим ўзингдирсан, севгилим ўзинг.  
 Элим, тилим ўзинг, дулдулим ўзинг.  
 Ҳамиша Ҳаққа боққан йўлимсан ёруғ,  
 Улашган меҳр-у вафо кўнглимсан ёруғ.  
 Мен ғариб улуглигинг қайдан билибман?  
 Дунёга англамоғим учун келибман!  
 Ватан – руҳинг берди менга бир қанот,  
 Яйрағум фирдавсларда бўлиб  
 мангу шод!!!

### БУЛБУЛ

Мени булбул уйғотди бир тонг  
 Боғимда.  
 Ҳушимдан айрилгандай анграйдим.  
 Қаргаларни кўравериш ҳар ёғимда  
 Кўкламни унутгани танглайм.

Вафо, деди исимини айтиб,  
 Нафсага қойим зотларга боқма.  
 Келмагайсан дунёга қайтиб,  
 Ғамни сотма, қувончни сотма...  
 – Вафо, – деди яна вафодор нола.  
 – Эсингдами олам пистоқи чоғлар?  
 Дунё ҳилпираётган илк лола,  
 Зангори чайқаларди қишлоғимда  
 боғлар...

Мени булбул уйғотди...  
 Аниқ-тиниқ боқиб, ардоқлаб, алқаб.  
 Қиз нигоҳининг тотти,  
 Ой чиққандай ярақлаб.  
 Булбул наласидан тикладим  
 Болалигим сўқмоқларини.  
 Теракларга кулоқсиз ука эдим,  
 Япроқлари – кўнгироқларим.  
 Неларнидир сўйлаб, кўзим ёшлаган,  
 Ғарибдан ғарибдай ўксиндим.  
 Кўнглимни кўтариб, чошлаган  
 Полапон беш укам, уч синглим.  
 Сойда чўмилиб ҳам наво излардим,  
 Қарга, зағизгонлар ёқмасди.  
 Чумчуқлар ҳам тинч уйларни кўзларди...  
 Турналар карвони боқмасди...

Мени булбул уйғотди:  
 Шоирим, тур, деди,  
 Боқ бир ўзинга,  
 Ҳақнинг ҳузурини берган сўзинга.  
 Йўлингдан қайтдингми,  
 Ёлгон айтдингми?  
 Ахир, дўст дегани қанчаси  
 Энди нафсининг қули,  
 Қорин мамлакатин парчаси.  
 Сенсиз бу оламнинг меҳвари бузуқ,  
 Алишернинг дўсти, Бобур ҳабиби,  
 Алвон ғуссаларнинг табиби.  
 Ҳақиқатнинг юрагини ёритгин.  
 Дунёга баҳорларни доритгин...  
 Булбул, балки қирқ йил кечикиб келдинг,  
 Қардошингман, тўлиб бормоқда ўпкам.  
 Сени уйғотган-ку мен эдим,  
 Уйғотмоқ-чун келдингми сен ҳам!..

### ҲАҚИҚАТ ВА ЁЛҒОН

Ҳақиқат Ҳақнинг амри, аён-ноаён,  
 Собит тураверар сирлигида ҳам.  
 Йўқни йўндирмоқни кўзлаган ёлгон,  
 Ҳақиқат тимсолида кезади олам.

Олам кезиб, бунга излама ҳакам,  
 Дард чек, аслинга боқ, балки кифоя.  
 Ёлгоннинг даъволари қилмасин алам,  
 Ҳақнинг собитлиги билмас ниҳоя!

\*\*\*

Узоқлашдим сендан тобора,  
 Яқинлашмоқ эди муродим.  
 Минг асрга тенгми бу ора,  
 Минг асрни тутган фарёдим?  
 Нигоҳинга доим илҳақман,  
 Гарчи, низомингда нигоҳим.  
 Сўзларимдан қайтиб, бадбахтман,  
 Олиб қочиб борар гуноҳим...

Узоқлашдим сендан тобора,  
 Яқинлашмоқ эди муродим.  
 Тополмадим нафсага бир чора,  
 Хусронларга тўладир ёдим.  
 Гарчи шамол билан юкундим,  
 Ҳар дам ташрифинга интизор.  
 Хиёнатга ботиб ўқиндим,  
 Куз ҳукмдор, қайтмайди баҳор!..

Узоқлашдим сендан тобора,  
 Яқинлашмоқ эди муродим.  
 Орзуларим лопиллар дорда,  
 Журми исён бори саводим.  
 Маъсум оламларда ҳар нуқта,  
 Ориф маъволарда ҳар белги,  
 Тўхта, дейди бир нидо, тўхта,  
 Етар тундан олганинг улги...

Узоқлашдим сендан тобора...

### ҲУР БИЛАН СУҲБАТ

Дейди: Юрагингиз бунчалар қора?  
 Дейман: Бир кун келиб, оқарса, зора...  
 Дейди: Ахир, кирлаб борар тобора,  
 Дейман: Нима қилай, урмасдан зора?..  
 Дейди: Иллатга бор бирон-бир чора!  
 Дейман: Айта қолгин тезроқ, аҳрора!  
 Дейди: Нафсингиздан кечинг бир бора,  
 Дейман: Энг яқиним нафси аммора...  
 Дейди: Ханжар уринг, урмасдан зора!  
 Дейман: Ханжар уриб бўлурми ёра?  
 Дейди: Шўринг курсин, бечора қора...  
 Дейман: Тамом ўлдим, дилим минг пора!  
 Йўқ, йўқ, шундай яшай дунёлар ора  
 Куттайсиз Учмоҳларда интиқ минг бора!!!





# ШУКУР БУРХОН

Бу орада фашизм уруш очди. Эренбург айтганидек, «ижод эркиниги, танқидий фикр, миллий ва руҳий ранг-барангликнинг душмани» тупроғимизга бостириб кирди.

Ҳамза номидаги театр репертуарини ҳам халқимиз фарзандларининг қахрамонлиги, уларнинг бошқинчиларга қарши олиб борган шафқатсиз кураши тасвирланган асарлар эгаллади. Яшиннинг «Улим бошқинчиларга», Уйғуннинг «Она», А.Ржевский ва К.Кацнинг «Олео Дундич», Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Иззат Султоннинг «Бургутнинг парвози» асарлари қўйилди.

Шукур Бурхон бу асарлардаги энг муҳим ролларни ижро этди.

Шукур Бурхон бу ролларга ҳам ўз принципи жиҳатидан ёндашди: уларнинг маънавий оламига бус-бутун кирган, ўтмиши-ю келажагини тасаввур қила олган ҳолда санъаткорга хос ижодкорлигини астойдил ишга солиб, узоқ тайёрланди.

Актёрнинг Уйғун ва Иззат Султон асари – «Алишер Навоий» драмасида Ҳусайн Бойқаро образини яратиши, айниқса, диққатга сазовор.

Асарнинг биринчи варианты хом эди. Уйғур асар қаттиқ ишланишини талаб қилди ва бу ишда ўзи ҳам бевосита иштирок этди.

Ниҳоят, асарнинг пухта варианты юзага келди. Навоий роли Аброр Ҳидоятовага, унинг дўсти Ҳусайн Бойқаро роли Шукур Бурхонга топширилди.

Шукур Бурхон образга Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги маълумотларни ўқиб ва Навоийнинг у зот ҳақида айтган фикрларига суяниб ёндашаркан, Ҳусайн Бойқаронинг бир жиҳати, одамийлигига жуда қизиқиш қолди.

Навоийнинг ёшлик дўсти, ўзи ҳам шоир, лекин ғийбатчилар тўпига кириб қолган ва ўз замонаси, унинг талаб-эҳтиёжлари қурбони, оқибатда неварасининг ўлимига сабабчи бўлган, соч-соқоли оқарган, ўғилларининг тахт учун исён кўтарганидан чуқур қайғуга ботган — ҳуллас, қуёши ботган Ҳусайн Бойқарони оддий инсон сифатида кўрсатиш ҳам актёрнинг диққатини торта бошлади.

Шукур Бурхоннинг образ ҳақидаги мулоҳазасини Маннон Уйғур ҳам маъқулади. Асар саҳнага қўйилганда шундай бўлдики, Навоий саройни ташлаб чиқиш кетаётганда Ҳусайн Бойқаро уни кўзларида ёш билан кузатиб қоларкан, томошабин ҳам кўзига ёш олгудек бўлиб, бу шоҳ-одамга ачинди!..

Айни талқиннинг бир жиҳати ҳаммага маъқул эди: томошабинда бу фожияларнинг содир бўлишида биргина султон эмас, мавжуд тузум ҳам айбдор, деган табиий, қонуний тасаввур туғиларди.

Фашизм тор-мор этилди. Бузилган ҳўжалик тармоқлари тиклана бошлади.

Ҳамза номидаги театр репертуарини ҳам, асосан, шу мавзулардаги асарлар эгаллади. Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи», «Навбахор», Туйғуннинг «Муҳаббат», «Ҳикмат» пьесалари қўйилди. Шукур Бурхон бу асарларда бош ролларни ижро этди. К.Симоновнинг «Рус масаласида» журналист Гарри Смит, А.Островскийнинг «Айбсиз айбдорлар» асарида Незнамов образларини яратди.

Классик драматургиядан сира ажралмаслик керак, у актёр театрнинг маҳоратини кўтаради, деган ақида ҳоким бўлган театрда Шекспирнинг иккинчи шоҳ асари «Отелло» ўйналар, Отелло ролини Аброр Ҳидоятов ижро этарди.

Маълумки, театр саҳнасида ўйналган спектакллар орасида олтинчи йилларнинг ярмигача «Отелло»дек машҳур асарлар санокли эди. Ушбу трагедия беш юз мартадан кўп қўйилган.

Қалбдаги мислсиз эҳтирос ва ҳаяжонни зуҳур этган Аброр Ҳидоятов шундай бир мўъжиза яратган эдики, санъаткорнинг бундай кўтарилишидан яқин ҳамкасблари ҳам ҳайратда эдилар.

Трагедиянинг саҳналаштирилиши ва режиссёрларнинг асарга муносабати ҳақида ҳам бир-икки оғиз гап айтиш керак.

Оға – Маннон Уйғур шундай ёзган:

«Шекспир ўз трагедиясининг саҳналаридан бирида: «О, ёвузлик муҳаббатдан қулди!» деб нидо қилади. Бу жумла спектаклимизнинг эпиграфи қилиб қўйилмоғи керак эди, чунки бу асосий фикрни, ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқ йўналишини белгилаб берувчи дастак, персонажларнинг характерларини ва ўзаро муносабатларини очиб берувчи калитдир. «Отелло» рашк трагедияси эмас; бу жўн тасаввур.

Пушкин ҳам Отелло – рашк қилувчи эмас, балки ишонч кишисидир, деган. Биринчи қарашда, эҳтимол, бу бирмунча ғалати туюлар, лекин трагедия мазмуни ва воқеалари таҳлил қилинганда Пушкиннинг фикри аниқ тасдиқланади.

Отелло табиатида кўра, рашкчи бўлмагани ҳолда Ягонинг пасткашлиги натижасида рашк қилувчи бўлиб қўрилади. У ўз табиатидаги олижаноблик, ишонувчанлик хислатлари ортдан Ягонинг аслан кимлигини билолмайди. Отелло рашкдан эмас, «хаёти барқ ураётган чашманнинг қабиҳ ҳашаротлар тўлиб кетган ифлос ариққа айланишидан азобланади!.. Бу энг муқаддас туйғулар таҳқир қилинганда пайдо бўладиган пок исён эди!

Шекспирнинг замондоши ва театрдаги ўртоғи Ричард Бербеж биринчи марта Отелло ролини ўйнаганда, образни «қайғу-ҳасратли мавр» сифатида талқин этиши ҳам беҳиж эмас.

Ўзбекистонга келиб спектаклни кўрган Англия парламенти делегацияси аъзолари театрнинг хотира дафтарига: «Биз Отеллонинг бу қадар маҳорат билан ўйналганини ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳатто Лондонда ҳам кўрган эмасмиз», деб ёзиб қолдирдилар.

Шукур Бурхон ҳали Гамлетни ўйнамаган, бироқ у «Отелло»да Ҳидояттов ижросини қайта-қайта кўриб, таҳлил қиларкан: «Нега ўйнолмас эканман?» дерди. У ҳозиргача ижро этган роллари ўзини қаноатлантирмаётгани, «Отелло»га яқинлаша оладиган бирор роль ўйнаши зарурлигини ҳис этарди.

Бу орада театр Ойбек романи асосида ишланган «Қутлуг қон», Нозим Ҳикматнинг «Туркия ҳақида ҳикоя», «Севги афсонаси» асарларини саҳнага чиқарди. Шукур Бурхон бу спектаклларда Йўлчи, Ҳижроний, Фарҳод ролларини ижро этди. «Ревизор»нинг қайта қўйилиши ва Шукур Бурхоннинг ҳоким ролда чиқиши артист ижоди учун ҳам, театр учун ҳам маъсулиятли ижодий иш эди. «Ревизор» спектаклининг саҳна

талқини кўп жиҳатдан комедия асосий қахрамонларининг тўғри тасвирланишига боғлиқ эди. Шунинг учун режиссёрлар шаҳар ҳокими ролини ижро этувчи Шукур Бурхон билан Хлестаков образини ўйновчи Наби Раҳимовга алоҳида эътибор бердилар. Масалан, Шукур Бурхон яратган Сквозник-Дмухановский телба эмас, балки жуда айёр одам. У Хлестаковни ревизор, деб қабул қилишига нодонлиги сабаб эмас, бу бутун умрида йўл кўйган бирдан-бир хатосидир. Образнинг калити мана шунда эди.

Ниҳоят, Шукур Бурхонга Гамлет роли топширилди.

У Гамлетни ўзига хос талқин қилиш устида иш бошлади: қахрамоннинг ички дунёсини яратишда образга унинг ўтмиши ва келажагини аққол кўра билиш принциpidан келиб чиқиб ёндашди. Отаси вафотини эшитиб, Виттенбергдан келиши ҳамон Гамлетнинг дилини кучли шубҳа чулғайди. Албатта-да, сопна-соғ ота ўлиб ётибди. Бу ёқда эса мотам либослари ечилмай туриб, тўй дастурхони тузалган, севимли онаси қайнисига тегиб ҳам улғурибди – «мамаки» тахтада!.. Шунинг учун Гамлет бу хонадонга кириши билан отаси қасддан ўлдирилганига ишонади ва сирни фош этишга шайланади!

Шукур Бурхон саҳнага илк чиққандаёқ гумонли-ўйчан қиёфада эди, охиригача шу тарзда ўйнади, излади. Томошабинни ҳам етаклаб, ўйлатди, излатди.



Шукур Бурхонга буюк санъаткорнинг учинчи бир асари «Ромео ва Жульетта»да Ромео роли берилди.

Ромеода Шукур Бурхон яна очилди: қахрамоннинг қайсар, эҳтиросли, интилувчан табиатида нозик бир латифлик, гўзал бир покизалик ҳам бор экан. Ижро жараёнида шу туйғулар ҳам балқиб чиқди-ки, айни маъсум фазилатлар Ромео роли муваффақиятини таъминлашда айни мудабо бўлди.

Аброр Ҳидоятлов вафот этди... Шукур Бурхон анча вақтгача ўзига кеполмай, кўнглидан кечаётган фарёдли туйғуларни тушунолмай, ёлғизланиб юрди. Болалигидан севган, ҳавас қилган, хурматлаган, ибрат олган буюк актёр энди йўқ! Сўнг санъат ва санъаткор тақдири-қисмати тўғрисида узоқ ва аламангиз хаёлларга толди...

Чеховнинг «Ваня тоға» пьесаси кўлга олинди. Тошкент Театр ва рассомчилик институти профессори Иссиф Радун Шукур Бурхонга бош ролини тавсия этди.

Шукур Бурхон Ваня тоға образини чиндан ҳам ёқтириб қолди. Гоят истеъдодли, олижаноб бу инсон ҳаётда алданади, фожиага йўлиқади. Образдаги маҳзунлик Шукур Бурхоннинг ўша кунлардаги кайфиятига ҳам мос эди. Актёр Чехов асарларини қайта ўқиб, ушбу муаллиф пьесаларининг рус театрларидаги тарихи хусусидаги адабиётлар билан танишиб, ниҳоят, Ваня тоғани ўзлаштириб бошлади.

Шекспирна пўртанали ҳисларни буюқ қадридан томошабинга Чеховнинг майин, бақирқ-чақирқисиз нидолари фавқулодда манзур бўлди, асардаги ўта табиийлик ва соддалик ҳаммани мафтун этди.

Ўзбек адабиёти ва санъати ўн кўнлигида бу спектакль москваликларга кўрсатилганда, «Московский комсомолец» газетаси Ваня тоға ижросини ҳақида шундай ёзди:

«Шукур Бурхон ифодалаган Ваня тоға тарихи – олижаноб ва истеъдодли инсон – маҳв бўлган ҳаёт тарихи. Артист Чехов услубини нозик хис қилади, у Ваня тоға фожиасини ташқи ярқироқ воситаларга мурожаат этмасдан ифодалайди. Актёр, гўё, ҳеч иш қилмайди, лекин унинг кўзлари кишини хайратга солиб, қахрамоннинг бутун ички мураккаб кечинмаларини баён этади. Унинг нигоҳи гоҳ сўник, ночор, гоҳ кулли-истеҳзоли, гоҳ умид учқуни билан ёниб, гоҳ эса улуғвор, гоҳ аламли, ҳасратли ва ғамгин бўлиб, пасткашлик ва бепарволик ҳукм сурган ҳаётдан узилиб чиқишга интилган-у, чиқа олмаган олижаноб, кучли инсон фожиасини ҳикоя қилади». Москвадаги муваффақиятдан сўнг санъат шинавандаларида Шукур Бурхон Аброр Ҳидоятлов башорат қилганидек, театрнинг «байроқдори» эканига ҳеч қандай шубҳа қолмади. Энди у янги, юксак бир роль билан бу мавқени мустаҳкамлаши кутилardi.

Шукур Бурхон Отелло – ўша Отелло билан бўйлашадиган ролни орзу қила бошлади ва бундай роль тез орада топилди. Бу мамлакат театрларида ҳам кам ўйнаган «Юлий Цезарь»даги Брут образи эди.

Марк Брут бошлиқ республикачилар ҳокимиятини ўз қўлларига олган, Брутининг азиз дўсти Цезарь тахтга чиқади. Цезарь эса ишончини оқламайди: у озод Рим халқидан айрилади, ўз шахсини илоҳийлаштиради. Шундан кейин республикачилар Брут бошчилигида Цезарга суиқасд қилишга қарор қиладилар... Цезарь ўлдирилади, бироқ...

Брут сезадими, фитнада катнашганлар Цезарни ундан Римни ҳимоя қилиб эмас, ўч олиш учунгина ўлдирган эканлар. Брут алданибди! Энди у билан «республикачилар» орасида кураш кетади. Оқибат Брут ўзини ўзи ўлдирди.

«Ахир, асар Брут ҳақида-ку?» ўйлайди артист ва бу олижаноб, халқпарвар, пок ва мард инсон унинг бутун борлигини мафтун этади...

Ҳамза номидаги Академик театрининг «Юлий Цезарь» спектакли ҳақида сўзлаш, аввало, Шукур Бурхон ҳақида сўз юритиш демакдир, деган эди санъатшунослардан бири. — Зеро, артист бу янги роли билан замонамизнинг энг улкан трагик актёрларидан бири эканини намойиш этди».

Шундан кейин Шукур Бурхон яна бир мураккаб ролни ўйнади. Бу дўсти, файласуф шоир Мақсуд Шайхзоданин «Мирзо Улугбек» фожиасидаги султон Улугбек ролidir! Шу муносабат билан у «болалигига саёҳат» қилди: Самарқанддаги темурийлар даври осори-атиқаларини кўрди, Улугбек расадхонасига борди, санъат, маданият, ислом дини тарихи ҳақида кўп манбаларни ўқиди. Бу жараёнда Темурийлар авлодининг сўнгги вакилларидан бири Хусайн Бойқаро образи устида олиб борган иши ҳам кўл келди.

Айниқса, Мақсуд Шайхзода билан суҳбатлар...

Бу образни муваффақият билан ижро этгани учун Шукур Бурхон Ҳамза номидаги республика Давлат мижросотида сазовор бўлди.

## «Улугбек юлдузи» фильмидан

## «Шоҳ Эдип» спектаклидан

Энди ижодига гултож бўлулик роль ўйнаш иштиёқи туғилганди унда. Излана бошлади. Изланишлар уни яна классик драматургияга етаклади: қадим юнон драматургиясига...

Саҳнада «Шоҳ Эдип» ўйналмоқда.

Залда рус ҳам, ўзбек ҳам, хорижий томошабин ҳам бир хил ҳаяжон билан ўтиради. Асар хотимаси яқинлашаркан, у ер-бу ерда баралла йиғи овозлари эшитилади.

Парда ёпилади, томошабиннинг гулдурас қарсақлари остида яна очилади. Ўйчан, ҳорғин Шукур Бурхон чиқади.

Халқ санъаткорининг саҳнадан кетишини асло истамай, гуррос чапак, оқишларни яна кучайтиради.

Залдан чиққач, ҳар бир томошабиннинг боши эгик кўринади: томоша таъсири, санъаткор ижросининг таъсиридан тил лол, ундан-бундан тан берган юрак садолари эшитилади: «Зур! Зур-э!»

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Шукур Бурхоннинг ёр-дўстлари, шоғирдлари ва мухлислари у кишининг суҳбатига боришади. Шукур ака: «Қандай ўтди?» деб сўрайди. Суҳбат якунида: «Бу роль мендан бутун куч-қувватим, борим-борлигимни талаб этади. Шунинг учун розиман ролимдан, дейди. Кейин кулиб бош чайқайди: — Оқоми, Эдип тақдир башоратидан қочади, лекин тугилади, чунки бу пешанасига ёзилган. Билмадим, артистлик ҳам менинги пешанамга ёзилган эканми...»

«Гулистон» журнали 1970 йил, 10-11-12-сонлар



Дилноза КУБАЕВА:

# Мен кўнми Тодамман

– Дилноза опа, аксарият қизалоқлар болалигида телевизиордаги санъаткорларга ҳавас қилади, уларга тақлид қилади. Лекин улғайган сари орзулар ҳам ўзгара боради. Сиз орзулари ижобат бўлган актрисасиз. Бу йўлнинг машаққати ва ўзига хос сурури ҳақида гапириб берсангиз.

– Мен болалигимда жуда тортинчок, ўз фикрини баён этишга чўчидиган қизалоқ эдим, аммо телевизор жону дилим эди. Телевизиорда чиқишни орзу қилганман. Раққосаларга тақлид қилиб ўйнардим, кўлимга тушган нарсани микрофон қилиб, кўшиқ айтардим. Менинг қизиқишимни ота-онам қўллаб-қувватлади. Шу туфайли Санъат лицейида, кейин Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг актёрлик факультетида ўқидим. Талабалигимдаёқ экрандаги фаолиятим бошланган. Гоҳ сьёмкада, гоҳ дубляжда юриб, институтдан ҳайдалишимга сал қолган. Барибир яхши ўқидим.

**Актрисага «Келгинди келин» фильмидаги илк роли муваффақият олиб келди. Гарчи, фильм актрисага шуҳрат келтирган бўлса-да, суратга тушганида ҳали ёш ва тажрибасиз бўлгани сабаб у ўзидан кўнгли тўлмаганини айтади.**

– Институтни битириб, ўзбек миллий академик драма театрида иш бошладингиз. Бу даргоҳни кўпчилик орзу қилади...

– Миллий театрдаги фаолиятим 2004 йилдан бошланди. Аввал эпизодларда чиқдим, кейин «Андишали келинчақ» спектаклида бош ролни ижро этдим. Мени устоз санъаткорлар яхши кутиб олди. Керак жойида танбех, ўрни келганда ёрдам беришди. Шунинг учун бу спектаклда ҳамон яйраб ўйнайман. Ҳар гал ўзимни образга бағишлаб, ролни кўнгли билан ижро этаман. Устозларимиз бу сахнада Аббор Ҳидоятлов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Сора Эшонтураева, Наби Раҳимов сингари улуглар изи борлигини ҳар кун и ёдга солиб туришади. Ҳар гал парда ортидан дуо қилиб, сахнага чиқаришади.

**У шу кунгача театр сахнасида ўттиздан зиёд спектаклда турли характерли катта-кичик ролларни ижро этди. «Мирзо Улуғбек»да Феруза, «Ўткан кунлар»да Кумушбиби, «Келди-ю кетди»да Хумора, «Кўёшни сен уйғотасан»да Шабнам, «Ўжарлар»да Қорақўз, «Омонат дунё»да Зулайҳо, «Бобораҳим Машраб»да Қалмоқ маликаси. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Ҳар бир ролини устозлари айтганидек, юрагидан ўтказиб ўйнайди. Ўзини чоғлашни, тинимсиз машқ қилишни тарк этмайди.**

– Сиз билан боғланганимда, ижодимда янгилик йўқ, деддингиз. Бу нимани англатади? Ҳозир янги роль ўйнамаяпсизми?

– Санъаткор учун тиниб қолишдан ёмони йўқ. Миллий театримиз катта жамоа. Ҳаммининг ўз роли, вазифаси бор. Менинг бу театрда катта-кичик ролларим бор. Яхши фильмларда ролингга чўмиб ўйнаб, премьерани кун и кўлингга кучоқ-кучоқ гул тутганча интервью бериш қаёқда-ю, ҳеч қандай янгилик қилмай гапириш қаёқда? Уялади-да, одам. Томошабинга «яхши сценарий йўқ» деёлмасангиз. Томошабинга бунинг қизиғи йўқ, унга яхши фильм, яхши спектакль керак. Мен тиниб тура олмайман. Ҳар кун и фаолиятда бўлишим керак.

**– Дилноза Кубаева ростдан ҳам ички қувватга эга актриса. Кино майдонини яхши кўради. Ўзига жуда талабчан. Шунинг учун бир хилликдан қочади. Кинода ҳам бир қатор роллар ўйнаб, томошабинлар эътиборига тушди. «Эр бермоқ – жон бермоқ»да Дурдона, «Кечиккан ҳаёт»да Шаҳодат, «Кўргим келар»да Зиёда, «Иснод»да Жамила, «Келганда келин»да Гўёхоним... Хуллас, ҳар бир роли томошабинлар учун унинг ташриф қоғози каби эсда қолади. Қайси ролида бўлмасин, томошабин унинг ижросидан қониқиб туяди.**

– Демак, залворли асарда бирор мукамал роль кутаяпсиз?

– Кино ҳар доим бир маромда кетмайди, унда шундай даврлар бўлади-ки, кетма-кет яхши ролларга ўтиб қоласиз, бирдан фильмингиз шуҳрат қозонади, шунақа пайтлар бўладики, сиз умуман эътибордан четда қолиб кетасиз. Баъзан синовлардан ўта олмай қолишингиз мумкин, лекин кинонинг яхши тарафи сизни «унутилишдан» асрайди. Театр эса сиздан ўз устингизда тинимсиз ишлашни талаб қилади. Жонли мулоқотда тоблайти. Театр актёри худди ҳар кун и чархланиб турадиган пичоққа ўхшайди. У қанча чархланса, шунча яхши роллар ижро этади. У жаҳон классикасида бир тобланса, миллий асарларда бир тобланади. Ижобий образда кўнглининг туб-тубидаги эзгуликларни юзага чиқарса, салбий образга ўзининг ҳам нафратини жойлаб ўйнайди. Актёр шундагина жиљвалана олади, шундагина ролларни маромига етказа олади. Актёр учун «Стоп, олинди!» хитобининг ҳам, «Тайёрланинг, парда очилди!» деган гапнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Агар театр яхлит бир санъат бўлса, кино унинг бўлаклари бўлинган кўринишидир. Аслида, уларни бир-бирдан айро тасаввур қилиб бўлмайди, улар ҳам-



«Алишер Навоий» спектаклида Гули роланда

## «ГУЛИСТОН»

## ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИГА

ша бир-бирини тўлдирди. Саҳнани ҳам кинони ҳам бирдай олиб бориш актёрнинг ҳам маҳоратли, ҳам сеvimли бўлишига замин яратади.

**Дилноза Кубаевани томошабинлар байрам ва тадбирларда бошловчи сифатида ҳам танийди. Унинг табассум аримайдиган чеҳраси, самимий сўзлари байрам шуқухини юракларга кўчира олади. Актриса 2011 йилда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан, 2012 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.**

– Умуман олганда, ролларингиз ичида мутлақ салбий образ кам. Режиссёрлар сизни фақат ижобий образда кашф қиладими ёки ўзингиз салбий образдан кўрқасизми?

– Мен учун образнинг салбий ёки ижобийи йўқ. Ҳаммаси юракдан ўтади. Ижобий образларимни ҳам кузатсангиз, уларни мутлақо яхши инсонлар, деб бўлмайди. Шундай инсон борми ўзи? Беайб парвардигор, деган гап бекор айтилмаган. Шундай бўлгач, менинг қаҳрамонларим ҳам ҳамма қатори яшайди, хато қилади. Мен ролларимда ўзимдан чиқишни истайман, салбий роллар менга ёқади, чунки унда ўзимнинг очилмаган қирраларимни кўришим, томошабинларда бошқача таассурот қолдиришим мумкин. Битта хавфли томони – томошабин мени қабул қилмасачи? Томошабин ижобий қаҳрамонни ўз жигаридек кўради, салбий роль ижросисига нисбатан «бу рол-ку, яхши ўйнапти-я, актрисанинг қиррасини янгидан кашф этдик» дейиш ўрнига, кўпинча ёқтирмай қолиши, ҳақиқатда ёмон эканда, дейиши мумкин. Шу мени хавотирга солади. Ролни тўри баҳолай олмай, ҳаяжонга берилишларидан кўрқаман. Мен кўнгил одамиман, ҳамма нарса-ни юрагимдан ўтказаман.

**«Менда қандайки яхши фазилатлар бўлса, ҳаммасига Сароймулкхоним сабабдорлар». «Мирзо Улугбек» спектаклида Улугбек айтган бундай сўзлар актрисада ўзгача таассурот қолдирган. У Биҳонимдек аёлни саҳнада гавдалантиришга орзуманд. Умуман олганда, актриса мукамал сюжетли пьесаларда, юксак динамикали сценарийларда рол ижро этишни истайди.**

– Кўнглингизга олмасангиз, табассумингиз ортида қандайдир мунг бордек туюлади менга.

– Дард санъаткор ҳақиқатининг бир бўлаги бўлиб, кўзларни намлайди, қалбларни юмшатади, ўзликини топишга имкон беради. Дардсиз инсон бормикан?.. Дарди йўқ актёр бахтни қандай кўрсата оларди? «Омонат дунё» спектаклидаги шаддод қиз орқали бор ғуборларимни чиқариб оламан, баъзан кайфиятим тушганда «Омонат дунё»ни соғиниб қоламан. Мен ҳам ҳамма қатори одамман. Ҳаётимда нима юз берган бўлса, Оллоҳнинг синови, деб қабул қиламан. Ижтимоий тармоқларда, матбуотда бу ҳақда айтавермайман. Ўзи берган синовда Ўзидан енгиллик сўрайман.

**Актриса шахсий ҳаётини ҳаммага дoston қилишни ёқтирмайди. Шунинг учун ижтимоий тармоқлардан уни топиб бўлмайди. Хонадонга дарвоза кўйилиб, деразаларга парда илингани, уйнинг ичкарисини ташқарига кўринмасин, дегани деб ҳисоблайди. Ўз ҳаётини турли тармоқларда овоза қилаётганларни ҳам қораламайди. Зеро, ҳамманинг ўз дунёқараши бор. Тигиз ҳаёт, режаларга тўла кун тартиби бўлишига қарамай, оиласини барча ишларидан устун кўради.**

– Айни кунларда мамлакатимизда адабиёт байрамлари, икки буюк мутафаккир шоиримиз туғилган кун муносабати билан мушоиралар, давра суҳбатлари. Кечқурун эса спектакль. Ҳаммасига қандай улғурасиз?

– Вақтим йўқ, дегани бир баҳона. Агар инсон истаса, ҳаммасига улғурди, кўнгил инсонни бўлсангиз, албатта, кўнгилларга йўл топасиз. Инсон қандай касбда бўлмасин у ҳамиша оиласига, яқинларига вақт ажратиши керак. Сиз қанчалик юксакликка эришсангиз ёки аксинча, қалбингизда кемтиклар пайдо бўлса ҳам буни фақат ва фақат яқинларингиз, оилангиз тўлдирди олади. Ижод қаердаки гуриқираса, қаердаки қизгин бўлса, ҳеч қандай майда-чуйда иллатларга, икир-чикирларга ўрин қолмайди. Мен чанқоқман, мен билган авлод чанқоқ, ишга чанқоқ, меҳнатга чанқоқ. Биз ҳозир ишлашимиз керак. Тинимсиз ишлашимиз лозим. Эртага ёш ўтиб, орта назар ташлаб, мендан нима қолди, деганингизда самарали ижод ва яхши асарлар бўлмаса, ўзингизни кечирингиз ҳаққингиз йўқ! Ана шундай эзгу ният билан ишлаш, яшаш керак...

Азизабону АБДУРАҲИМОВА

**А**ввало, журнал таҳририяти «Гулистон» бисотидан» рукнини ташкил этиб, жуда хайрли иш қилаётганини алоҳида таъкидламоқчимиз. Ушбу рукн остида «Гулистон» журналда қирқ-эллик йиллар олдин эълон қилинган, буғун ҳам аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган мақолалар, ҳикоялар босилмоқда. Бу билан ўша асарлар муаллифлари ёдга олинмоқдаки, бундан уларнинг фарзандлари, набиралари бениҳоя мамнун бўлаётир.

Журналнинг 2019 йил 6-сонида «Гулистон» бисотидан» рукнида Ўзбекистон халқ артисти, халқимизнинг сеvimли хонандаси, бизнинг ака-миз Ботир Зокировнинг «Қўшиқ» ҳикояси эълон қилинди. Бу ҳикоя журналнинг 1969 йил 2-сонида босилган экан. Очиги, Ботир ака-мизнинг мазкур ҳикоясини Зокировлар сулоласининг ёш авлодлари ўқимаган. Ҳатто бизнинг ҳам ёдимиздан кўтарилган экан. Шу боис қайта-қайта ўқидик. Ҳикоянинг мавзуси, ундаги ватанпарварлик, ота юртни соғиниши, санъатнинг, хусусан, кўшиқ санъатининг инсон ҳаётига таъсири каби туйғулар қалбимизни жунбушга келтирган бўлса, ҳикояни ўқиш жараёнида меҳрибон ака-миз Ботир Зокиров овозини эшитгандек бутун вужудимиз титраб, кўз ёшларимизни тия олмадик.

**Б**отир Зокиров атоқли эстрада хонандаси сифатида, наинки, Ўзбекистон ёки собиқ иттифоқда, кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам машҳур эдилар. Буни «Қўшиқ» воқеий ҳикояси ҳам кўрсатиб турибди. Зеро, Ботир ака ўзбек миллий эстрадасининг асосчиси ва энг асосийси, тарғиботчиси эдилар. У киши кўплаб ажойиб ҳикоялар, опера либреттоси («Сўғд элининг қоллини») ёзганини, бири биридан гўзал ранг-таъсир асарлари яратганини санъат мухлислари ва санъатшунослар билади. Кенг омма, айниқса, буғунги ёшлар буларни яхши билмайди.

Шу маънода «Гулистон» журналы таҳририяти ниҳоятда хайрли, савоб иш қилганини алоҳида қайд этиб, таҳририят жамоасига бутун оиламиз – Карим Зокировлар сулолалари номидан беҳад миннатдорлик билдирамиз. Таҳририят ходимларига ижодий муваффақиятлар, сихат-саломатлик тилаймиз.

Фаррух ЗОКИРОВ,  
Гавҳар ЗОКИРОВА,  
Ўзбекистон халқ артистлари



# ЖАНГЧИЛАРГА РУҲИЙ МАДАД, МАЪНАВИЙ ҚУВВАТ БЕРГАНЛАР НОМИ ЎЧМАГАЙ!

**Х**ар бир инсон тақдирида икки жиҳат бор. Бири унинг эркин ва ўз манфаатларига мос келувчи шахсий ҳаёти. Иккинчиси инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмаган, қўқисдан ҳаётини тўзғитиб юборган воқеаларда иштирок этишга мажбурлиқдир. Буни урушга нисбатан кўллаш мумкин. Лев Толстой машҳур «Уруш ва тинчлик» романида князь Андрей Болконский фикрларини куйидагича ифодалаган: «... ҳарбий ишларда энг пухта ўйланган режалар ҳеч нарсани англамайди. ...буларнинг барчаси душманинг кутилмаган ва ақл бовар қилмайдиган ҳаракатларига қандай муносабатда бўлишга боғлиқ. Ҳамма нарса қандай ва ким томонидан олиб борилаётганига боғлиқ». Ушбу фикрлар Иккинчи жаҳон уруши даврида инсонлар тақдирида рўй берган кескин ўзгаришларга нисбатан ҳам айтилгандек гўё.

Уруш майдонида душман билан жанг қилиш ҳарбийлар учун ниҳоятда оғир, машаққатли, азобли жараён бўлиб, одамларнинг руҳиятини кўтариш жуда муҳим ва буни санъат орқали амалга ошириш мумкин эди. Инсонлар бошига мусибат тушганда кўпчилик мусиқа, рақс ва кўшиқнинг ўрни эмас, деб ўйлайди. Шунга қарамадан, урушнинг биринчи кунлариданоқ жанг майдони ёки фронт орти учун санъат гоят зарур ва муҳим экани маълум бўлиб қолди. Жанглар оралиғидаги сокин давларда аскарлар мусиқий гуруҳларни интизорлик билан кутишарди. Драма ва мусиқа театри актёрлари, филармониялар ва концерт гуруҳлари аъзолари фашизмга қарши курашга катта ҳисса қўшидилар. Айниқса, фронт театр-концерт бригадалари фронт олди ва фронт орти худудлари, эвакуацион, госпиталларда улар ўз санъатини намойиш қилганлар.

Уруш йилларида 1 миллион 350 минг спектакль, концерт, бадий кеча уюштирилган. 1941 йилнинг ўзида 4 мингга яқин шундай бригада ташкил этилган. Санъаткорлар ҳар бир чиқишга жиддий тайёрланган. Ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, уруш майдонида санъат гўзаллиги ёвузликка қарши эканини исботлашга ҳаракат қилган. Баъзи театр-концерт бригадалари бутун фронтни босиб ўтган. Бу гуруҳлар ҳарбий вазият учун қўйилган – ҳаракатчанлик, фронт чизигига

яқин жойда ҳам вазиятга тайёр бўлиш, ҳар қаерда – ҳарбий кема палубаси, очиқ осмон ости, аэродром, ертўла, дала истеҳкомми (ҳарбий тилда – блиндаж Н.М.), вокзал, агитпункт, тиббий батальонда, ўрмон ичкарисиди, жарликда ҳам саҳнага чиқа олиши шарт эди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари хизмат қилган ўзбек фронт концерт ансамбллари ва бригадалари Ўзбекистон санъати тарихида алоҳида саҳифани ташкил этади. Архив ҳужжатларига кўра, биргина Ўзбек давлат филармонияси ҳузурида 1942 йил еттита ансамбль ва бадий жамоа тузилган. Булар: Ўзбек халқ чолғу ансамбли, Мусиқа ва рақс ансамбли, Аёллар ансамбли, Тамарахоним бошчилигидаги ансамбль, Тожик-яхудий ансамбли, Эстрада гуруҳи, Мюзик холл.

**Б**у гуруҳлар Санъат бошқармасининг махсус кўриғидан ўтказилган. Санъаткорларнинг руҳиятига алоҳида эътибор қаратилган. 1942 йил Ўзбекистондан фронтга



14 бадий жамоа юборилган. Уруш йиллари ансамбллар сони 20 га етган. Муҳиддин Қори-Ёқубов, Тўхтасин Жалилов, Тамарахоним, Гавҳар Раҳимова, Ҳалима Носирова раҳбарлигидаги жамоалар шулар жумласидан. Ушбу театр-концерт бригадаларининг фронтдаги ҳаёти осон кечмаган. Ҳарбийлар уларнинг хавфсизлигини таъминласалар, санъаткорлар ҳарбийлар кўнглини кўтаришга, уруш талафотларини бир муддат унутишга, уларни душманга қарши курашда матонат ва мардликка ундашга ҳаракат

қилганлар. Артистлар толиқишига қарамай, талабларга биноан баъзи кўшиқ, саҳна кўринишларини қайта-қайта кўйишган. Баъзи гуруҳлар кейинги концерт қайси жойда бўлишини ҳам билмаган. Улар ҳарбийлар орасида ташвиқот-тарғибот ишларини ҳам бажарган.

Ҳалима Носирова ўз хотираларида 1941 йил унинг жамоаси фронт чизигига эмас, балки Тбилиси, Кисловодск, Боку, Краснодар, Лениканан, Еревандаги армия қисмларига хизмат кўрсатишга юборилганини ёзади. Унинг таркибида бўлган Мукаррама Турғунбоева турли миллат рақсларини ижро этган. Ўзбекистонда ташкил этилган фронт бригадалари юксак эътирофга сазовор бўлганини таъкидлаш зарур. Архив ҳужжатлари орасида юзлаб ташаккурномалар мавжуд.

Уруш йиллари Ўзбекистонга Москва, Ленинград, Киев, Одесса, Львов, Кишинёв, Харьков ва бошқа шаҳарлардан 32 театр жамоаси, эстрада ансамбли, мусиқа билим юрти ва 700 санъат арбоби эвакуация қилинган. Фронт концерт бригадаларини тузишда уларнинг хизмати ҳам беқиёс. 1941 йил композитор Е.Розенфельд раҳбарлигидаги Москва эстрада жаз аккардеон ансамблини Ўзбек филармонияси ўз қарамогига олган ва 1942 йилда гуруҳ Узоқ Шарқдаги армия қисмларига юборилган. Ансамбль 18 ой давомида қуруқлик ва Тинч океани флоти ҳарбийларига хизмат кўрсатган.

1943 йилда Филармония икки ойдан тўрт ойгача бўлган муддатда эвакуация қилинган жамоаларни байкалорти ва Узоқ Шарқ fronti қисмларига сафарбар этган. Концерт-театр бригадалари ўз репертуарига эга эди. Репертуарларни тузиш учун ёзувчилар, шоирлар, композиторлар жалб қилинган. Ҳар бир жамоа репертуарида концерт дастури, саҳна асари, ташвиқот-тарғибот шаклидаги маърузалар бўлган.

Санъаткорлар яраланган солдатларни ташиш, ярасини боғлаш, тиббиёт ходимларига ёрдам кўрсатишда ҳам фаол қатнашган.

**К**онцерт бригадалари ватандошлари билан она тилида сўзлашишга, яқинлари учун хат ёздиришга, Ватан соғинчини биров бўлса-да қондиришга ҳаракат қилган.

Машхур ўзбек адаби Ойбек концерт бригадаси таркибда 1942 йил 6 декабрдан 1943 йил 5 февралгача Ғарбий фронтнинг олди қисмларида бўлган. У 1965 йилда «Фронт бўйлаб (кундалик дафтаридан)» номли хотираларида жангга киришдан олдин аскарлар билан бўлган учрашувни ёзган. Адиб Ватан соғинчини «ўзбек йигитларининг қуритилган олмалари кўзда нам билан чайнашлари, қайта-қайта саломлашишлари»да қузатган. Гуруҳлар нафақат ўз санъатини намойиш қилган, шу билан бирга, аскарларни ўзбек замини ноз-неъматлари билан меҳмон ҳам қилишган. Бу таркибда раққосалар Зайнаб Полташева, Турсуной Махмудова, хондалар Турғун Каримов, Назрулла Ёқубов, Сония Ягудаева, Тамара Назарова, Муаззам Омонова, Сора Самандарова бўлган. Адиб ёзади: «...саҳнада доира, най ва рубобда куй бошланди. Шойи кўйлақда раққосалар ўйнамоқда. Ўзбек йигитлар «Ҳа, дўст!» деб қийқирадилар. Турли миллат кўшиқлари дилларни сеҳрлади. Концертдан сўнг аскарлар «Кўшиқларингизнинг ҳар бир сатри учун биттадан фашистни ўлдираимиз» деб ваъда бердилар».

**Ф**ронтнинг олди чизигига машхур режиссёр М.Муҳамедов бошчилигида Ўзбек филармониясининг ёшлар бригадаси юборилган. Кейинчалик уларнинг кўпчилиги йирик муסיқачилар бўлиб етишган. Булар гижжакчи С.Алиев, найчи Д.Соатқулов, рубобчилар М.Мирзаев ва Э. Шукруллаев, доирачи Ш.Ҳамдамов эди.

Ўзбек концерт бригадалари орасида Тамарахоним ансамбли жуда машхур бўлган. Мазкур ансамбль Кавказ, Эрон, Узок Шарқ, Мўғулистонда бўлиб қайтган, фронтнинг ғарбий йўналиши – озод этилган Киев, Австрия, Венгрия ерларида ўзбек чогулларининг сеҳрли оҳанги ва Тамарахонимнинг қувноқ лапарларини жаранглатган. 1943 йилда Тамарахоним аёл артистлар ичида ягона капитан унвонига эга бўлган. 80 дан ортиқ тилдаги куй ва кўшиқлар киритилган дастури билан мингдан ортиқ концерт намойиш этган. Тамарахоним барча гонорар маблағларини, ҳатто ўзига тегишли Давлат мукофоти пулларини мамлакат мудофааси учун ўтказган.

Ҳар бир полк, дивизияда санъаткорлар қувонч билан кутиб олинган. Ҳарбийлар улар билан кўзда ёш ила хайрлашганлар. Тақдир урушга боғланган кўплаб аскарлар ҳаётида баъзан бу концертлар сўнги қувонч бўлиб қолган.

Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги артистлар жамоаси Шимолий-Ғарбий фронт (Белоруссия, Украина) ва Москва мудофаа қисмларига хизмат қилган. Гуруҳ таркибда бўлган Коммуна Исмоилова хотираларида бундай ёзади: «Мен фронтга 14 ёшимда кетдим. 1943-1945 йилларда ҳарбийларга концерт бердик. Албатта, кўрчинчи эди, ammo биз кўркўвни энгшига ҳаракат қилдик. Бизга кўркиш мумкин эмас эди. Уруш майдонига уч километр яқинликда ҳам саҳнага чиқдик. Аскарлар томошадан сўнг тўри, баъзан

сўнги жангга кетганлар. Кўплари орқага қайтмаган...»

Муסיқачилар ўша шароитда фронт кўшиқлари яратганлар. Г.Раҳимова ансамблининг асосий репертуарини ўзбек халқ куйлари, ҳажвий кўшиқлар, миллий рақслар ташкил этган. Баъзан концертлар тўсатдан катта йўлларда ҳам ташкиллаштирилиб юборилган.

1944 йилда жамоа генерал-лейтенант М.Кажуков бошқарувидаги 1-танк армияси таркибига юборилади. Гавҳар Раҳимова хотирлайди: «... бизни 1-Украина фронтда кутишаётганини айтишди. Улар Днепрдан ўтиб кетишган, етиб олишимиз учун дарёни кесиб ўтиш керак. Тўртта юк машинасида ўзбек халқининг совғаларини олиб кетяпмиз. Шу билан бирга, реквизишларимиз, чолғу-асобларимиз, саҳна кийимларимиз бор. Днепр ёнида қолиб кетдик. Асабийлашамиз. Ёнимизда яраланган аскарлар ётибди. Улар бизни санъаткор эканлигимизни билишди, жуда нуқулай аҳволда қолдик ва бироз маслаҳатлашиб, юк машинамиз кувозида концертни бошлаб юбордик. Ўзбек



аскарлари ёнимизга келиб, Тошкент, Андижондан эканликларини айтдилар».

Аскарлар ўз тилларида кўшиқ тинглаб, кўз ёш қилишарди. Утган йилларни хотирлаган М.Кажуков: «Кўш таркибига ўзбекистонлик артистлар юборилди. Ансамбль кучли тайёргарликка эга, ўз касбининг усталари эди. Барча қисмларда улар юқори даражада қийишлар қилгандилар», деб ёзган эди. 1945 йил 16 февралда концерт жамоаси 2-Белоруссия қисмига юборилди. Қисм шарқий Пруссияни фашистлардан озод қилиши керак эди. Фронтни бошқарган маршал К.Рокоссовский «Урушдан кейин ҳам биз сизлар билан учрашамиз ва яна бир бор кўшиқ ва куйларингизни тинглаймиз», деган эди. Ансамбль ўз ҳарбий йўлини 1945 йил 29 апрелда яқунлаган ва бутун уруш давомида 1200 концерт намойиш қилган. Гуруҳ аъзолари орден ва медаллар билан тақдирланган.

**Я**нгийўл театри қошида ташкил этилган Собир Азимов раҳбарлигидаги жамоа 1944 йил апрелда 3-Болтиқбўйи фронтга хизмат кўрсатиш учун юборилган ва йи-

гирмадан ортиқ концерт намойиш қилган. Жамоа таркибидеги доирачи Дадахўжа Соттихўжаев шундай эслади: «11 майда биринчи концертни бердик. Аскарлар энди жангдан қайтган эди. Уларга қувонч улашгим келди. «Анджон полкаси»ни зарб билан чала бошладим. Раққосалар оҳангга мос айланарди. Жангчиларнинг ғайрати мени янада илҳомлантирарди. Концерт қоронғугача давом этди. Концерт сўнггида ёнимга рус йигити келиб, сен биз билан қол. Сенинг чолғунг овози пушканинг овозидан ҳам кучлироқ экан. Биз пушқалардан отганимизда, сен доирани чаласан, фашистларни кўрқитамиз, деди. Мен уни бағримга босиб кўчдим».

**У**руш йиллари барча миллатлар бир-бирига қадрдон бўлиб кетган. Хоразм, Бухоро, Фарғона, Тошкент оҳанглари фронт чизикларида янгради. Ўзбек композиторлари янги-янги кўшиқлар яратди. Кейинчалик улар халқ орасида машхур бўлди. Ҳамид Олимжоннинг «Қиз кўшиғи» шеърига Юнус

Ражабий, Воҳид Абдуллаевнинг «Чевар қиз» шеърига Манас Левиев яратган кўшиқлар миллий муסיқа меросимиз олтин фондидан ўрин олган.

Уруш давомида Ўзбекистон санъаткорлари ҳаракатдаги армия учун 3,5 минг, Туркистон ҳарбий округи ва ҳарбий госпиталларда 26 минг концерт дастурларини тақдим этган.

Фронтда театр-концерт жамоалари Иккинчи жаҳон уруши тарихида алоҳида воқелик бўлди. Бу XX аср ярмида Ўзбекистон санъатининг алоҳида ўрганилиши лозим тарихий кесими ҳисобланади. Уруш туғача, санъаткорларнинг аксарияти ўз касбининг усталари сифатида халқимизга хизмат қилди. Урушдаги тезкорлик, мураккаб иш услиби, масъулиятлилик уларнинг бутун фаолиятида ўз самарасини кўрсатди. Инглиз ёзувчиси Сомерсет Мозэм сўзлари билан айтганда, «Иждорлик – фаолиятнинг ўзига хос тури, у ўзидан ўзи қониқиш ҳосил қилиши керак». Фирқимизча, ўзбек санъаткорлари уруш даврида ўз касбларига содиқ қолган, ўзларининг фаолиятдан қониқиш ҳосил қилган. Зеро, фашизм устидан қозонилган буюк ғалабада уларнинг салмоқли хиссаси бор. Буни халқ ҳам, тарих ҳам унутмайди.

# ТУРИЗМ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ СТРАТЕГИК ТАРМОҒИ

86 давлат фуқароларига визасиз ва 57 давлат фуқароларига сод-далаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

**Д**арҳақиқат сўнги уч йилда мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқими кескин ошди. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг, соҳага қаратилаётган эътиборнинг ўрни катта.

Биргина 2018-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган 4 фармони ва 5 қарори эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўрисида»ги қонуни қабул қилинди. Натижада мамлакатимизда маданий-тарихий, зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, иш-билармонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм ҳамда туризмнинг бошқа турлари жадал ривожланмоқда.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга тўхталиб, туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш устувор вазифа бўлиб қолажагини, жорий йилда юртимизга келадиغان туристлар сонини 7,5 миллионга етказиш асосий мақсадлардан бири эканини таъкидлади.

Қатор нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни саёҳатга, албатта, бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. Президентимиз бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз лозимлигини, катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмни жадал ривожлантириш зарурлигини уқитди.

Юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилган. Давлатимиз раҳбари 2020 йилда зиёрат ва аъъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 тага етказиш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 28 январь куни туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Давлатимиз раҳбарининг сазй-ҳаракатлари, амалга оширилаётган ислохотлар самарасида халқимиз фаровонлиги ошмоқда. Табиийки, бу ички туризм имкониятларини кенгайтиради. Юртимизда юзлаб муқаддас қадамжолар бор. Халқимиз азал-азалдан улўғ аждодларимиз хотирасини ёд этишга, зиёрат орқали ўзларини руҳан поклаганга алоҳида эътибор қаратиб келади. Бироқ, давлатимиз раҳбари таъкидланганидек, мамлакатимизда жаҳон стандартларига мос меҳмонхоналар, малакали гидлар етишмайди. Жорий йилда янги замонавий меҳмонхоналарни қуришга давлат бюджетидан 200 миллиард сўм субсидия ажратиш кўзда тутилган. Бунинг натижасида 2020 йилда меҳмонхоналар сони бир минг 700 тага, келгуси 5 йилда 3 мингтагача кўпайтирилади. Яқиндан ташкил этила бошланган оилавий меҳмон уйлари ҳам 2 мингтага етказилади.

Президентимиз йиғилишда сайёҳликнинг аъъанавий турлари

қамровини кенгайтириш билан бирга янги кўринишларини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади. Хусусан, кардиология, урология, стоматология, офтальмология каби мамлакатимизнинг юқори салоҳиятга эга бўлган тиббиёт йўналишларида туризмни ривожлантириш, соғломлаштириш ва дам олиш масканларига стратегик инвесторларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизнинг туристик жозибadorлигини янада ошириш, туризмни иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айлантириш бўйича салмоқли ишлар бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мутасаддиларининг 2019 йилда соҳада амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва галдаги вазифалар ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

– Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, 2019 йилда юртимизга 6,7 миллион хорижий сайёҳ келган, – деди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Абдулазиз Оққулов. – 2016 йил билан қиёслаганда бу – 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демак. Албатта, бу давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган эътибор, амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан соддалаштирилган виза режими билан боғлиқ. Мамлакатга хорижий туристларни жалб этишда замонавий технологиялар ва маркетинг каналлари орқали мамлакат туризм салоҳиятини тарғиб этишнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Шу боис ўтган йили ана шу мақсадда АҚШ, Япония, Германия, Италия, Хитой, Индонезия, Россия ва бошқа давлатлардан 160 дан ортиқ журналист ва блогерлар мамлакатимизга келди. Ўттиздан ортиқ хорижий оммавий ахборот воситаларида, интернет нашрларида, блогерларнинг шахсий саҳифаларида минглаб мақолалар, видеороликлар эълон қилинди.

Сайёҳларни жалб этишда турли оммавий-маданий кўнгилочар тadbирларнинг алоҳида аҳамияти бор. Ўтган йили ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигини инобатга олиб, турли оммавий тadbирлар ташкил этилди.

**Б**ухорода ўтказилган Зиёрат туризми форуми, Сурхондарёда Бахшичилик санъати фестивали, Археология форуми, Хоразмда «Баходирлар ўйини», Қорақалпоғистонда «Мўйноқ» авторалли, «Стихия» мусика фестивали, Навоий вилоятида «Сўзана» сайли, Самарқандда МДХ туризм ярмаркаси, Қашқадарёда Геотуризм форуми, Анор фестивали, Тошкент шаҳрида ташкил этилган Электрон

музыка фестивали, «Gastro bazar», гастрономик фестивали, «World Influencers Congress» конференцияси каби йирик тадбирлар орқали ҳам минглаб хорижий сайёҳлар жалб қилинди.

Миллий туризм брендини тарғиб қилиш мақсадида хорижий мамлакатларда Ўзбекистон туризм бренди элчиси институти жорий этилди. Агар 2018 йилда 4 мамлакат – Австрия, Исроил, Покистон ва Қозоғистонда жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир эта олувчи жамоат ва давлат арбоблари «Ўзбекистон туризм бренди элчиси» сифатида тайинланган бўлса, 2019 йилда яна тўққиз мамлакатда – Индонезия, Россия, Ҳиндистон, Малайзия, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Буюк Британия, Францияда туризм бренди элчилари тайинланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шу йилнинг 28 январь куни ўтказилган йиғилишда сайёҳликнинг аънаваний турлари қамровини кенгайтириш билан бирга янги кўринишларини кўпайтириш, хусусан, зиёрат ва тиббиёт туризми имкониятларидан янада самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Янги туризм йўналишлари ва туризм маҳсулотларини ривожлантириш мақсадида 2019 йилда Бухоро шаҳрида 1-Халқро зиёрат туризми форуми, ўтган йилнинг июль-август ойларида халқро «Crescent Rating» ташкилоти билан меҳмонхоналар учун ўқув курслари ташкил этилди.

«Рамазонни Ўзбекистонда нишонлашнинг 7 сабаби» номли реклама кампанияси жорий этилиб, мамлакат бўйлаб масжидлар жойлашувини кўрсатувчи «Masjid Finder Uzbekistan» номли мобиль илова ишга туширилди.

2020 йилда Бухоро шаҳрининг «Ислому олами маданияти пойтахти» деб эълон қилинганини инобатга олиб, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Иккинчи халқро зиёрат туризми форумини янгиланган форматда ўтказиш режалаштирилмоқда.

«Ўзбекистон зиёрат туризми ҳафталиги» номи остида ўтказиладиган ушбу тадбир «Ўзбекистон исломий мероси» илмий анжумани, «Halal in Travel» конференцияси, Ўзбекистон ислом архитектураси форуми, «Modest-fashion» либослар шоуси, «Halal Chef World» ошпазлар танлови каби турли маданий-маърифий тадбирларни ўз ичига қамраб олади ва Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида ўтказилади.

– Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида бизнинг олдимизга ҳам жуда катта вазифалар қўйилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Фахриддин Давруков. – Хусусан, жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказиш устувор вазифалардан бири экани таъкидланди. Сайёҳлар сонининг ошиши янги меҳмонхоналарга, жойлаштириш воситаларига бўлган талабни кучайтиради. Хизмат кўрсатиш тизимини янада кенгайтириш, сифатини яхшилашни тақозо этади. 2019 йилда мамлакатимизда 274 меҳмонхона барпо этилди ва бугунги кунда бир минг 188 меҳмонхона фаолият юртимизда.

Мамлакатимиз катта туристик салоҳиятга эга, бироқ давлатимиз раҳбари таъкидланганидек, бизда ҳақон стандартларига мос меҳмонхоналар етишмайди. Шунини инобатга олиб, 2020 йилда меҳмонхоналар сонини бир минг 700 тага, келгуси 5 йилда 3 мингтагача кўпайтириш, оилавий меҳмон уйлари сони 2 мингтага етказиш вазифаси белгиланди.

Туризм тармоғига инвесторларни кенг жалб этиш мақсадида уларнинг меҳмонхона қурилиши учун сарфлаган маблағларини давлат бюджетидан қоплаш бўйича Низом ишлаб чиқилган ва ҳукумат қарори билан тасдиқланган.

Субсидия ажратиш жараёни очиклиги ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида меҳмонхоналарнинг сертификация жараёнига «KPMG Audit» ва «Ernst & Young» каби нуфузли халқро аудит компаниялари жалб этилган.

Жойлаштириш воситалари қурилишини рағбатлантириш мақсадида Туркия ва Жанубий Кореянинг тажрибасидан келиб чиқиб, 8 турдаги меҳмонхоналарнинг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди ва инвесторларга – тадбиркорларга бепул тақдим этилмоқда.

Худудларнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш, янги туризм маршрутларини яратиш мақсадида худудлар бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Мазкур қарорлар ҳамда худудларнинг туризм салоҳиятини ошириш бўйича дастурлар асосида 2019 йилда жами 22 та истироҳат боғи, маҳалли ва хорижий туристларга қулайлик яратиш мақсадида худудлардаги турли объектларда бир минг 925 та WiFi-зоналари ташкил этилди, туризм объектларига олиб борувчи йўлларга 598 дан ортиқ махсус туризм йўл кўрсаткичлари ўрнатилди ва уларнинг умумий сони 1032 тага етказилди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шу йилнинг 28 январь куни ўтказилган йиғилишда темир йўл ва авиа йўналишларимиз кенг қамровли ва рақобатбардош эмаслиги кўрсатиб ўтилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Улугбек Аъзамов. – Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг тўртта аэропортида жорий этилган «очик осмон» режимида тўлиқ фойдаланиш, янги авиа йўналишлар очиш, тезор пар поездлар сонини кўпайтириш, чипталар нархини арзонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш орқали сайёҳлар оқимини ошириш юзасидан 2019 йилда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистонга ҳафтасига 7 маротаба «Flydubai» (БАА) лоукостери уча бошлади, Тошкент-Тбилиси-Тошкент йўналиши бўйича янги авиарейс очилди, «Қарши», «Нукус», «Термиз» ва «Бухоро» халқро аэропортларида «очик осмон» режими жорий этилди, «E-ticket» онлайн билет сотиш тизими ишга туширилди, «ИрАэро» авиакомпанияси томонидан Санкт-Петербург-Қарши-Санкт-Петербург ва Москва-Андижон-Москва йўналишлари бўйича янги авиақатновлар йўлга қўйилди. Бироқ бу борадаги ишлар ҳали талаб даражасида эмас. Шу боис ушбу йўналишда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шу ўринда туризм соҳасидаги жамоат ташкилотлари фаолиятини институционал қўллаб-қувватлаш орқали сайёҳларни жалб қилишга эришилаётганини айтмоқчиман. 2019 йилда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондига тегишли тартибда тақлиф ва йўналишлар тақдим этилиб, туризм соҳасидаги жамоат ташкилотларига жами 400 миллион сўм маблағ давлат ижтимоий буюртмаси сифатида ажратилди.


Жамоат фонди билан ҳамкорликда туризм ва маданият соҳаларида давлат грантларини ажратиш бўйича танлов ўтказилди. Натижада маданият ва туризм рақиқига қаратилган 50 лойиҳа 1,5 миллиард сўм миқдориде молиялаштирилди.

Қўмита томонидан 2020 йилда туризм соҳасидаги жамоат ташкилотларига 3 миллиард 300 миллион сўм миқдориде давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат гранти ажратиш кўзда тутилган.

Ватанимиз дунё сайёҳлари эътиборини тортайтири. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Гап ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш ва туризм соҳасининг Ўзбекистон иқтисодиётининг энг етакчи тармоғига айлантира билишдадир.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**  
журналист

**Моҳинур ИМОМОВА,**  
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси  
матбуот хизмати ходими



Комил ЮСУПОВ:

# КУРАШ ОЛИМПИАДА

*Фараз қилинг, дунёнинг қайсидир шаҳрида Олимпиада ўйинлари давом этмоқда. Ўн минг томошабин сифатидан зал ишқибозлар билан лиқ тўла. Бошловчи баланд овозда кураш бўйича мусобақаларга старт берилишини эълон қилади. Шунда бирдан қалбингизни фахр-ифтихор туйғулари эгаллаб, қувончдан энтикасиз, кўзингизга ёш келади. Ахир, бу – бизнинг курашимиз, яқин-яқингача тўйларимиздан бошқа жойда тан олинмаган ўзбек кураши. У Олимпиада ўйинлари таркибидан ўрин олди...*

*Ишончимиз комилки, шундай кунлар яқин.*

Ўзбек кураши фидойиси, халқаро кураш қоидалари муаллифи **Комил ЮСУПОВ** билан суҳбатимиз курашнинг бугунги аҳволи ва келажаги ҳақида бўлди.

– **Комил ака, бугун кураш жаҳон спорт турлари сафидан мустақим ўрин эгаллади. Аммо уни тан олдириш, дунёга олиб чиқиш осон кечгани йўқ. Шундай эмасми?**

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев спортнинг барча турлари қатори миллий курашимиз ривож ва унинг келажагига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бинобарин, мамлакатни, миллатни дунёга танитишда спортнинг ўрни беқиёс. Курашимиз Олимпиада ўйинлари сафидан ўрин олиши учун дадил қадамлар ташлаётгани қувонарлидир.

Истиқлолгача миллий курашимиз расман тан олинмаган. Кураш бўйича мусобақалар асосан Наврўз, ҳосил байрамларида, тўйларда ўтказилар эди. Шу боис ўзбек курашчилари халқаро мусобақаларда қатнашиш учун самбо, дзюдо каби спорт турлари билан шуғулланишга мажбур эди. Улар мусобақаларда миллий курашимиз усуллари билан рақибларини енгиб, барчани лол қолдирарди.

Отам катта полвон бўлган. Биз оилада етти ака-укамиз. Мен кенжасиман. Акаларим қатори ёшлигимдан курашга қизиққанман, тўйларда кураш тушиб совринлар олганман. Йиллар ўтиши билан менда ҳам халқаро мусобақаларда, жаҳон чемпионатларида, Олимпиадаларда иштирок этиш иштиёқи туғилди. Шу боис Тошкентга келгач, самбо билан жиддий шуғулландим. Бир қатор собиқ иттифок, халқаро турнирларда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олиб, кейинроқ халқаро тоифадаги спорт устаси уنونини қўлга киритдим.

Олимпиада ўйинларида иштирок этиш мақсадида япон кураши – дзюдо билан ошно бўлдим. Дзюдо бизнинг миллий курашимизга жуда яқин. Дзюдо бўйича республика, собиқ иттифок чемпионати ва кўплаб халқаро турнирларда юқори поғоналарга кўтарилишга ҳаракат қилдим.

Баъзан халқаро мусобақалардан кейин мен қўллаган кураш усуллари япониялик мураббийлар ва дунёдаги дзюдочиларни қизиқтириб қолиб, улар бу усуллари қаердан ўрганганимни сўрашарди. Мен фахрланиб, миллий курашимиз, унинг усуллари ҳақида сўзлаб берардим. Шу суҳбатлардан сўнг қалбимда курашимизни ҳам катта майдонга олиб чиқсак бўларкан, деган орзулар туғилган.

Мени бир нарсга қийнади. Собиқ иттифок даврида халқаро мусобақаларга асосан россиялик спортчилар борар эди. Бир неча марта турли мусобақаларда ўз вазн тоифада биринчи

рақамли спортчи эканлигимни исботлаган бўлсам-да, сўнгги фурсатда нимадир рўй берарди. Масалан, 1980 йил Москвада ўтган ёзги Олимпиадада қатнашиш учун асосий даъвогарлардан эдим. Аммо Подольск шаҳрида ташкил этилган тайёргарлик жараёнида тўсатдан овқатдан касалландим. Врачлар бир ой ўрнимдан турмасдан ётишимни буюрди. Шундай қилиб, Олимпиадада қатнаша олмадим. Юрагимда бир армон, шубҳа қолган...

Бир кун қизиқ туш кўрдим. Катта кураш мусобақасида ҳакамлик қилаётган эмишман. Рақибнинг икки курагини ерга текизган полвонга «ҳалол», кураш пайтида рақибига кўполлик қилган полвонга «гирром» деб баҳо берармишман. Эртаси кун шу туш баҳона ўзбек курашининг қоидаларини, уларда ишлатилиши лозим бўлган сўзларни ёзиб чиқдим. Кейин ҳар бир сўзнинг ишлатилиш ўрнини белгилаб, шу асосда кураш қоидаларини ишлаб чиқдим.

– **Тушунмадим, илгари ҳам кураш қоидалари бўлган-ку. Тўйлардаги, байрамлардаги кураш мусобақалари шу қоидалар асосида ўтган-ку...**

– Гапингиз тўғри, лекин халқаро мусобақалардаги қоидалар биз фойдаланиб келган қоидалардан тубдан фарқ қилади. Дейлик, тўйда курашга тушган икки полвон бири ғолиб чиққунча курашаваради. Аммо расмий мусобақаларда бунинг имкони йўқ, вақт чегараланган бўлади. Шу боис кураш қоидаларига вақт, вазнлар, ёшлар аниқ киритилди.

Кейин навбат либосларга келди. Ахир, алоҳида спорт тури бўлгандан сўнг унинг либоси ҳам бўлиши керак-да. Тўйда ҳар ким топганини кийиб, курашиб кетаваради, расмий мусобақада бундай бўлмайди. Хуллас, либос алоҳида ажралиб туриши, бошқаларда ҳавас ўйғотиши лозим эди. Шу тахлит байрогимиз рамзи акс эттирилган кураш либослари пайдо бўлди. Кейин кураш тушиладиган гилам қанақа бўлиши, мусобақалар қандай ўтказилишини белгилаб олдик.

Тўғриси айтман, курашни жаҳонга олиб чиқиш осон иш эмасди. Шунга алоҳида таъкидлаш лозимки, курашимизнинг битта устунлик томони бор. Унинг негизда йиқилгани тепмаслик, энг муҳими, миллатимизнинг бағрикенглиги ва ҳалоллиги ётади. Буни дунё халқлари тезда англаб етди.

– **Курашимизнинг бугунги ҳолатга келишида, халқаро миқёсда тан олинмишида ҳукуматнинг, жамоат ташкилотларининг ҳам иштироки бўлгандир. Шулар ҳақида ҳам мухтасар гапириб берсангиз?**

– Қоидалар яратилгач, биз аввал вилоятларда кўрғазмали чиқишлар қилиб, ўзбек кураши энди шунақа бўлиши, шу қоида-

# ҲИММЛАРИГА ҚИРИШИГА ИШОҚАМАН

лар асосида дунёга чиқишини тушунтирдик. Кимлардир бизни қўллаб-қувватлади, кимлардир ишонсизлик билдирди. Лекин биз ҳаракатдан тўхтамадик. Вазиятни Биринчи Президентимиз Ислам Каримовга тушунтирдик. У киши бизни қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, Қашқадарёнинг Мираки қишлоғида биринчи марта янги кураш қондалари асосида Ўрта Осиё турнири ташкил этилди. Ушбу турнирдан кейин халқимиз орасида замонавий курашимизга қизиқиш кучайди. Президент соврини учун халққаро хотира турнирлари ўтказиш аъёнага айланди.

1998 йилнинг 6 сентябри ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан бири бўлиб қолган. Энг катта орзуим бўлган курашимизни дунёда тарғиб қилиш учун халққаро спорт ташкилоти тузиш пайти келган эди. Ўша кунни Тошкентда ўтган конгрессда 28 давлатдан келган вакиллар иштирокида Кураш халққаро ассоциацияси (ИКА) ташкил этилди. Ассоциациянинг фахрий президенти этиб Биринчи Президентимиз Ислам Каримов сайланди.

Одатда бирор-бир миллий спорт турини дунёга олиб чиқиш ва мусобақалар ўтказиш учун камида 40-50 йил керак бўлади. Ўзбек кураши бу йўлни атиги 7 йилда босиб ўтди.

Олдимизда янада масъулиятли вазифалар турарди. Кураш бўйича халққаро мусобақалар ўтказишимиз керак эди.

1999 йилнинг 1-2 май кунлари мамлакатимиз кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатига мезбонлик қилди. Унга беш қитъанинг 54 мамлакатидан полвонлар келди.

Иккинчи жаҳон чемпионати Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтди. Унда 40 давлат полвонлари чемпионлик учун кураш олиб борди. Шундан сўнг чемпионати ўзида ўтказишни хоҳловчи мамлакатлар кўпайди. Учинчи жаҳон чемпионати Венгрияда ташкил этилди. Кейинги чемпионатга эса Арманистон пойтахти Ереван мезбонлик қилди. 2000 йилдан бошлаб ўзбек кураши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказиш йўлга қўйилди...

Бизнинг асосий мақсадимиз курашни Олимпиада ўйинлари сафига қўшиш. 2002 йилда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтган XIV Осиё ўйинларида ўзбек кураши тақдироти бўлиб ўтди. Натижада 2006 йилда Қатарнинг Доха шаҳрида ташкил этилган XV Ёш Осиё ўйинларига кураш ҳам киритилди. Шундай қилиб, миллий курашимиз Осиё Олимпиадаси деб юритиладиган катта майдонга чиқди.

Бугун кураш жаҳонни эгалламоқда. Барча қитъаларда кураш бўйича чемпионатлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Давла-

тимиз раҳбари томонидан кейинги уч йилда кўрсатилаётган эътибор курашимизни янги тарихий босқичга қўтарди. Мамлакатимизда бу миллий спортимизни янада ривожлантириш учун жуда улкан ишлар қилинмоқда. 2017 йилнинг 2 октябрь кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатда ўзбек кураши асрлар давомида мардлик, бағрикенглик, олижаноблик ва ҳалоллик тимсоли сифатида эъзозланиб келингани, у ўзбек халқининг тарихий ме-



роси экани қайд этилиб, бугунги кунда «кураш», «ҳалол», «таъзим», «тўхта», «ёнбош» «чала», «дакки», «танбех», «ғирром», «бекор», «тенг» каби ўзбекча атама-лалар халққаро спорт луғатидан мустақам ўрин эгаллагани таъкидланган. 6 сентябрь – Кураш миллий спорт тури кунини, деб белгиланди.

– Бирор спорт турининг Олимпиада ўйинлари сафидан жой олиши учун қандай талаблар қўйилади? Ўзбек кураши бугун шу талабларга жавоб берадими?

– Аввало, спорт турини 75 мамлакат тан олиши керак. Иккинчидан, бундай спорт тури билан эркаклар ҳам, аёллар ҳам тенг шуғулланиши лозим. Учунчидан, жаҳонда оммабоп

спорт турига айланиши ва дунё спорт федерацияларини бирлаштирувчи халққаро ташкилотга, шунингдек, ЖАДА – Жаҳон антидопинг агентлигига аъзо бўлиш лозим. КХА 2011 йилдан бу ташкилот аъзоси. Хуллас, Олимпиада ўйинлари рўйхатидан жой олишимиз учун барча талабларга жавоб берадиган даражада ишлар олиб борилди.

Юқорида кураш илгари фақат тўй ва байрамлар спорти бўлганини айтдим. Шу боис, гарчи дoston ва термаларимизда, эртақларимизда паҳлавон, чаққон, мард қизлар ҳақида айтилган бўлса-да, кейинги бир-икки асрда қизларимиз кураш билан шуғулланмаган десак, хато бўлмайди. Ҳозир бу ҳам йўлга қўйилди. Бугун минглаб қизларимиз кураш билан шуғулланмоқда. Улар жаҳон ва қитъа чемпионатларида қадимда боболари ва момолари ким бўлганини рақибларига кўрсатиб қўймоқда. Кураш юқоридаги талабларга тўла жавоб беради. Кураш энг қадимий миллий қадриятларимиздан бўлиб, дунёда жадал ривожланаётган энг ёш спорт тури ҳисобланади. 2028 йилги Олимпиада ўйинларида кураш бўйича ҳам мусобақалар ўтказилишига ва у жаҳон полвонларининг энг сеvimли спорт турларидан бўлиб қолишига қатъий ишонаман.

– Биз ҳам бунга астойдил ишонамиз.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ суҳбатлашди.



# ХАЛҚ ҚАЛБИГА ЙЎЛ

(Бошланиши 16-17-бепларда)

Бу эса мурожаатларни жойида текшириб кўриш имкониятини ҳам яратмоқда. Масалаларни ҳал қилишда аҳоли фикрига асосланиб, ҳар бир ишда одамлар билан кенгашилмоқда. Раҳбарларнинг энг олис, чекка овули ва қишлоқларда пою либда юриб, эл билан бирга яшаб кўраётгани эса ҳар бир раҳбарнинг аҳоли қандай кун кечириётгани, қандай нафас олаётганини ўз орақ призмасидан ўтказишига табиий имконият ва шароит дейиш мумкин.

Яна рақамларга мурожаат қиламиз. 2019 йилда Президент Администрацияси масъул ходимлари, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси каби йигирмага яқин вазирликлар, қўмиталар, республика ташкилотлари, вилоятлар, туман ва шаҳарлар секторлари раҳбарларнинг 55 мингдан зиёд оммавий қабули ташкил қилинди. Қабулларда 453 минг 100 нафар мурожаатчи турли соҳаларга оид 466 мингдан зиёд масала кўтарди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жами мурожаатларнинг 189 минг 530 таси жойида ҳал қилинди. 184 минг 755 дан ортиқ мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳат берилган бўлса, 91 минг 710 дан кўпроқ мурожаат назоратга олинди. Бунда, айниқса, аҳолининг бирламчи ҳаётий масалалари бўлган ички йўллари таъмирлаш, электр энергияси, газ, ичимлик суви таъминотини барқарорлаштириш, уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга устувор аҳамият қаратилгани халқимизни ҳаётдан рози қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йили Қорақалпоғистонда ўтказилган оммавий қабулларнинг бирида Чимбой тумани «Макон» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Кўкчақалъа қишлоғи ахли Ўзбекистон автомобиль йўллари қўмитаси масъулларига «Биз неча йилдан бери чанг-лой босиб юрган кўчалардан сизлар ҳам бир юриб кўрин», дейишди. Масъуллар қабулдан чиқиб, қишлоққа боришди. Чиндан ҳам тупроқ йўлдан юргилиги йўқ; битта машина ўтса, чанг-тўзон осмонга ўрлайди, қишда эса бу кўча нақ ботқоққа айланади. Йўл соҳаси раҳбарлари шу тупроқ йўлда юриб, бу шу чанг-тўзон ичида нафас оларкан, ўзларига ҳам, аҳолига ҳам «шу бугун шу овулнинг йўлини созлаб бермасдан ҳеч қайқа кетмаймиз», деб сўз берди. Изласа имкон топилади.



Бир соат нари-берисиди ўнга яқин машинада қум-шағал олиб келиниб, тупроқ йўлларга тўшалди. Йўл муаммоси ҳал бўлди.

Хўжайли тумани қишлоқларидан биридаги уйлар деразасидан туриб турган хира чироқ нури, қишлоқни қамраб олган қоронғулик йўл бўйидан ўтиб кетаётган «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти раҳбарларини тўхташга мажбур қилди. Вақт ҳуфтондан ўтган бўлса-да, мутасаддилар кўлчиқроқни ёқиб, уйма-уй юришди, жондонлар оша мавжуд муаммонинг ичига киришди. Массив аҳолиси билан суҳбатда аён бўлдики, бу қишлоқда электр энергияси билан боғлиқ талай муаммолар бор: худуддаги электр истеъмолчилари эҳтиёжи билан трансформатор қуввати ўзаро мос эмас, мавжуд трансформатор етарлича қучланишли электр энергияси етказиб бера олмапти.

Мулоқотлардан сўнг шу жойнинг ўзида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Эртаси кuni янги трансформатор пунктини ўрнатиш ишлари бош-лаб юборилди. Куннинг биринчи яримда мазкур қишлоқдаги уйларга етказиб берилаётган электр қуввати талаб даражасига келтирилди.

2019 йили Навоий вилоятда ўтказилган оммавий қабулларнинг би-

рида жазирамани жазирама, изгиринни изгирин демай, қум кечиб меҳнат қилаётган чўпонлар ҳолидан хабар олинди. Урганишлар Учқудуқ тумани яйловларидаги мавжуд 128 та сув қудугининг 53 фоизи техник яросиз ҳолатда эканини кўрсатди. Шундан сўнг 2020 йилда мақсадли дастурлар доирасида Учқудуқ яйловларида 5 та янги сув қудуги қазиб, 5 та қудуқни таъмирлаш ишлари бажариладиган бўлди.

## МУРОЖААТЛАР ТАҲЛИЛИ – ДАСТУРЛАР АСОСИ

Янги тизим ва стратегия асосида ташкил этилаётган бундай учрашув ва жонли мулоқотлар натижаси ўлароқ муаммоларни тизимли ва манзил-ли ҳал қилиш механизми амалиётга янада чуқур татбиқ этилмоқда. Муайян ҳудуд, муайян бир соҳага доир муаммолар аниқланиб, уларни баргараф этиш юзасидан «йўл хариталари» ишлаб чиқилаётгани одамларни қийнаб келаётган масалаларни ечиш баробарида, шаҳар ва қишлоқларимиз қиё-фасини тубдан ўзгартириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини яратиш орқали худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кучли туртки бўлмоқда.

Бошқача айтсак, мурожаатларда баён қилинган масалалар дастурлар-га, дастурларнинг ҳаётга кўчиши – халқ фикри ҳар бир соҳа ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг халқчил, самарали стратегия-ларини ишлаб чиқиш учун асос бўлишига хизмат қилмоқда. Бугун Ўзбе-кистоннинг янги қиёфасини яратишга хизмат қилаётган «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари, «Обод марказ» лойиҳаси айнан аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар таҳлили асосида яратилгани фикримизга яққол дали-ли бўла олади. Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани Манас қишлоғидан бошланган бу эзгулик ҳаракати бутун мамлакатимизни қамраб олиб, ўтган йил ҳам катта куч-ғайрат билан давом эттирилди.

2019 йилда Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятларининг барча туман марказлари янгидан барпо қилингани, янги-янги объектлар, маданият масканлари, сўлим хиёбонлар бунёд этилгани, Сурхондарёнинг Шарғун шаҳарчаси, Бухоронинг Қорақўл тумани маркази, Фаргонанинг анклав ҳудуддаги Сўх тумани маркази, Қашқадарёнинг Толлимаржон шаҳарчаси то маънода қайта қурилгани, Андижоннинг Боғишамол даҳасида минг уйли янги массив пайдо бўлгани, обод бўлган ҳар бир манзил-мақолада минглаб инсонларнинг қалб ҳарорати, юз-кўзларида барқ уриб турган ҳа-ётдан розилик муждалари сизга-да кўчади.

Аҳоли мурожаатлари асосида йўлга қўйилган яна бир механизм туфай-ли шу пайтгача 8 минг 840 нафардан зиёд уй-жойсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногиронлиги бор шахслар, Меҳрибонлик уйлари тарбия-ланувчилари, оғир аҳолдаги хотин-қизлар имтиёзли кредит ёки доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида уй-жой ҳамда доимий иш билан таъминлан-гани давлатимиз раҳбарининг инсон омилига қаратаётган юксак эътибори, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакилларига кўрсатилаётган чексиз меҳр ва ғамхўрликнинг олий намунаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шундай амалий саъй-ҳаракатлар туфайли Президент виртуал қабулхонасига уй-жой билан таъминлаш масаласидаги мурожаатлар 1,7 баравар камайди. Шу жараёнда биргина 2019 йилда хотин-қизлар банд-лигини таъминлаш мақсадида 111 тикув-трикотаж мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилиши билан 75 тумanning энг чекка худудларида яшовчи 35 мингга яқин хотин-қиз учун доимий иш ўринлари яратилди.

Барча фикрни бирлаштирган ягона махраж – ҳаётий ҳақиқат шуки, Президентимиз асос солган халқ билан мулоқот механизми туфайли Ўз-бекистонда ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган яхлит тизим яра-тилди. Халқ қабулхоналари институти, мамлакатимиз раҳбари бундан уч йил аввал белгилаб берганидек, «халқ манфаатларини таъминлайдиган, одамлар ишончини қозонадиган даргоҳга, адолат замини»га айланди.

Ҳал бўлаётган ҳар бир мурожаат ортида ўнлаб, юзлаб инсонлар ҳаёти-даги ўзгаришлар, уларнинг ҳаётдан розилиги мужассам экани халқ билан мулоқот тизими халқ қалбидан бошланган тараққий магистрални қилиб яна бир ҳаётий исботдир. Халқ қабулхоналари институти бугун мамлака-тимизни янгилашнинг яхлит платформасига, барча соҳа, йўналиш ва ҳу-дуддаги ҳақиқий аҳволни кўрсатадиган индикаторга, жамият кайфиятини ўрганиш барометрига айлиб бораётгани ҳар бир бўғиндаги раҳбарни рост яшашга, рост ишлашга ўргатмоқда. Бу – нафақат бугунги шиддатли даврнинг ҳақли талабига креатив жавоб берилаётгани, балки келгуси ав-лодлар биздан кўра тўғиб ва бахтли яшаш учун мустақкам асос яратила-ётганини ҳам аңлатади.

Умид ЁҚУБОВ

# Мақдир ва санъат

Профессор Адиба Носированинг «Санъат менинг тақдиримда» китобини ўзгача завқ ва қизиқиш билан ўқидим. Китоб номи топиб қўйилган, теран маънога эга. Зеро, профессор устознинг бутун онгли ҳаёти санъат билан боғлиқ. У киши аввал актриса, кейинчалик педагог сифатида санъатимиз тараққиёти, санъаткор ва санъатшунослар тайёрлаш йўлида фидокорона хизмат қилди. Зеро, устоз ўз тақдирини санъатсиз тасаввур қила олмаган.

Кўплаб шогирдлари қатори мен ҳам Адиба Носированинг таълим-тарбияси, оналарча меҳрибонлигидан бахраманд бўлганман. Китобни мутолаа қилиб амин бўлдимки, тўпلامда устознинг ҳаёти, фаолияти, эришган ютуқлари яққол акс этган.

Меҳр ва истара...

Бу икки сўз замирида устоз Адиба Носированинг нигоҳи, майин табассуми ва албатта, таълим-тарбия борасидаги бекиёс хизмати мужассам. Қай замонда яшамайлик, қайси касбда ишламайлик, неча ёшда бўлмайлик ҳар биримиз устоз меҳридан бахраманд бўлганмиз.


Шогирд камоли устоз орзуларининг рўёбидир. Устозга эргашиб, унинг йўл-йўриғи, маслаҳатига амал қилган шогирд иқболи, шубҳасиз, порлоқ.

Адиба Носирова камтарин, ширинсухан, маънавий баркамол, моҳир ва тажрибали педагог сифатида санъат аҳли, хусусан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси орасида чексиз хурматга сазовор эди. Устоз меҳрибон она сифатида фарзандларини ҳам илм йўлига чорлади.

Устозлари Назира Алиева, Лола Хўжаева ижод мактабини давом эттирган ҳолда, педагогик фаолиятида ўзига хос мактаб яратди олди. Адиба Носирова ушбу мактабнинг энг муҳим бўғини – саҳна нутқини такомиллаштиришда комплекс машқлардан фойдаланиш, машқлар орқали талаба нутқини бадиийлик даражасига кўтариш мумкинлигини исботлади. У киши ҳар бир сўз устида соатлаб меҳнат қиларди. «Ҳар бир талаба мен учун бир ирмоқ. Йўлини очсанг, ирмоқ дарёга, уммонга айланиши мумкин», дея таъкидларди доим. Санъат йўналишида таҳсил олаётган ҳар бир талаба ўзига хос индивид эканлиги, уларнинг ҳар бири қалбига йўл топиш кераклигини ўқитиб, шогирдларига ҳам шундай иш

юритишни ўргатарди.

Адиба опа шогирд тайёрлашда талабанинг нафақат ижтимоий келиб чиқиши, балки маънавий қиёфаси ҳақида ҳам билишни хоҳларди. Шу мақсадда ёшлар билан соатлаб, кунлаб, ҳатто ойлаб гаплашишдан эринмас эди. Талабанинг қаерда, кимнинг қўлида ўқигани, айниқса, қандай китоблар мутолаа қилиши билан ҳам қизиқарди. Шундан сўнг ўзининг мустақил репертуари асосида талабанинг овоз имкониятини ўрганарди, нутқидаги ижобий ва салбий хусусиятларни текшириб кўрарди ва керакли маслаҳатлар берарди.



Адиба Носирова мактабининг энг намунали жиҳати таълим ва тарбиянинг узвийлиги, узлуксизлигидадир. У машғулота нафақат таълим, балки тарбияга ҳам алоҳида эътибор қаратарди. Айниқса, қизларни қаттиқ назорат қилиб, улар билан тез-тез алоҳида гаплашиб турарди. Талабадан нафақат вазифаларни бажаришни талаб қилар, балки унинг яшаш шароити, кийиниши, юриш-туришини ҳам суриштирар эди.

Устоз ўқув машғулотларида миллий этаримиз ижодий мактаби аънаналари билан бирга замонавий педагогик технология

усулларидан ҳам кенг фойдаланарди.

Адиба Носирова фаолияти давомида саҳна нутқи, сўз санъати, бошловчилик маҳорати, нутқ маданияти, нотиклик соҳаси ривожига катта ҳисса қўшди. «Жонли сўз санъати асослари», «Саҳна нутқи» каби дарслик ва қўлланмалар яратди, юзга яқин илмий мақолалар нашр эттирди.

«Санъат менинг тақдиримда» асари устознинг ҳаёт йўли, педагогик фаолияти ва илмий тажрибаларининг жамланмаси, дейиш мумкин.

Китоб уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлимдан устознинг саҳна нутқи, нотиклик санъатига бағишланган республика ва хорижий илмий журналларда нашр этилган мақолалари, иккинчи бўлимдан публицистик мақолалари ва учинчи бўлимдан соҳага оид интервьюлар ўрин олган.

Саҳна санъати йўналишида тадқиқот олиб бораётган ёш олимлар учун методологик манба бўлиб хизмат қиладиган мазкур китобда саҳна санъатининг гулжози саналмиш сўз санъати ва саҳна нутқининг тарихи, тараққиёти ва истиқболи ҳақида сўз юритилган.

Бир куни қорни оч киши кўл бўйида балиқ тутиб ўтирган одамга дуч келибди ва унга дебди:

– Очман, менга ёрдам бер!

Балиқчи жавоб берибди:

– Мен сенга балиқ беришим мумкин.

Сен тўясан ва бироз ўтгач, қорнинг очқаб яна ёрдам сўрайсан. Мен сенга қармоқ беришим мумкин, лекин қармоқ ҳам қачондир синади, кейин яна менга мурожаат қилишинга тўғри келади. Яхшиси, мен сенга қармоқ ясашни ўргатаман. Тўғри, бу қийин иш, бироқ кейинчалик сенга менинг ёрдамим керак бўлмайди. Ўз йўлингни танла...

Адиба Носирова ҳам худди шундай талабани касбининг ипидан игнасиғача биладиган хунармандга айлантирар эди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча худудларида Адиба Носированинг шогирдлари бор. Улар устоз йўлини сидқидилдан давом эттиришмоқда. Демак, устоз шогирдлари ва китоблари, фарзандлари тимсолида яшамоқда.

**Жаҳонгир МАМАТҚОСИМОВ,**  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори



# Хар катими ~ меҳнат, хар нақши ~ санъат

*Гилам тўқиш энг қадимий, кенг тарқалган бадиий ва амалий санъат турларидан бирidir. Чорвадор халқлар азал-азалдан жун маҳсулотларидан гилам тўқиш, кигиз босишни санъат даражасига олиб чиққан. Гилам маҳсулотлари бадиий тўқимачиликни ифодалаб, олача, шолча, хуржун, кигиз, наMAT сингари турларга бўлинади. Толавий таркиби, тўқилиш ва пардозлаш тури гиламнинг қўлланиш хоссаларини белгилайди. Гилам ишлаб чиқариш жараёни хомашё таркибини танлаш, ипни тўқишга тайёрлаш ва бўяш, гилам тўқиш ва пардозлашдан иборат.*

Дунёда кўплаб машхур гиламчилик аънаналари мавжуд. Доирасимон шаклда ишланадиган Эрон гиламларида, асосан гул, ўсимлик, қуш, ҳайвон тасвирланади. Хитой гиламлари туқларнинг нақши ҳар хил меъёрда қирқилиб, рельеф ҳосил қилинган, тасвир замини қисқароқ тукли қилиб ишланади. Озарбайжон, туркман, арман гиламлари ипаги, ранги, нақшлари билан ажралиб туради. Сюжетли нақш, манзара, гул солинган Европа гиламлари ҳам ўзига хос.

Ўзбекистон худудида гилам тўқиш қадимдан ривожланган. Безагида гул, ислимий, гирих, уруғ тамғаси ва йўлбарс, олма гули, узум, занги, туя бўйни қалқон, айниқ-

са, олқор шохи тасвири кенг тарқалган. Ўзбек гиламларидан араби, тақир, ғажари, терма, етти илли, шатранж, чархпалак, қоқма, қиз гилам, пояндоз гиламлари ўзига хос технологияда яратилган. Ўзбек гиламлари ишлаб чиқариш усулига кўра қўл ва дастоҳ гилам турига бўлинади. Қўл гиламлари ўз навбатида тукли ва туксиз гиламлар синфига бўлинади. Қўл гиламларини тўқишда жун, пахта, ипак ва каноп, зигир толалари хомашё сифатида ишлатилади.

Гиламлар нақш турларига кўра геометрик ва гулли бўлиши мумкин. Араби турдаги гиламларга қоқма, терма ва ғажари гиламлар киради. Бунда асос ин-

гичка, узун чизиқлар билан тайёрланган. Ҳар бир ингичка йўлакчада 7-8 хил катта-кичик турли рангдаги йўлакчалар бор.



Узун тўқилган ингичка дастоҳдан чиққан гилам бир неча бўлакларга бўлиб кесилади ва бир-бирига бирлаштириб, ён томони билан тикилади. Кесиш жараёнида гилам уй хоналарининг знига қараб таққослаб кесиб олинади. Туксиз гиламлардан хуржун, катта қоп, тўшамча, жойнамоз тайёрланган.

Қоқма гиламлар энг оддий туксиз гиламлар сирасига киради. Ундаги тасвир бўялган ип турига қараб белгиланади. Бундай гиламлар, асосан, жун маҳсулотларидан, пахта толасидан йигириб тўқилади. Туксиз гиламлар орасида энг мураккаби терма, шойи ҳисобланади. Бунда ишлатиладиган ип турли рангга бўялади, қўлланиши ҳам мураккаб кечади.

Тақир гиламнинг жуда кўп хусусият-

лари мавжуд. Пахта ипидан тақир гилам тўқилганда эса энг оддий нусхалари тўқилади, сабаби пахта ипи жун ипидек муштаҳкам эмас.

Напрамач – кийимлар, ҳўжалик ашёларини сақлаш учун қўлланадиган безакли қўлда тўқилган халта, сандиқ вазифасини бажарган. Напрамачни тайёрлаш учун, худди бошқа халта ва қопларда ишлатилгандек, фақатгина юза томонларигагина гилам маҳсулотлари ишлатилган, иккинчи тарафига оддий, безаксиз, жун матодан қўйилган. Тўрва ва хуржунлар ҳўжалик учун ишлаб чиқарилган. Кам ҳолларда бозорга чиққан. Айни пайтда республикамиз музейларида напрамачларни кўриш мумкин.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида гилам турлича усулда тўқилади. Самарқанд вилоятида ажойиб узун туқли жулхирслар тайёрланади. Уларнинг гули ва ранги қизил, жигарранг ҳамда тўқ қизил турланади. Баъзан турли гулли ёрқин контраст ранглар уйғунлаштириб тўқилади. Сурхондарёда гилам тўқиш жараёни ўзига хос анъана ва ишлаб чиқариш усулларига эга бўлган ҳунармандлик мактабларида вужудга келган. Ушбу мактабларда яратилган маҳсулотлар бетакрор шакл ва безаклари билан ажралиб турган.

Хива, Андижон, Ургут, Қарши ва бошқа жойларда тўқима гиламлар тайёрланади. Улар ўзининг ўсимликсимон, геометрик нақши, бежиримлиги, табиийлиги ва сифати билан машҳур.

Қўлда тўқилган гилам туқи, нақш му-

жасамоти асос ипига рангли иплардан туғиб, бандлар ҳосил қилиб яратилади, тугун учи матонинг юза томонига чиқариб текис қирқилади, ҳар бир қатордан сўнг арқоқ ипи ўтказиб махсус темир тароқда уриб аввалгисига маҳкамланади. Тайёр гилам махсус моддалар ёрдамида ювилади.

Марғилон, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Андижонда гилам тайёрлаш ўзининг нақши, ишлатиладиган хомашё тури, тўқишиш ва бўялиш техникаси билан ажралиб туради. Наманган «Водий ипак гилами» гиламларида ипак хомашё сифатида ишлатилади. Қўлда тўқилган ипак гиламларда бир миллиондан икки ярим миллионгача тугунлар бўлади ва битта катта гиламни тўртта тўқувчи икки йил тўқийди.

Кигиз бошқа гиламлар сингари тўқилмайди, аввал жун титилади, сўнгра табиий рангларга бўялади. Буёқлар анор пўчоғи, ўрик томири, ёнғоқ, пиёз пўстлоқларидан олинади. Шу жараёнларда янги ранглар кашф этилади. Турли рангларга бўялган жунлар қўлда ёнгилгина эшилиб, сўнгра улар ёрдамида ерда чиройли нақшлар ясалади.

Туқли ва туқсиз гиламларни тўқиш техникаси ҳар хил. Умумий жиҳати иккиси ҳам кенг ўқли тўқув дастгоҳида тўқилади. Бунинг учун бўлажак гилам боши ва охирига маҳкамланган икки текис хода ёки темир қувур бойлаб танда ипи таранг тортилиб, белёғочга асос иплар боғлангач, оёққа тургизилади. Текислагич ўрна-

тилгандан кейин тўқишга тайёр бўлади. Туқсиз гиламларда текис юза танда ва арқоқ ипларининг бир-бирига ўрилишидан ҳосил бўлса, туқли гиламларда танда ва арқоқ ипидан ташқари туқ ҳосил қилувчи ип ҳам ишлатилади, ҳар бир туқ ипи танда ипининг юқори ва пастки қисмига алоҳида туғиб чиқилади.

Гилам тўқиш учун қирқилган жунлар ювиб тазаланеди, темир тароқда таралади, таралган жундан ип йигирилади. Ип турли табиий бўёқлар билан бўялади. Бугунги кунда гиламлар сунъий нитрон, акрил сингари толалардан тўқилмоқда. Гилам ер бағирлаб ётиқ ва тик ўрнатилган дастгоҳларда тўқилади. Гиламчилик ривожланган жойларда тўқув дастгоҳлари анча мукамаллаштирилган ва бир неча тўқувчи ёнма-ён ўтириб бирданига тўқийверадиган кенг галтакли хиллари яратилган.


Барча тўқиш мосламалари тайёрланиши жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлган. Тўқиш дастгоҳларини фақат ёғочининг қалинлиги ёки узунлигидан фарқлаш мумкин.

Бугунги кунда техника ривожланиб, йирик гиламчилик корхоналари маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса-да, дунё бозорида қўлда тўқилган гиламларнинг баҳоси ва қадри баланд. Шунинг учун бу анъаналарнинг умри боқийдир.

**Дилфуза ҚОДИРОВА,**  
Тошкент тўқимачилик ва ёнгил  
саноат институти доценти



# Жилоси кўзни



**Б**уюк ипак йўли карвонлари элларни бир-бирига боғлаб, савдо-сотиқ билан шуғулланишдан ташқари хунармандлик ва урф-одатларни ҳам ташиган. Бу карвонлар бизнинг юртимиздан ҳам ўтиб-қайтган. Дийримида етиштирилган ширин-шакар меваларга қўшиб, халқи гилам тўқиш, кулолчилик буюмлари ясаш, пилла етиштириш билан шуғулланувчи худудлардан турфа маҳсулотлар, шойи, ипак ва бошқа матоларни олиб кетишган.

Шойига қадимдан турли-туман усуллар билан безаб берилган. Бўялган ва бўялмаган мато турлари савдо карвон йўллари орқали бир давлатдан иккинчи давлатга етиб борган. Қадимда ипак ранги оқ ёки сарғимтир, бундай матодан тикилган кийим ҳам оқ бўлган.

Бир хунарманд йўлда кетаётиб, дам олгани сой бўйида тўхтади. Кўм-кўк осмон, оппоқ булутлар ҳамда камалак жилосининг акси сувда тўлқинланиб мавж уради. Ушбу манзарадан, ҳосил бўлган ёқимли ранглардан ҳайратга тушган хунарманд дарров мос бўёқлар тайёрлаб, матога худди сув юзида кўрганидек гул чизади ва тайёр маҳсулотни хонга олиб боради. Ранг-баранглиги, бемисл чиройини кўрган хон матони атлас, деб номлайди. Шундан кейин фақат хон саройидагиларгина ранг-баранг матодан кийим кия бошлайди, бошқалар эса оқ тус атласдан фойдаланишади. Рангли атлас эса хонатлас номини олади ва оммалашади.

Хонатлас гули, бўяшда ишлатилган ранглар сони, хунармандлар атамаларидан келиб чиқиб, турлича аталган: «Саккиз тепки», «Сайқал», «Пахта ой», «Кумуш биби», «Яхудий», «Намоз

шом», «Бодомча», «Келинчак», қора гулли, сариқ гулли, шахмат нусха ва ҳоказо. Хонатлас ранги оқ ва қорадан тортиб, 14 хилгача бўлиши мумкин.

Кейинчалик такомиллашган ипак матолардан бири адрасдир. Адрас узунасига (танда) ипи табиий ипакдан, кўндаланг (арқоқ) ипи пахта ипдан тўқилган матодир. Пардоз гули ва ранги хонатласга ўхшаш, фақат бироз қалинроқ. Матонинг эни 20-80 сантиметр бўлиб, қўл дастгоҳи ёки ўзи тўқийдиган ускунада тайёрланиши харидор талабидан келиб чиқиб белгиланади. Пахта ипи аралаштирилгани учун адраснинг таннархи хонатласга нисбатан арзон бўлади. Адрас мамлакатимиз иқлимига ҳам мос.

**Х**онатлас матони тайёрлашда иш куйидаги кетма-кетликда бажарилади: Аввало, калава ҳолидаги хом ипак ғалтакка ўралади. Кейин танда ва арқоққа ишлатиладиган ипнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида бир нечта ип бирлаштирилиб, қўшиб эшиш дастгоҳида пишигилади. Мато юмшоқ, силлиқ ва ялтироқ чиқиши учун ипни қайнатиб пишириш лозим. Пишган ип сиқиб, қуритилиб, тўқув дастгоҳига териш учун катта гардишли чархга ўралади. Сўнг абр бандланади ва нақш контури гули чизилади. Кейин гулабардорлик жараёни бошланади. Тўқув дастгоҳига ип ўрамлари жойлаштирилади ва шойи мато тўқилади. Бу жараёнда мато че-

тида осилиб қолган ортиқча иплар кесиб ташланади, тайёр маҳсулотни дамоллаш-пардозлаш, ўлчаш, қадоқлаш ишлари амалга оширилади. Қадоқда ишлаб чиқарилган сана, маҳсулот ўлчами, нақш тури ва бошқа маълумотлар қайд этилган ёрлик ёпиштирилади.

**Т**абиий ипак 70 фоизгача фиброин ва 30 фоизгача серициндан таркиб топган бўлиб, юз фоиз табиий оқсил моддадан иборат. Пилладан олинандиган хом ипак пишиқлиги бўйича ўз йўғонлигидаги пўлатдан мустаҳкам бўлиб, гигиеник хусусиятлари билан табиий толалар ичида етакчи ҳисобланади. Инсон танаси асосини ташкил этувчи оқсил ва аминокислоталарнинг деярли бари табиий ипакда мавжуд.

# Йўнамади

Шунинг учун тиббиётда қадимдан инсон танасини тикиш учун табиий ипак ва от ёлидан чок материали сифатида фойдаланган. Табиий ипак инсон танасида ҳеч қандай ноҳушликни келтириб чиқармайди, аксинча, табиий хусусияти билан сунъий ипдан тайёрланган маҳсулотга нисбатан ёқимли таъсир кўрсатади.

**Т**адқиқотлар шуни кўрсатадики, табиий ипак матоси ўз оғирлигига нисбатан ўттиз фоиз кўпроқ суюқликни шимиб олиш, қишда иссиқликни, ёзда салқинни туттиш хусусиятига эга. Ўзида бактерия тўпланишига йўл қўймайди. Қадимда ичимлик суви танқислиги юзага келганда, карвон билан узоқ ма-

софага юришга тўғри келганда ичдан табиий ипак кийим кийилган.

**П**резидентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон ипаксаноати» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори пилла етиштириш ва ипакчилик соҳасида катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Жумладан, пиллакорларга меҳнат дафтарчаси юритилиши, қўшимча ҳосил етиштирилганларга устама ҳақ тўланиши, эски корхоналар қайта тикланиши, соҳага инвестиция ва инновациялар киритилиши натижасида бир йилда тўрт марта пилла етиштириш йўлга қўйилди. Ипак курти уруғини тайёрлашдан бошлаб озуқа базасини кўпайтириш, хом ипак ишлаб чиқариш корхоналарида кластер тизимини жорий этиш орқали ўзбек ипаги мавқеини оширишга эришилди. Натижада хонатлас, беқасам, адрас матоларининг қадимий турлари тикланибгина қол-

масдан, ички ва ташқи бозорда харидорнинг янги турлар яратилиб, маҳсулот ҳажми борган сари ортиб бормоқда.

**Т**ошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти олимлари ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда ипак матонинг янги турларини яратиш йўлида тинимсиз изланишяпти. Хусусан, маҳаллий иқлим шароитига мос крепжоржет, крепшифон, крепдешин матоларининг янги хилларини яратиш устида ишланмоқда. Профессор Ҳ.Алимова бошчилигида дунё амалиётида илк бор ипакдан тиббиёт доқаси ишлаб чиқарилди ва амалиётга татбиқ этилди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ипакдан қалбакилашдан химояланган қоғоз ишлаб чиқариш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Зеро, соҳа ривожини ипак матоларининг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Ҳаҷонғир АҲМЕДОВ,**  
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
Ипак технологияси кафедраси  
мудири,  
техника фанлари доктори





# ПОЙАБЗАЛ

## Ишлаб чиқариш технологияси истиқболлари



**Ж**аҳон миқёсида махсус кийим ва пойабзалга эҳтиёж ортиб бормоқда. Электрофизик хусусиятларга эга бўлган пойабзаллар нефть ва газни қайта ишлаш, мудофаа аҳамиятига эга корхоналар, электроника, сунъий материални ишлаб чиқариш каби кўплаб соҳаларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жаҳон бозорида рақобатнинг юқори даражадалиги, замонавий технологик ускуналарнинг яратилиши, махсус пойабзал сифатига бўлган талабларнинг янада кучайишига олиб келди.

Махсус пойабзал конструкциялари ва технологиясини такомиллаштириш, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар яратиш, истеъмол ҳамда хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида мамлакатимиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида тўқимачилик, енгил саноат, дизайн, матбаа, чарм буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларда фаолият олиб борувчи кадрлар тайёрланмоқда. Институтнинг Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедрасида 17 профессор-ўқитувчи талабаларга таълим-тарбия бермоқда.



Ушбу кафедра олимлари томонидан битта луғат, қирқдан ортиқ илмий мақола ва тезис нашр этилди. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан Интеллектуал мулк агентлигига тўртта талабнома топширилди, икки патент олинди.

«Ўзчармсаноат» уюшмаси билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ўзаро ҳамкорликда турли танлов ва кўргазмалар ташкил этиб туради. «Uzcharm Style-2019» ёш дизайнерлар Республика танлови ўтказилди. Танловда кафедра профессор-ўқитувчилари ташкилий кўмита ва хайъат аъзоси, талаба-ёшлар эса иштирокчи сифатида қатнашди.

2019 йил 18 октябрь куни танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда қатнашган 17 талабамиздан 10 нафари ғолиб бўлди, сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Таълим мазмунини соҳа истиқболидан келиб чиқиб белгилаш, уни илмий асосда узлуксиз янгиллаб бориш, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда соҳа мутасаддилари бошчилигида таълим жарёнини ташкил этиш юзасидан кафедранинг 2019-2020 ўқув йили учун фан-таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро ҳамкорлиги бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, «Пойабзалчи» МЧЖ технологи Ш. Шойимов талабаларга пойабзал йиғиш инновацион технологияси бўйича қизиқарли маълумотлар берди.

**Ч**арм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси талабалари «Poyabzalchi», «Nafis», «Charm poyabzal invest», «Osio charm fayz», «Qunduz-A» «Ulkan-laziz» МЧЖларда ҳамда «Toshkent dinamo sport buyumlari» сингари корхоналарда амалиёт ўтади. Аксарият талабалар ўқув жараёнининг ўзидан аёқ иш билан таъминланади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари – профессор А.Ҳайдаров ва доцент Н.Мирзаев томонидан тайёрланган «Чарм-пойабзалга оид ўзбекча-русча-инглизча изоҳли лугат» институт кенгашининг 2019 йил 5 ноябрдаги йиғилишида чоп этишга қарор қилинди. 2019-2020 ўқув йили учун лаборатория ишларини бажариш мақсадида кафедра профессор-ўқитувчиларининг йиғирмага яқин услубий қўлланмаси чоп этилди.

Илм-маърифатли ёшлар келажагимиз таянчи ва суянчидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилни мамлакатимизда «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилди. Ушбу йил илмда зукко, маърифатда тенгсиз ёшларимиз учун айна муддао бўлди. Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедрасида ҳам бугунги кунда илмий ишлар билан шуғулланиб, юртимизни чарм пойабзал ишлаб чиқаришдаги ўрнини юксалтиришга ҳаракат қилаётган ёшларимиз талайгина. Доцент, техника фанлари бўйича фалсафа доктори Малоҳат Илҳомова шулардан бири. У бугунги кунда Ўзбекистон шароитида статик электр токидан ҳимояловчи махсус пойабзални яратиш ва тадқиқ этиш мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда. Ушбу тадқиқотга кўра, электрофизик хусусиятларга эга бўлган пойабзаллар нефть ва газни қайта ишлаш, мудофаа аҳамиятига эга корхоналар, электроника, сунъий материалларни ишлаб чиқариш каби қўллаб бошқа соҳаларда муҳим аҳамиятга эга. Электр токни ўтказувчи антистатик пойабзалларни турли конструкциялари яратилган. Бироқ ҳозирги пайтгача электр ўтказувчан хоссаларга эга махсус пойабзални яратишда табиий тўқима матолардан фойдаланилмаган. Электрофизик




зик хоссаларга эга бўлган ҳимоя пойабзалини тайёрлашда электр ўтказувчи ип асосидаги янги мато турларидан фойдаланиш ва улар асосида электр ўтказувчан махсус пойабзал конструкцияларини яратиш илмий-амалий аҳамиятга эга долзарб вазифа ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг аҳамияти шундан иборатки, илк бора электрофизик хоссаларга ҳамда яхшилланган сифат кўрсаткичларига эга, моддий ва меҳнат харажатлари қисқартирилган махсус пойабзал ишлаб чиқаришга эришилди.

**Б**ундан ташқари, кафедра профессор-ўқитувчилари «Қандли диабет билан касалланган беморлар учун махсус пойабзалнинг мақбул конструкциясини яратиш технологиясини ишлаб чиқиш» устида иш олиб борапти. Бу илмий ишга техника фанлари номзоди Озод Ҳайдаров бошчилик қилмоқда. Ушбу тажриба устида институт докторанти Мадина Мухамедова ишламоқда.

Бундай ютуқлар талайгина. Лойиҳалар, инновацион ғоялар кўп. Бу лойиҳалар мамлакатимизда ҳунармандлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай дастур бўлади. Оддий касибни ишлаб чиқарувчи, ўз брендига эга тадбиркорга айлантириш мумкин. Бунинг учун талабаларимиз устозлари кўмагида изланишлар олиб бормоқда.

**Нодир МИРЗАЕВ,**  
Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти  
Чарм буюмларини конструкциялаш  
ва технологияси кафедраси доценти



нои нафис» иждодий гуруҳининг пешқадам вакилларида бири Хуршид Назаровга шогирд тушди. Шу тариқа Даврон Тошев учун тасвирий санъатнинг миниатюра жанри ҳаёт тарзига айланди. Дастлаб у атоқли мусаввирлар асарлари нусхасини чизишдан бошлади. Хусусан, Камолиддин Бехзод ижоди уни ўзига мафтун этди. Ўтмиш мусаввирлари асарлари нусхасини чизар экан, у гўзаллик, уйғунлик оламига кириб борди, фикр уммониغا чуқурроқ шўнғиди. Табриз, Шероз, Исфаҳон, Ҳирот мактаблари ўзаро муштараклиги

миниатюрачи, рассомлар ишларидан ажратиб турди. Даврон Тошев учун иждодий мактабни қайта тиклаш, фақат унинг шаклий услулари, бадий воситалари, безак тизими ёки мавзуларидан фойдаланишни аниқламайди. Иждодкор юксак санъат сирларини кўз қорачигидек асраб-авайлаш ва келажак авлодга тўқис етказишни муҳимроқ вазифа, деб билди. Бугунги кунда иждодий тўлғатган ўзбек миниатюрачи рассомларининг асарлари халқаро кўргазмаларда Эрон, Туркия, Араб мамлакатлари миниатюрачи рассомлари ишларига нисбатан

## МИНИАТЮРА САНЪАТИ – ҲАЙРАТ ОЛАМИ

Ўзбек халқининг маданий мероси ноёб меъморлик, бетакрор тўқимачилик, бой нақшошлик ва бошқа санъатлар ҳамда мўъжизакор китоб миниатюраларини ўз ичига олади.

Шарқ миниатюраси – ҳаёт, ҳаёлот ва рамалар уйғунлигидаги ҳайратанг оламидир. Унинг тимсоллари тантанавор, фусункор, кўнгилларга олам-олам ёруғлик улашади. Мўйқаламнинг нафис ҳаракати ила ҳосил қилинган ёрқин бўёқлар, нозик шаклу шомилларда табиат ва инсон бир тану бир жонга айланади. Миниатюра дурдоналарида буюк шoirларнинг фалсафий мушоҳадаларига акс этиб қолмайди, улар борлиқнинг боқий гўзаллиги мадҳисаи каби таассурот қолдиради.

XV-XII асрларда Мовароуннаҳр, Эрон, Ҳиндистон ва Туркияда ушбу санъат равнақ толган.

Бугунги кунда ўзбек миниатюрачи рассомлари юртимиз ҳудудида ўтмишда мажуд бўлган миниатюра мактабларининг унутилган аъёнларини қайта тиклаётгани қувонарлидир. Шундай иждодкорлардан бири Даврон Тошев Бухорода таваллуд толган истеъдодли рассом ўзининг иждодий ишлари орқали ушбу мактабнинг бадий ҳусусиятларини аниқлаш ва идрок этишга, ўрта аср Бухоро мусаввирлари услуби, улар асарларига хо эътан теран фалсафани тушунишга уринди. Мусаввир чизган миниатюралар мазкур вазифани удалай олгани ва авлодлар ўртасидаги узилган ристани қайта боглаганига гувоҳлик беради.

Ҳозир Ўзбекистонда миниатюра намуналари амалий безак санъатининг ўзига хос тури сифатида китоб саҳифаларини безаш билан бирга янги манзил-мақомларни «забт» этмоқда: тери, ёғоч, қовоқ, чинни ва кулоллик буюмларига чизилган расмлар ёрқин бўёқлари билан санъат илҳом-маңдларини ром этмоқда. Замонавий ўзбек миниатюраси тараққиётида икки муҳим йўналишни алоҳида қайд этиш жоиз. XV-XII аср Ҳирот, Табриз, Шероз ва Бухоро мактаблари аъёнларига тақлид, сюжет, композиция ва образларни айнан кўчириш ҳамда ўрта асрлар Шарқ тасвирий санъати иждодий услулари эркин талқин қилиш бу йўналишларнинг асосидир.

Даврон Тошев замонавий ўзбек миниатюра санъатида биринчи йўналишга мансуб. Унинг санъат хусусидаги хотиралари болалик кезларидан бошланади. У болалар богчасига бориб юрган чоғлари илк бор ранг-баранг қоғозлардан нақш ва шакллар ясаган эди. Давроннинг чизишга иштиёқи баянд эканлигини пайкаган отаси фарзандини бухоролук таникли хайкалтарос Зойир Ҳамроевга шогирдликка беради. Аммо қалб тугёнларини ифодаламоқ учун муносиб шакл кидираётган йигитни хайкалтарошлик санъати мафтун этди олмади. У ўз иждодий йўлини қидириб, Бухородаги коллежда ёғочга расм солиш бўйича, Бухоро давлат университетидега бадий график факультетига тахсил олди. Кейинроқ П. Беньков номидаги рассомлик коллежиде ўқишга тутинди, аммо барча санъат турлари орасида миниатюранинг ўзгача оҳанграбоси борлигини аниқлаб етгач, коллеж тахсилини охирига етказолмади. Даврон атоқли миниатюрачи рассом, «Са-

ва тафовутлари билан уни тимсоллар ва истиоралар тилини тушунишга, бир мўйқалам тортиш билан пайдо бўлган оддийгина чизик қатига сингган олам-олам маънони англашга ва образлар мазмун-моҳиятини теран идрок этишга ўргатди. У нафис ранглар ва уларнинг уйғунлигини ўзгача талқин қила бошлади. Бир-бири билан рақобатга киришган ранглар янада кўркамлик касб этди, зарҳал асарга самовий гўзаллик бахш этиб, уни янада ёрқинроқ кўрсатади.

Тез орада у барча машҳур миниатюра мактаблари орасида айнан Бухоро мактаби ички оламига кўпроқ мувофиқ эканини англаб етди. Ўзи ҳам рассом сифатида Франция, Германия, Италия, Испания, Бирлашган Араб Амирикллари, Хитой каби кўплаб мамлакатларда ўз асарлари билан халқаро кўргазмаларда иштирок эта бошлади. Даврон Тошев 2007 йили Лувр музейида намоён ш этилган Шарқ миниатюраси кўргазмасини бориб кўрди. Парижда қанча мuddат юрган бўлса, ҳар кун Лувр залларига кириб, Ўрта асрлар мактабларининг бетакрор асарларини ҳайрат билан томоша қилди. 2010 йилда хусусий коллекциялардаги нодир миниатюралар билан танишишга муваффақ бўлди. Маҳмуд Музаҳҳиб, Абдуллоҳ ва бошқа мусаввирларнинг миниатюраларини аслиятда томоша қилган кезлари нодир асарларнинг бетакрор зийнати уни ром этди. У ушбу мактабнинг унутилган аъёнларини қайта тиклашни ўзи учун асосий мақсад этиб белгилади.

Ўрта асрлар Бухоро рассомлари каби у ҳам аъёнанив қоғоздан фойдаланиб, алоҳида ва раққларга миниатюра чиза бошлади. Унинг асарлари мавзуси аъёнанив Бухоро миниатюрасига ҳамоҳанг – ошиқларнинг кўклам чоғи богда учрашуви, шейхонлик ва базму жамшидлар, мусиқа кечаси ва донишмандлар гуруҳи. Мусаввирга, айниқса, Алишер Навоий шерияти, хусусан, лирик қаҳрамонларининг йчки кечинмалари яқин. Рассом Бухоро миниатюраси дунёсига шу қадар чуқур кириб борганки, унинг асарлари персонажлар мукамаллиги, чизиклар нозиклиги, композициявий қурилиши ёки ранглар танлови жиҳатидан ўтмишдаги Бухоро мусаввирларининг энг яхши ишларидан асло қолишмайди. Мусаввир Бухоро мактаби дурдоналаридан шунчаки нусха кўчириб қолмай, уларга бугунги кун руҳини, қалб кўрнини синдира олганидан далолат беради. Даврон Тошев асарларига хос латиф тасвир усули, мукамал ишланган деталлар, меҳр билан чизилган нақшу нигорлар, нозик дид ва факуллода уйғунлик унинг иждодини бошқа ўзбек

жўрчи баҳоланаётгани ҳам улар миниатюра санъатининг асл қадимий услубларини сақлаб қола олганидан далолатдир.

Яқинда «Шукрат» медали соҳиби Даврон Тошев хайрли ишга кўл урди. Унинг ташаббуси билан қадимий усулда ипак қоғози ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Бухоро ипак қоғози» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, ундан ортик кишини иш билан татминлади.

– Аждодларимиз ўтмишда бу нозик хунарнинг устаси бўлишган, – дейди Д.Тошев. – Бу соҳа, хусусан, XV–XVI асрларда жуда равнақ толган. Тарихий манбаларда Бухоронинг қадимий Қобдин арифи бўйида ипак қоғоз тайёрловчи икки юздан зиёд устaxonанинг мавжуд бўлгани тўғрисида маълумот учрайди. Воҳамизда бу иш билан шуғулланган охириги уста 1940 йилда вафот қилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Даврон ака ипак қоғоз ишлаб чиқариши кластер усулида йўлга қўйди.


– Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бухорога ташрифи самараси, деб билман, – дея давом этди у. – Гап шундаки, вилдот ҳокими томонидан бизга ўз хунармандлик марказимизни барпо этиш ва кластер усулида ишлашимиз учун



бир гектардан зиёд экин майдони ажратилди. Бу майдонга тут кўчатлари эканмиз. У бизга хомаш вазифасини ўтапти. Тут шохи пўстлогини қайта ишлаш орқали жуда сифатли ипак қоғози тайёрлашга муваффақ бўлялмиз. Шогирдларим билан миниатюра асарларини шу қоғозга туширялмиз. Тайёр иждодий махсулотларимиз миниатюра санъати илҳомандлари, айниқса, хорижий сайёҳлар томонидан сотиб олинапти.

Бир сўз билан айтганда, даладаги оддий тут инсон ақл-заковати, истеъдоди билан санъат асарига айланимоқда. Яқинда «Уста Даврон миниатюра марказининг очилиши бўлди. Марказ доимо сайёҳлар билан гавжум.

**Баҳриддин ШАВҚИЕВ**



# Муסיқа унини хаётти эди

Оиладаги муҳит фарзанд кела-жаги учун муҳим омил бўлади. Улуғбек Мусаев намунали оилада вояга етди. У болалигидан муסיқага меҳр қўйди. Бу иштиёқ уни Урганчдаги болалар муסיқа ва санъат мактабига етаклади. Бўлажак композитор бастакор Абдушариф Отажоновнинг ҳузурига бориб, муסיқа ва композиция илмини ўргана бошлади. Устози унга Хоразм куй-қўшиқларини чолғуда, вокалда ижро этиш йўлларини, таҳлил қилишни ўргатди.

Ёш шогирдининг иқтидори, муסיқага иштиёқидан Абдушариф ака мамнун бўларди. Улуғбек Урганчдаги санъат ва маданият билим юртига ўқишга кирди. У болалигидан гармон созининг эски кўриниши бўлган баян чалишни билар, унда турли куйларни моҳирона ижро эта олар эди. Ўша кезларда Урганчга Москвадан оркестр жамоаси келади ва концерт намойиш қилади. Ўшанда ёш Улуғбек оркестр жамоасига ҳавас қилиб, саксафон чалишга қизиқади. Устози Абдушариф Отажонов Улуғбекни Тошкент давлат консерваториясига етаклаб келади. Улуғбек консерваториянинг тайёрлов курсига қабул қилинади. Бу ерда у Борис Гиенко синфидида таҳсил олади.

Талабалик йиллари жаҳон композиторлари ижодини ўрганиб, уларнинг асарларини севиб ижро этади. Айниқса, Игорь Стравинский, Дмитрий Шостакович, Сергей Рахманинов, Арам Хачатурян асарлари унга илҳом беради.

Кейинчалик У.Мусаев композитор А. Хачатурян ҳузурига бўлиб, бир муддат ундан композициядан дарс олади. У кўп-кўп композиция бўйича танловларда иштирок этади. Ўша йилларда ёш композитор кўшиқлар, романслар, турли чолғу асбоблари ва фортепиано учун пьесалар, Лутфий ғазалига «Ғазаллар» вокал-симфоник туркуми, симфоник поэма ва бошқа кўпгина асарлар яратади. Унинг асарлари республика ва халқаро танловларда фахрли ўринларни эгаллайди. Хусусан, 1968 йилда «Навойи хотирасига» номли фортепьяно учун триоси ёш композиторларнинг республика танловида биринчи ўринни, скрипка ва фортепьяно учун ёзилган уч қисмли аса-

ри 1969 йил Москвада ўтказилган танловда совринли ўринни эгаллайди.

Улуғбек Мусаев 1972 йилда консерваторияни тугатади. Унинг диплом иши Эгам Раҳим либреттоси бўйича «Мангулик» операсининг муқаддимаси бўлади. Кейинчалик бу опера тўлиқ кўринишда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида сахналаштирилади. Операнинг баъзи лавҳалари Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси пленумида муваффақият билан ижро этилиб, Давлат мукофотида сазовор бўлади.

Улуғбек Мусаев консерваторияни тамомлаб, ижодий ишни педагогика соҳаси билан қўшиб олиб боради. Урганч муסיқа билим юртида муסיқа адабиёти ҳамда муסיқа тарихи фанларидан ёшларга таълим беради. Бу ҳақда ўша пайтда унинг талабаларидан – бугунги кунда Урганч давлат университети муסיқа бўлими бошлиғи Ботир Матёкубов шундай ҳикоя қилади: «Улуғбек Мусаев нафақат муסיқа билимдони, устоз сифатида ҳам тенгсиз инсон эди. Унинг ҳар бир дарси биз учун ҳайрат эди. Муסיқа тарихи дарсида биз дунё композиторлари ижодига теран кириб боришни ўрганганмиз. Ўтилган дарсларнинг барчасида опера ва балетларнинг аудиолари тинг-ляниб, асарнинг гармонияси ҳам таҳлил қилинар эди. Шундай дарслар бўлганки, унда опералардан арияларни ўзи фортепьяно жўрлигида ижро қилиб берар эди». Композитор Урганчдаги фаолияти давомида Хоразм вилояти театри қошида эстрада ансамбли ташкил қилган.

У 1975 йил Тошкентга келиб, Ҳамза номидаги муסיқа билим юртида муаллимлик қилади. Мана шу йиллар композитор ижодининг энг юксак асарлар ёзган вақти бўлди, десак янглишмаймиз. Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» достони асосида балет яратишга киришади. 1978 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида балетнинг премьераси бўлиб ўтади. Кейинчалик Москва шаҳрида, Кремль саройида «Ҳинд достони» номи билан машҳур балетмейстер Ю.Григо-

рович раҳбарлигида балетмейстерлар Р.Папко ва Й.Скотт томонидан сахнага кўйилади ва томошабинлар, санъат мухтаassisлари ижрони юқори баҳолашади. Бу ўша вақтда Ўзбекистон маданий ҳаётида катта воқеа бўлган эди.

Улуғбек Мусаев 1981 йилда «Тўмарис» балетини яратади. Ватанпарварлик руҳидаги бу асар юксак эътирофларга сазовор бўлган.

Композиторнинг «Байрамона», «Мангулик», «Робия», «Афсоналар водийсида», «Поэтик миниатюра», «Электра»; «Ода», «Халқ одаси», «Ғалаба одаси», «Поэма» номли асарлари миллий муסיқа маданиятимиз хазинасидан муносиб ўрин олди.

Истеъдодли композиторнинг «Кашмир қўшиғи», «Тўмарис» балетлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрининг балет группаси томонидан Германия, Австралия, Малайзия, Россия, Қозоғистон ва бошқа кўп-кўп давлатларда намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Улуғбек Мусаев 1992-95 йиллар Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси сифатида фаолият олиб борди. Бу даврда у истеъдодли композиторлик билан бирга моҳир ташкилотчи эканини ҳам намойиш этди. Кўп-кўп ёш композиторларга раҳнамолик қилди.

Афсуски, бевақт ўлим ноёб қобилият эгаси Улуғбек Мусаевни ораминдан жуда эрта олиб кетди. У аини кучга тўлган ёшида – 2000 йилда вафот этди.

Композиторнинг опера ва балетлари, романс ва қўшиқлари, умуман, муסיқанинг турли жанрларида яратган гўзал асарлари ҳамон театрлар, хонандалар, оркестрлар репертуаридан тушгани йўқ. Зеро, муסיқа Улуғбек Мусаевнинг ҳаёти эди. Бутун умрини муסיқага, мамлакатимиз санъати, маданияти ривожига, шу орқали халқимиз ва давлатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини юксалтиришга бағишлади. Бундай инсонлар номи ҳеч қачон ўчмагай... Улуғбек Мусаевнинг иккинчи умри давом этмоқда.

Мавлуда АБДУЛЛАЕВА

**Б**ундан бир неча йил аввал Фарбда бир жинслар никоҳига руҳсат берилганини эшитиб, шарқликларга хос андишау ғурур исён қилган, воқеага биров хайрат, биров ғазаб билан ўз фикрини билдирган эди. Бу гап ҳам аста-секин унутилди. Кейинги йилларда шундай тадқиқотлар ўтказилиб, кашфиётлар қилинаётгани, булар энди табиат қонунлари, қолаверса Яратганга исён бўлиб янграётгандек.

Икки ургочи сичқондан бола туғилгани хақидаги хабардан сўнг одам ва чўчка гени чаतिштирилгани тўғрисидаги янгиллик тарқалди. Стаг-фируллох! Инсоният не-не хасталиклар олдида ожиз қолаётган, табиат офатлари, қиргинларнинг олдини ололмай қарахт бўлиб турган бир пайтда олимлар шундай тажрибалар билан овоза бўлишига не ҳолат экан?

## ЎРТОҚ СТАЛИН АМР ЭТМИШ...

Хўш, бундай бемаъни уринишлардан мақсад нима? Бир жинсли жонотларнинг насл кўриш жараёнини синовдан ўтказган Хитой Фанлар академияси тадқиқотчилари ўзларининг ушбу кашфиётига табиий кўпайиш қонуниятларини ҳатлаб ўтган йирик муваффақият, деб қарашмоқда. Улар икки ургочидан пайдо бўлган сичқончаларнинг соғлиги жойида эканини таъкидлайди. Нар сичқонларнинг аҳоли эса яхши эмаслиги қайд этилмоқда. Ҳа, икки нар сичқондан зурриёб ошишга уриниш бўлган, аммо туғилган сичқончалар бир неча кун ичида ўлиб қолган. Бундай уринишдан мақсад табиий йўл билан кўпайишдаги мавжуд қонуниятларни ўзгариштириш мумкинлигини исботлаш эди. Ана, холос!

«Жуда қизиқарли тадқиқот, — дейди Френсис Крик институти вакили Робин Ловел-Баж. — Улар бизни қурчаларга айлантириш йўллариини излашмоқда». (Қурчалар жинсий яқинлиқсиз қуяя олади).

Мазкур тажрибани олиб борган доктор Вей Ли фикрини шундай баён қилади: «Бу тажриба бизга ҳар нарсанинг имкони борлигини кўрсатди. Биз икки ургочи сичқондан дунёга келган сичқонлардаги камчиликларни бартараф этиш мумкинлигини кўрдик ва икки нар сичқондан ҳам зурриёб олим мумкинлигига амин бўлдик».

Хўш, бундан одамларга нима наф бор?

Оқленд университети вакили, доктор Тереза Холм ушбу тадқиқот орқали бир жинсли жұфтликларнинг кўпайиши йўллари топилиши мумкин, деб тахмин қилмоқда. Шу билан бирга, бу йўлда енгил ўтиш лозим бўлган ахлоқий ва хавфсизлик масалалари борлигига ҳам ишора қилган у. Қўйсаси, олимлар олинган боғаларнинг ақлан ва жисмонан соғлом ўсишига тўлиқ ишонч ҳосил қилмагунча, одамлар устида бундай тажриба ўтказишга йўл кўйиб бўлмаслигини таъкидлайди. Шуниси ҳам шукр!

АҚШнинг Калифорния штатида «чўчка-одам» яратилганига нима дейсиз?! Бу хомилани олимлар инсондан кўра чўчкага яқин, дейишмоқда, чунки жонот жисмидаги инсон тўқимаси бор-йўғи 0.001 фоиз экан, холос. Тажриба давомида уруғлантирилган 2075 хомиладан атиги 186 таси ривожланган. Яъни, эмбрионнинг яшаб кетиш даражаси жуда паст. Буни ахлоққа зид тажриба, деб атаётганлар ҳам бор ва улар албатта ҳақ! Олимлар эса донорлар етишмаётган бир пайтда инсонлар учун зарур тана аъзоларини ўстириш жуда мумкинлигини таъкидлашмоқда. Шунингдек, «чўчка-одам» инсоният дуч келиши мумкин бўлган янги касалликларни олдиндан илгаш ва бартараф этишда қўл келиши башорат қилинаётир.

Бир пайтлар ишчи кучини кўпайтириш, хизматкорлар қаршилигига барҳам бериш мақсадида инсоннинг онгидан, хотираси, хис-туйғусидан маҳрум қилиш орқали зомбилар, манкуртларни кўпайтириш йўллари топилиган. Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асаридаги «Найман она қиссасини эсга олайлик. Она шўрлик манкурт ўглини ҳаётга қайтариш учун қанча жасорат кўрсатмасин, онгсиз жонотдан фарқи қолмаган фарзанд унинг қотилига айланади.

Бизнинг замонимида, афсуски, зомбилар яратишининг янги усули топилиб, Экстремистларнинг қулига айланган қанчалаб одамлар ўз ота-онаси, Ватанига хоинлик қилиб, қўлини қонга ботирмоқда. Уша кимсаларнинг «чўчка-одам»дан нима фарқи бор? Ҳақиқ савол туғилади: «чўчка-одам»ларни кўпайтириш орқали шунга ўхшаш бошқа мақсадлар ҳам назарда тутилмаганмикан? Ахир, тарихнинг қонли саҳифалари

дан сўнг Пастер институти вакиллари иккита шимпанзе топилиганини маълум қилиб, Ивановни Фарбий Африкага таклиф этишади. Олим йўлга тушади. Иванов ўз кундалигига ёзиб қолдиришича, мазкур тажрибани ўтказишда ниҳоятда хушёр бўлишга тўғри келган. Негаки, «маҳаллий аҳоли хабар тоғудай бўлса, ўта ноҳусу вазият юзгага келиши мумкин эди», деб ёзади у. Афсуски, олимнинг уриниши бекор кетади: маймунлар хомиладор бўлмайди. Иванов ҳам осонгина қўл силтаб кетмайди ва бошқа йўл қидиради. У маймун спермасидан фойдаланиб, аёлнинг хомиладор бўлишига эришмоқни мўлжаллайди. Бунинг учун Гвинея губернаторига мурожаат қилиб, шаҳар касалхонасида муҳим бир тажриба устида ишламоқчи эканини айтиди. Хайриятки, унга руҳсат беришмайди.

Шундай сўнг Иванов бир нечта маймунни етаклаб, ортга қайтади. Совет фуқароларидан

бунга яққол далил-қў! Узоқ ўтмишни қўя турайлик. Мисолни Қодирий бобо айтгандек, мозийнинг энг қора, чиркин саҳифаларидан излайлик. «Халқлар отаси» Сталин даврига назар ташласак, шунга яқин тажрибага қўл уриб қўрилгани хақидаги маълумотга эга бўламиз. Маълумки, ўша даврда «лаббайки» ва «хўл бўлади»чилар узоқ яшашган. Ўз фикрига эга онгли инсонларни қиравергач, дастёрлари камайиб қолаётганини сезган «халқлар отаси»маймундан ёрдамида ўз империясига сўзсиз, қаршилиқсиз хизмат қиладиган мардумларни кўпайтириш йўллариини қидирганга ўхшайди.

Совет олими Илья Иванов 1927 йили Фарбий Африкада икки ургочи шимпанзе — Бабетта ва Сиветта устида ғаройиб тажриба ўтказди. Унинг тажрибаси билан боғлиқ шундай гап юради: «Сталин «маймун-одам»яратиб, ундан арзон ишчи кучи ва ҳарбий хизматчи сифатида фойдаланишни режалаштирган».



Биолог олим ўша пайт 56 ёш бўлган. У аввал ҳам шунга ўхшаш тажриба ўтказган: сигир ва зубр, сичқон ва денгиз чўчкаси, от ва зебрани частиштириб кўрган. Бу гап у «планка»ни анча юқори қўяди, яъни, одам зотини ўзгаришмоқчи бўлади. Мазкур сирли топшириқни бажариш учун Қора денгиз қирғоғида яширин лаборатория қурилган, деган гаплар бор. Иванов ўша даргоҳда ишлаган-ишлагани хақида эса маълумот йўқ.

Ивановнинг тажрибасини ўшанда Россия Фанлар академияси, Америкадаги атеизмни ривожлантириш иттифоқи ва машур Пастер институти қўллаб-қувватлаган. Аввалига олим кубалик тадқиқотчи Розалия Абреуга мурожаат қилиб, шимпанзе зотли маймун жунатишини сўрайди. Бироқ жувон номаълум сабабларга кўра, унинг илтимосини бажара олмайди. Шун-

бири билан ўз тажрибасини давом эттирмоқни режа қилди. Жониворлар йўлда ҳалок бўлгани сабабли олим ниҳоятга етолмайди. 1930 йилда мутахассиснинг «хизматлари» «контрреволюцион фаолияти учун» тамғаси билан «сыйланиб», Қозғоғистонга сурғун қилинади. Орадан икки йил ўтиб, олим вафот этади.

Хўш, Сталиннинг яширин лабораторияси ҳақиқатан ҳам бўлганми?

Худди ўша йили — 1927 йил ёзда бошқа бир олим Қора денгиз бўйидаги Сухуми шаҳрида



дурағайларни ўрганиш бўйича тадқиқот маркази очгани хақида кўпчилик эшитган. Марказда «янги одам»ёки фантастик дурағайлар устида иш олиб бориладиган, тажрибага қўллаб аёллар жалб этилган экан. Бу маълумотларни 2009 йилда Сизлтл университети олими аниқлаган.

Илмий-фантастик романлар муаллифи Еремей Парнов ана шу сирни фош қилувчи материалларни топиб, «Медицинские тайны» журналича чоп этади. Мақолада айтилишича, маймун-ҳарбиларни яратиш бўйича топшириқни Сталин берган экан. Шундан сўнг Россия давлат телевидениеси «Қизил Франкенштейн» номли хужжатли фильм намойиш қилган. Биолог олим Илья Ивановнинг қўлғамалари, яширин лабораторияга жўнатилган аёлларнинг хатлари ва илмий-фантастик ёзувчи Парновнинг маълумотларига таяниб, бу ҳақда қўллаб ҳорийж журналистлар ҳам ёзишган. АҚШ, Буюк Британия, Италия, Германиянинг нуфузли матбуот нашрлари яширин режа фол бўлгани хусусида мақолалар чоп этган.

Шукрки, ўша гибридарни яратилмади. Акс ҳолда улар одамзот бошига қандай қулфатлар келтириши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Зеро, табиат қонунларини ўзгариштириш уринишлар ҳеч қачон яхши натижа бермаган.

Холида ФАЙЗИЕВА



Анхор устига қурилган «Оби ра-  
вон» чойхонасининг чеккароқда-  
ги сўрасида Ҳақимжон деган  
ошнам икковимиз адабиётшу-  
нос дўстимиз билан суҳбатлашиб ўтирардик.  
Суҳбат адабиёт, адабиётда яратилиши керак  
бўлган янги образ, тил ва характерлар устида  
борарди.

— Э, тўхтанг, тайёр тип керамки? — Адаби-  
ётшунос дўстим секин туртиб, узоқдан илжа-  
йиб келаётган қип-қизил, лунжлари осилган,  
оғзи катта, бурни тангайган пахмоқ соч кишига  
ишора қилди. Мен жавоб беришга улгурмасда-  
нок, кўшиб қўйди: — Бемалол суҳбатни давом  
эттираверинг, лекин диққат билан кузатишни  
эсдан чиқарманг... оти Умматжон ака.

Ҳалиги киши етиб келди ва семиз қўллари-  
ни қуришишга чўзди.

— Ассалому алайкум... Э, э, қимирламанг,

цеҳининг омборига олиб кирдим.

— Оббо, балосиз-да, Умматжон ака! —  
деди Ҳақимжон кулги баҳонасида менинг тиз-  
замга шاپатилаб. — Элмурод дўстимиз ҳам ҳа-  
лиги қиз билан қоронғуда учрашганда...

— Мен ҳам қоронғида учрашдим! — деди  
ўша ҳовлиқмалик билан Умматжон ака, — ом-  
бор қоронғи эди.

— Э, йўқ, мен ундай демоқчи эмасман.

— Ҳа... Хўш?!

Мен айтмоқчиманки, бу киши ҳалиги ўзла-  
рининг бошларини айлантирган қиз билан қо-  
ронғи бир кечада учрашганларида...

— Хўш?

— Думли юлдуз кўрганлар.

— А, э, мен ҳам кўрдим, — деди Умматжон  
ака кўзларини чақчайтириб. — Мен ҳам думли  
юлдуз кўрдим, бир эмас иккита...

— Қачон?

# НОДДИР

Неъмат АМИНОВ

# НУСХА

Ҳикоя



қимирламанг... Маза қилиб ўтирибсизми, Ҳа-  
қимжон?

Ҳақимжон унинг қўлидан сўрига тортиб  
чиқармоқчи бўлди.

— Қани чиқинг, Умматжон ака!

— И-и... Тўхтанг, туфлини ечай... Хўш...  
Қани, омин!..

— Умматжон ака, бу ўртоғимиз Фарғона-  
дан... дедим, дўстимни кўрсатиб, — отлари  
Элмурод, ёзувчи...

— Ҳм, Элмурод... яъни элдан мурод топсин...  
Яхши! — Умматжон ака туфлисини ечди. —  
Фарғонаданман, денг? Фарғонада менинг ҳам  
дўстларим кўп. Дўст кўп бўлса яхши-да. Ўн беш  
кун бўлди, учтаси келиб кетди. Қўй сўйдим. Ка-  
боб қилдик. Кабобни ҳам ошпаз укамиз Фатил-  
ла капказча қилиб, суяги билан пиширди. Меҳ-  
монларга маъқул бўлди.

— Мана, чойдан ичин!

— Раҳмат! — Умматжон ака чойни олиб, ис-  
сиқ-иссиқ ҳўллай бошлади. Ҳақимжон бизга кўз  
қисиб олиб, гапга киришди:

— Элмуроджоннинг бошини ўзимизнинг қиз-  
лардан биттаси айлантирибди.

— Биттаси менинг ҳам бошимни айлантир-  
ди, — деди Умматжон ака ҳовлиққанча пиёлани  
хонтахта устига қўйиб. — Кеча идорада ўтир-  
сам, биноийдек бир қиз кириб келди. Қарасам,  
жуда чиройли. «Нима хизмат?» «Началник Ум-  
матжон ака Бандоев сизми?», — дейди. «Хўш»,  
— дедим. «Кеча пиширган обинавотдан қолди-  
ми?» дейди. «Бор, топилади», дедим. Ҳолва

Умматжон ака талловсиради.  
Кейин елкаларини қисиб, ишонтри-  
шга ҳаракат қила бошлади.

— Нега куласиз, ўша омборда  
учрашган кунимиз кечаси бирга  
сайрга чиққан эдик...

— Юлдуз битта эди! — дедим мен  
ўзимни қулгидан тийиб.

— Йўқ, бўлмаса сиз кўрмабсиз!

— Умматжон ака қизариб, бўзариб  
исботларди. — Думли юлдуз иккита эди, битта-  
си ўнгда, яна биттаси юқори томонда...

— Қаерда?

Уйлаб турмай жавоб бердим:

— Фарғонада!

Умматжон кулди:

— Э, яшанг, меҳмон ука, Фарғонада думли  
юлдуз битта чиққан бўлса чиққандир, лекин  
бизнинг шаҳарда ўша оқшом думли юлдуз ик-  
кита чиққан эди, шундай эмасми, Ҳақимжон?

Ҳақимжон бош ирғаб маъқуллаган бўлди.  
Умматжон ака яна кўпириб кетди.

— Шундай қилиб, думли юлдуз чиққан кеча  
қиз билан учрашдим денг?

— Ҳа, энди...

— Яхши, яхши. Буни қарангки, иккаламиз  
ҳам бир кечада... Самоварчи, чой!..

Самоварчи йигит мийғида қулиб, бир  
чойнак чой қўйиб кетди. Умматжон ака яланг  
оёқларини сўридан осилтирганча чой қайтар-  
рарди. У биринчи пиёлани тўлдириб ўз олдига  
қўймоқчи эди, Ҳақимжон қўл чўзди.

— И-и... Биринчисини ўзим ичимини керак...  
— Кечирасиз, — деди Ҳақимжон қулиб.

— Билмадим, эскилар шундай дейишади,  
чойни қайтарган киши биринчи пиёлани ўзи  
ичар экан.

Ҳақимжон менга кўз қирини ташлаб олиб,  
яна гап бошлади:

— Менинг бир тентак дўстим бор эди...

— Менинг ҳам бир тентак дўстим бор...

— Ўша дўстим, — деди Ҳақимжон унчалик ҳам

эътибор бермай, — хотини, саккиз боласи бўла-  
туриб, яна аллақайлардаги қизлар билан...

— Ия, буни қаран! — деди Умматжон ака  
сўзни кесиб. — Менинг ҳам ўша тентак дўстим  
хотини «Қахрамон она» бўлишига қарамай,  
қизлар билан юради...

— Бу ахлоқсизлик! — деди Ҳақимжон чойнинг  
қолдигини анҳорга селиб. — Мен аллақачон ўша  
дўстим билан борди-келдини йиғиштирган-  
ман...

— Мен ҳам алоқани уздим! — деди Уммат-  
жон ака чой қўйиб менга узатаркан. — Марҳа-  
мат, ука!

Ҳақимжон бизга яна кўз қисиб қўйди:

— Шу дунёда бетуз одамлар ҳам топиларкан.

— Топилади, топилади! — деди Умматжон  
ака жиддийлик билан. — Кеча Сангиннинг уйига  
борсақ, хотини шакароб олиб келди. Тузи йўқ,  
«Ўв келин, туз олиб келинг», десам шу ахтара-  
ди, шуки ахтаради, тузи йўқ экан.

Қаҳ-қаҳлаб қулиб юбораёзган эдим, Ҳа-  
қимжон «Кулманг» деган маънода қошларини  
чимирди.

— Шундай қилиб, тузи йўқ  
экан, денг?

— Ҳа, тузи йўқ экан! — деди  
Умматжон кифтини учуриб.

Бир вақт Сангин ҳам озгина  
ичган эмасми, бечора хотинини дўппослай кет-  
ди, дўппослай кетди... Ажратаман деб борсам,  
мени ҳам урмоқчи, табва, қулоқ чаккасига со-  
либ юборсам борми!..

— Яшанг, ростми?

— Рост. Беъмани! — деди Умматжон ака. —  
Бемаъни бўлмаса, туз деган аризмаган нарса  
учун хотинини дўппослайдимми?

— Шуни айтинг-а, — Ҳақимжон янги бир гап  
ўйлаб топишга ҳаракат қиларди, — лекин хоти-  
ни ҳам сон тегмаган экан-да!

— Тўғри, сон тегмаган, сон тегмаган...

— Мана, бизларда ҳам хотин бор, уйимизда  
ҳамма нарса саранжом-саршиста...

— Мана, бизларда ҳам, менинг ҳам хотиним  
бор! — деди Умматжон ака бўш келмай, уйда  
ҳамма нарса — бодринг ҳам, тузланган поми-  
дор ҳам, туз ҳам доим топилади.

Ҳақимжон менинг тиззамга секин туртиб қўйди:

— Лекин, менинг галимда озгина туз йўқ.

— Меникида ҳам... э, нима, а? — Умматжон  
аканинг юзлари, пешанаси қизариб кетди, ти-  
лини чиқардию кафти билан оғзини бекитиб  
бош силкитиб қўйди. Ҳақимжон қаҳ-қаҳ уриб  
қулиб юборди.

— И-и... Қизиқ-ку, Ҳақимжон, сизга ҳам тушу-  
ни бўлмади қолибди-ку! — деди у тажанг бўлиб.

Ҳақимжон бизга юзланди-да, «Кетдик», деб  
ўрнидан турди. Туфлиларимизни қия бошла-  
дик. Йўлда олган газетга ўроғлик янги қўйлак-  
ни қўлтўққа кистирдим.

— Хўш, Элмурод, қалай, мужассам тип экан-  
ми? — деди Ҳақимжон секин. — Тузуқ таассурот  
олдингиз-а?

Туфлиси, пайпоқларини олиб қияётган Ум-  
матжон ака бу гапнинг охирини эшитиб деди:


— Таассуроти қаердан олдинглар, укалар?  
Айтинлар, мен ҳам олай! — деди у ҳарсиллаб  
туфлисининг боғичларини ўтказаркан.

— Универмагдан. Қолмагандир-ов.

— А, кам чиққан эканми?

— Ҳа, бунақа нусхаси кам! — Ҳақимжон бизга  
им қоқиб қўйди.

# АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ



1. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган шаҳарлардан бири. 2. Навоий достони асосида яратилган опера. 3. Шоирнинг «Хазойин ул-маоний» девонига кирувчи шеър тури. 4. Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина ҳоким қилиб тайинланган шаҳар. 5. Шоир шугулланган фанлардан бири. 6. Хотиранома. Ҳазрат Навоийнинг «Маҷолис ун-нафоис» асари шу жанрда яратилган. 7. «Лайли ва Мажнун» достони қаҳрамони. 8. «Хамса»даги қаҳрамонлардан бири. 9. «Алишер Навоий» кинофильмида Ҳусайн Бойқаро ролини ижро этган актёр. 10. «Ўзбегим» қасидаси муаллифи. 11. Шоир ердан олинадиган даромаднинг харажатларга етарли қисмини қолдириб, халқ учун сарф этганини таъкидлаган асари. 12. Фарҳод, Ширин, Шопур образлари сиймосида мужассамлашган инсоний сифат. 13. Навоий девонларини XV асрда қайта кўчирган машҳур хаттот. 14. Навоий ижодига катта ҳурмат ва муҳаббат билан қараган ва устоз деб билган ўзбек шоири, давлат арбоби. 15. Шоир томонидан Ҳиротда солдирилган мадраса. 16. Навоий номли театрда 1939 йилда қўйилган «Бўрон» либреттосининг муаллифи. 17. Навоийнинг панднома йўналишидаги асари («...ул-жавоҳир»). 18. «Шаҳаншоҳ ўзинги падар, қизингни ... қилмоқчи». Уйғун ва И.Султон. «Алишер Навоий». 19. Ҳусайн Бойқаро 1487 йилда Навоийга амирлик унвонини бериб, ҳоким этиб тайинланган вилоят. 20. Шоирнинг шеърий асарларидан иборат тўпلام. 21. «Фарҳод ва Ширин»да Хусрав, «Алишер Навоий»да Ҳусайн Бойқаро каби ёрқин роллар яратган актёр ва режиссёр, санъат арбоби. 22. «Насойим ул-муҳаббат»да тилга олинган тасаввуф шайхи. 23. Шоир ижодига алоҳида ўрин эгаллаган, бирор тарихий шахс ёки воқеага бағишлаб ёзиладиган катта ҳажмли шеър тури. 24. Эътиқодли, муқаддас, оллоҳга яқин кишилар. Шоир барча асарларида ахлоқий масалаларни ёритишда улар ҳаётидаги ибратли воқеа ва ривоятларга мурожаат қилган. 25. Навоий асарларида тилга олинган туркий халқларнинг қадимий торли мусиқа асбоби. 26. Ойбек романи. 27. «Фарҳод ва Ширин»да қайд этилган қадимий масофа ўлчов бирлиги. 28. Алишер Навоий номли театр биноси лойиҳасини яратган меъмор. 29. Хайрия қилинган мулк. Амир Алишер ўз даврида Ҳусайн Бойқаронинг амир ул муқарраби сифатида турли иноят ҳамда тортиқларга сазовор бўлган. 30. Форс-тожик шоири ва мутафаккири, Навоий «Хамса» хотимасида кўрган тушини тасвирлар экан, уни «буёқ сўз устаси» деб зикр этади. 31. «Сади Искандарий»да тилга олинган ўзбек, қозоқ ва бошқа қатор туркий халқларда ашула, кўшиқ, шеър ифодаси. 32. «Хамса» дostonлари орасида «Хайрат ул-абдор»нинг учдан бир қисмини эгаллаган мумтоз шеър унсурларидан бири. 33. Навоий талқинидаги чин мамлакатининг шаҳзодаси, тош йўнувчи ҳунарманд. 34. Шоир асарларида қайд этилган куш, қирғовул, бедана. 35. «Сабъаи сайёр» достонидаги бешинчи ҳикоят

қаҳрамони, қароқчилар тўдаси сардори. 36. «Сади Искандарий» достонида аввал Искандарга буйсунмай, кейин унга ўз ихтиёри билан бош эгган қаҳрамон, ҳинд подшоиси. 37. Ўз иши, фаолияти ва таъсири билан кўзга кўринган, нуфузли. 38. Аччиқ, алам, ўч олиш ҳис-туйғуси. 39. Тошкентнинг Навоий кўчасидаги мадраса. 40. «Фарҳод ва Ширин» достони персонажи, у орқали шоир мумтоз адабиётда анъанавий дўст образининг янги талқинини яратган. 41. Навоий шеърлятида ёрнинг гўзал чохраси, хуш қадди ва табиий тароватини ифодалаб келувчи гул. 42. Навоий асарларида кўп қўлланилган, инсонни ўраб турувчи борлиқ, дунё. 43. Навоийнинг беш достондан иборат асари. 44. Навоий «... дарёвешав ва хушхулқ, мунбасит киши» деб таърифлаган, XIV аср охири XV аср биринчи яримида яшаб, ижод қилган ўзбек шоири. 45. Сўз ёки ибораларни шеърда асл маъносидан эмас, бошқа маъноларда ишлатишга асосланган бадий санъат. 46. Ўзбек бастакори, «Лайли ва Мажнун» балети муаллифи. 47. Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да тилга олган Шаролиддин Румийнинг ўғли Султон Валаднинг асари. 48. Мусулмон Жаҳо адабиётида кенг қўлланиб келаётган, унинг назарий ва амалий шаклланишида Навоий ижоди алоҳида аҳамиятга эга асосий шеърий тизим, вазн тури. 49. Шарафиддин Али Яздийнинг тарих илмига бағишланган асари. Ундан Навоий «Тарихи мулуки Аҷам»ни ёзишда кенг фойдаланган. 50. Ҳусайн Бойқаро байрам ва қабул маросимларида минган оқимтир, кулранг тусдаги от. 51. Сабаб, асос. 52. Навоий ижодига рамзий маънода умрбоқийлик ва ишқ маъносидан кўлланилган ўтда ёнмаслик хислати билан шўхрат топган афсонавий ва муқаддас жонивор. 53. «Насойим ул-муҳаббат»да тилга олинган, X аср охирида вафот этган тасаввуф шайхи ва муҳаддис. 54. Шоир ҳомилийгида камол топган россом. 55. Юсуф Амирий асари. Навоий «Маҷолис ун-нафоис»да асардан байт келтиради. 56. Шоир «Ғаройиб ус-сигар»да талқин қилган, ўрта асрларда кечки пайт шаҳардаги тартиб-интизомни сақловчи маъсул киши, мишаб. 57. Афсонавий қуш. 58. Чўлу биёбонларда учраши мумкин бўлган баҳайбат махлук, дев. У мажозий маънода шайтон, ёмонликка undovчи нафс, ваҳший одамлар ва фирибгар кимсаларнинг тимсолидир. 59. Навоий ўз асарига тилга олган Амир Темирнинг набираси Сайид Аҳмад Мирзонинг асари. 60. Тирик организмнинг шакли ва тузилиши ҳақидаги фан. 61. Алишер Навоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган Хуросондаги қадимий шаҳар. 62. «Наводир уш-шабоб»нинг 227-ғазалида битилган қиска ва нозик маънолар, ўрганиладиган нарсанинг энг нозик жиҳатлари. 63. «Насойим ул-муҳаббат»да қайд этилган, X аср охирида вафот этган боғдодлик тасаввуф шайхи, имом ва муҳаддис. 64. Ҳамроҳ, осмон жисми.

Тузувчи Шавкат ҲИДОЯТОВ

## ЎТГАН СОНДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЧИЛИК САНЪАТИ» ЧАЙНКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Аблукосим. 2. Муродов. 3. Васса. 4. Акфа. 5. Абдуллаҳон. 6. Намоён. 8. Шердор. 9. Равок. 10. Қаср. 11. Рах. 12. Хоразм. 13. Минора. 14. Алебастр. 15. Ром. 16. Мехроб. 17. Бибиҳоним. 18. Мавж. 19. Жило. 20. Оҳақ. 21. Қушқ. 22. Калтаминор. 23. Ровон. 24. Наво. 25. Оқсарой. 26. Йўлак. 27. Колорит. 28. Тупрок. 29. Қубба. 30. Аҳмедов. 31. Витраж. 32. Жингалак. 33. Қунгура. 34. Арматура. 35. Аработа. 36. Аноргул. 37. Лойиха. 38. Алиф. 39. Фасад. 40. Даҳлиз. 41. Занжира. 42. Арслонқулов. 43. Варашша.



